

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

“МУСИҚА ВА МЕҲНАТ ТАЪЛИМИ” КАФЕДРАСИ



Касб ҳунарга йўналтириш

Билим соҳаси: 100000 Гуманитар

Таълим соҳаси: 110 000 Педагогика

Таълим йўналиши: 5112100 Меҳнат таълими

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълими вазирлиги томонидан
2014 йил 10.11. даги 430-сонли бўйруғи билан тасдиқланган фан дастури асосида ишлаб
чиқилган.

Ўқув услубий мажмуани тузувчи п.ф.н., доцент Б.Қурбонов

Такризчилар: М.Мухлибобоев – “Муסיқа ва меҳнат таълими” кафедраси доценти

З.Сатторова – Гулистон шаҳар 8-умумтаълими мактабининг
меҳнат таълими ўқитувчиси

Ўқув услубий мажмуа ГулДУ ўқув услубий Кенгашининг 2017 йил “_____” _____
йиғилиш баённомаси билан ишлатишга тавсия этилган.

М У Н Д А Р И Ж А

КИРИШ.....	4
МАЪРУЗАЛАР МАВЗУСИ ВА МАЗМУНИ	
1. Ўқувчиларни касбга йўналтириш назарияси ва методикаси.....	5
2. Касбга йўналтиришни педагогик асослари.....	13
3. Касбга йўналтириш ишининг мактаб системаси.....	21
4. Касбга йўналтиришнинг тарбиявий йўналиши.....	25
5. Касб танлашга йўналтиришнинг таркиби.....	28
6. Психологик – педагогик фанларни ўрганишда талабаларни касб танлашга йўллаш ишига назарий – методик жиҳатдан тайёрлаш.....	35
2. Лаборатория ишлари.....	45
МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАШҒУЛОТЛАРИ.....	79
ГЛОССАРИЙ.....	88
ИЛОВАЛАР.....	88
- Фан дастури.....	
- Ишчи ўқув дастури.....	90
- Назорат саволлари.....	

КИРИШ

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да узлуксиз таълимнинг ташкилий-педагогик, ижтимоий-психологик жиҳатлари тўлиқ асослаб берилган. Юрбошимиз Ислом Каримов Олий мажлисининг IX сессиясидаги нутқида кадрлар тайёрлаш тизимининг шаклланиши ва фаолият кўрсатишининг асосий тамойиллари тўғрисида гапириб, “Давлат ва ижтимоий муассасаларнинг касб-ҳунарга йўналтириш бўйича фаолиятини такомиллаштириш, бунда касб танлашнинг бозор эҳтиёжлари ва имкониятларини эътиборга олиш зарур, токи ҳар бир шахс ўзига мос касбни эгаллай олсин”-деган эди.

Шу нуқтаи назардан, масъулиятли, ташаббускор, ижодкор, ижтимоий фаол шахсни тарбиялаш, уни онгли ва мустақил касб танлашга тайёрлаш узлуксиз таълим тизимида ҳал этилиши зарур бўлган долзарб вазифа ҳисобланади. Зеро, бугун мактабгача таълим муассасаларида тарбияланаётган, умумий ўрта таълим мактабларида, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўқиётган йигит-қизларни эртага янгича маданий, иқтисодий муносабатлар, замонавий ишлаб чиқариш технологиялари, ўзгарувчан ва рақобатга асосланган меҳнат бозори кутади.

Жамиятда кечаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, шаклланаётган маданий бозор муносабатлари, ишлаб чиқаришнинг кескин ривожланиши, фан ва техниканинг тараққиёти қизгин кечаётган даврда жамият ва шахс эҳтиёжларининг узвий мутаносиблигига эришиш ёки уни таъминлаш осон иш эмас. Бу қарама-қаршиликни “силлиқлаш” учун ёшларда касб танлашнинг ижобий (позитив) мотивларини шакллантиришда жамият ва жамоатчилик таъсирини кучайтириш керак. Бу ҳаётий долзарб вазифа ёки муаммони ҳал этишда албатта оила ва мактаб, маҳалла ва жамоатчилик, оммавий ахборот воситалари ҳамда бошқа тузилмалар яхлит тизим сифатида бир мақсад атрофида уюштирилари лозим.

Маълумки, умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш уларни маълум касбий тайёрлов йўналиши бўйича ўрта таълим мактабларида ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш уларни маълум касбий тайёрлов йўналиши бўйича ўрта махсус, касб-ҳунар таълими турини ўз имконият, қобилият ва қизиқишлари асосида онгли, эркин ва мустақил танлашга тайёрлашнинг илмий-амалий тизими ҳисобланади. Узлуксиз таълим тизимида касб-ҳунарга йўналтириш ҳар бир ўқувчига ўзлигини англаш ва бетакрор ўзига хослиги асосида ҳам ҳаётий, ҳам касбий истикболни белгилашда ёрдам беради. Касб-ҳунарга йўналтириш жараёнига амалий психологик технологияларни тадбиқ этиш билан шахснинг касбий ўзлигини англаши ва касбий истикбол режасини белгилаши учун бевосита ижтимоий – психологик шароит яратилади. Бу – фаолият самарадорлигини оширишнинг зарур омилларидан бири ҳисобланади.

МАЪРУЗАЛАР МАВЗУСИ ВА МАЗМУНИ

1. ЎҚУВЧИЛАРНИ КАСБГА ЙЎНАЛТИРИШ НАЗАРИЯСИ ВА МЕТОДИКАСИ

Режа

1. Ёшларни касбга йўналтиришнинг назарий шарт-шароитлари, фаннинг мақсади вазифалари ва асосий тамойиллари. Касбга йўналтиришни моҳияти ва мазмуни.
2. Таълим тўғрисидаги қонун, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”.

Таянч сўз ва иборалар. Қонун, дастур, касб, билим, кўникма, малака.

1-саволнинг баёни

Бугунги кунда касб-хунарга йўналтириш соҳасида мавжуд бўлган илмий хулосалар ва тавсиялар ҳамда умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларини касб-хунарга йўналтириш, хусусан, касблар олами билан таништириш усулларини янгилаш зарурати юзага келмоқда. Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш тизими касбий тарғибот ва ташвиқотни ўз ичига олган касбий маърифат (касбий ахборот); у ёки бу соҳа, касбга бўлган шахс қизиқиш ва қобилиятларининг бирламчи касбий ташхиси, касб танлашда мутахассислар томонидан индивидуал, гуруҳий ёрдам кўрсатишга қаратилган касбий маслаҳатлар, кўпроқ мувофақиятга эришиши мумкин бўлган касбни танлаб олишга қаратилган касбий танлов, ишлаб чиқариш амалиёти жараёнида амалга оширилувчи ижтимоий-касбий мослашув, танланган касбни ўрганиш жараёнида бурч, масъулият, касбий ор-номус ҳисларини ўқувчиларда шакллантиришга қаратилган. Ундан кўзланган мақсад ўқувчиларга касблар олами, касбларнинг белги ва хусусиятлари, касб класификацияси, касблар профессиограммаси, ҳудуднинг қайси касбларга эҳтиёжи борлиги тўғрисидаги ахборотларни беришдан иборат бўлиб, улар асосида ўқувчи ўзини қизиқтирган, жамият учун зарур бўлган касбни танлайди.

Ушбу маълумотлар орасида касб класификацияси алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, унинг қанчалик аниқ ва мукамал ўзлаштириб олиниши ўқувчининг кўплаб касблар орасидан ўз имкониятларига мосини тўғри танлашини белгилайди.

Касб класификацияси ҳақида сўз юритишдан аввал ўқувчиларнинг касб ва мутахассислик тушунчалари ҳамда улар ўртасидаги ўхшашлик ва фарқларни аниқ ажратиб олишларига эришиш лозим. Кейинчалик касб класификацияси асосида турли интерфаол машқларни бажаришда бу тушунчаларнинг маъно ва мазмунини ажрата олиш ўқувчиларга ёрдам беради. Бунинг учун ушбу тушунчаларнинг таърифларини келтириш керак.

Касб-бу жамият учун зарур бўлган, ижтимоий меҳнат тақсимоли натижасида чегараланган, инсондан жисмоний, ақлий, маънавий куч талаб этувчи ва сарфланган куч эвазига инсонга мавжуд бўлиш ҳамда ривожланиш имконини берувчи фаолият соҳасидир, масалан, ўқитувчи, шифокор, инженер, дизайнер ва ҳоказо. Мутахассислик эса битта касб ичида тор доирадаги фаолият туридир. Масалан, тарих ўқитувчиси, математика ўқитувчиси, стоматолог, кардиолог, педиатр, қурувчи-муҳандис, лойихаловчи-муҳандис, инженер-конструктор, бадиий либос дизайнери ва ҳоказо. Бундан ташқари, мансаб, лавозим ҳамда илмий унвон тушунчаларига ҳам тўхталиб ўтиш фойдадан холи бўлмайди. Лавозим – бу эгалланган касб ва мутахассислик доирасидаги меҳнат жараёнини ташкил этиш ва унга раҳбарлик, бошчилик қилиш билан боғлиқ бўлган фаолият туридир. Масалан, мактаб директори, ўқув-тарбия ишлари бўйича раҳбар ўринбосари, бўлим бошлиғи, бош инженер, завод директори, бош шифокор ва ҳоказо.

Илмий унвон – бу эгалланган касб ва мутахассислик соҳаси бўйича киритилган янгилик ва кашфиётлар учун бериладиган илмий даражадир. Масалан, фан номзоди, доцент, фан доктори, профессор ва ҳ.к.

Барча касб-хунарга йўналтирилган ишларни ўрганишда шундай хулосаларни чиқариш мумкин. Яъни, касбий маърифат (касбий ахборот) ўқувчига касблар оламида “компас” вазифасини бажаради: аксарият ҳолларда ўқувчилар оммавий ва нуфузли бўлган касбларни танлашга интиладилар; айрим ҳолларда ўқувчиларнинг касблар ҳақидаги билим ва тажрибалари юзаки бўлиб, унинг яққол кўзга ташланувчи, ташқи белгилари ҳамда хусусиятларига таяниб қолишади; касбий муваффақият замирида машаққатли меҳнат ётиши ҳақидаги уларнинг билимлари кўп ҳолларда тор ва саёз бўлади; ўқувчиларни касб-хунарга самарали йўналтириш учун улар албатта касблар олами ҳақида муайян бир тасаввурларга эга бўлишлари, яъни шу бугунги кунгача ер юзида мавжуд бўлган касб-хунар ва мутахассисликлар, лавозим ўртасидаги фарқлар, уларнинг пайдо бўлиш ҳамда йўқолиб кетиш сабабларини билишлари лозим. Шунингдек, тўғри касб танлашга таъсир кўрсатувчи омиллар, ишловчи шахснинг жисмоний, ақлий, руҳий, ахлоқий хусусиятларига бўлган касб талаблари, меҳнат хусусиятлари ва уларнинг инсонга таъсири, замонавий ишлаб чиқариш соҳалари ва турлари, касб-хунар таълими ҳамда таълим муассасалари ҳақидаги маълумотлардан хабардор бўлиши, ҳар бир ўқувчи ўзининг шахсий, индивидуал-психологик-физиологик хусусият ва сифатларини яхши билиши ҳамда уларни ҳисобга олган ҳолда ўзи учун кўпроқ мос келувчи меҳнат фаолияти соҳаларини танлай олиш малакасига эга бўлиши керак.

Касб классификацияси мавзусини ўқувчиларга тушунтиришдан аввал бу атаманинг мазмунини бироз кенгроқ тушунтириб бериш лозим.

Классификация – бу нарса ва ҳодисаларнинг англанинган тартиби бўлиб, уларни бирор-бир муҳим белгиси бўйича турларга ажратишдир. Ўқувчилар турли классификациялар билан ботаника, зоология, она тили ва бошқа фанларни ўрганишда танишиб чиқишган ҳамда унинг қулайлигини англашган. Масалан, ҳайвонот дунёси классификацияси фан дунёсини ўрганишга ёрдам бериб, ўқувчи бирор нотаниш жониворга тўқнаш келганда ташқи белгиларига қараб унинг характеристикасини, маълум бир тур ва оилага киритиши ёки аксинча, жониворни кўрмай туриб, бироқ уни маълум бир тур ва оилага киришини билган ҳолда асосий белгилари бўйича хусусиятларини тузиши мумкин бўлади.

Касб классификацияси турлари билан ўқувчиларини таништиришдан олдин касб классификацияси учун асос қилиб танланган белгига бўлган талаблар ўқувчиларга айтиб ўтилиши лозим, чунки классификация учун касбларнинг хоҳлаган белгиларини олиш мумкин эмас. Касб классификацияси учун асос қилиб танланган белги қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

1. Танланган касб белгиси ўзгармас, мунтазам бўлиши.
2. Танланган касб белгиси барчага тушунарлилиги.
3. Танланган касб белгиси аниқ, ёрқин бўлиши.
4. Танланган касб белгиси битта белги бўйича фақат битта гуруҳга тегишли бўлиши.

Ушбу талабларнинг бирига жавоб бера олмаса, бу касб белгисини классификация қилиш учун асос қила олмаймиз. Ўқувчилар эътиборига касбларнинг бешта белгиси (меҳнат номи; меҳнат характери; меҳнат маҳсулоти; меҳнат қилиш учун талаб этиладиган билим, кўникма, малака даражаси, касбларнинг мамлакат хўжалигининг бирор соҳасига тегишли бўлиши) ҳавола этилади. Улар ҳар бир касб белгисидаги камчилик, яъни касб классификацияси учун танланаётган белгиларнинг тўртта талабдан қайси бирига жавоб бера олмаслигини аниқлашлари лозим.

Касб-хунарга йўналтиришнинг мақсади, вазифалари ва асосий тамойиллари

Касб-хунарга йўналтириш – умуминсоний маданиятни шакллантириш жараёнининг таркибий қисмларидан бири сифатида ёш авлоднинг касбий тикланиши, табиат инъом этган (туғма) қобилиятларини ривожлантириш кўмаклашиш, инсонга касбий ўзлигини англашига ёрдам берувчи махсус чора-тадбирлар мажмуаси бўлиб, унинг имконият ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, бандлик ва мақбул таълим турини танлаш ишларида, турли хил

малакали касб мутахассисларига бўлган эҳтиёжларда жамиятнинг ғамхўрлиги сифатида намоён бўлади.

Касб-хунарга йўналтириш ишининг бош мақсади ўзига хос усуллар ёрдамида мутахассиснинг меҳнат бозоридаги рақобатбардошлигини кучайтириш ва аҳолининг самарали бандлигини оширишга эришишдан иборат.

Касб-хунарга йўналтиришнинг **асосий мақсади** – ёш авлодни онгли ва мустақил равишда келгуси таълим йўналишини (академик лицей ёки касб-хунар коллежи) танлашига ёки шахснинг психофизиологик хусусиятлари, қизиқиши, қобилияти, мойилликлари ва жамиятнинг кадрларга бўлган эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда меҳнат қилиш соҳасини танлашга тайёрлашдан иборат.

Касб-хунарга йўналтириш куйидаги икки асосий вазифани ҳал қилишга қаратилган:

- меҳнат имкониятларини оқилона тақсимлаш ва фойдаланиш ҳисобига мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлаш;

- шахсни ижтимоий ва иқтисодий ҳимоялаш, чунки ўз қизиқишлари, мойиллик ва имкониятларига мос келган касбни танлаган инсон ҳам касбий, ҳам моддий жиҳатдан тезроқ уни ўзлаштиради ва сезиларли натижаларга эришади.

Касб-хунарга йўналтириш ишининг пировард натижаси ижтимоий – иқтисодий омил бўлиб, шахсга ҳам, давлатга ҳам реал фойда келтиради.

Касб-хунарга йўналтиришда куйидаги тамойиллар асос қилиб олинган:

- касб-хунарга йўналтириш хизматларининг мажмуавий характердалиги;

- иқтисодий ривожланиш ва меҳнат бозорини ўрганиш ва прогноз қилиш орқали жамият ва шахс қизиқишларини мувофиқлаштириш;

- шахсни касб-хунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис қилиш шакли, услублари ва воситаларининг илмий асосланганлиги;

- Ўзбекистон фуқароларининг ва (лозим бўлганда) бошқа давлат фуқароларининг ўқиш, иш жойи, ёши, жинси, миллати ва диний дунёқарашидан қатъий назар касб-хунарга йўналтириш хизматларидан фойдаланишга тенг ҳуқуқлиги;

- касб танлаш ёки алмаштириш, таълим тури ва ишга жойлашиш имкониятларига нисбатан касбий ва бошқа ахборотларнинг тушунарлилиги;

- умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларига психологик-педагогик ва касб-хунарга йўналтириш хизматларини кўрсатишнинг мажбурийлиги ва бепуллиги, аҳолининг бошқа гуруҳларига давлат даражасида кафолатланган касбий ташхис ва маслаҳат беришнинг ихтиёрийлиги;

- касбий танлов, ташхис ва маслаҳат хулосаларининг объективлиги, махфийлиги ва тавсиявий характерда эканлиги;

- касб-хунарга йўналтириш хизматлари ходимларининг касбий ахлоқ нормаларига риоя этишлиги.

Касб-хунарга йўналтириш ишларининг асосий объекти:

- умумий ўрта таълим мактабларининг 1-9 синф ўқувчилари;

- олий ўқув юртлари талабалари ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг ўқувчилари;

- ишдан бўшаши кутилаётганлар;

- иш қобилияти чекланган шахслар.

Касбга йўналтириш ишларининг моҳияти ва мазмуни.

Касбга йўналтириш – бу ҳар бир индивидумнинг ўзига хос индивидуал хусусиятлари ва меҳнат бозорининг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, ўз касбий ўрнини топиши учун шахсга таъсир этишнинг илмий асосланган шакл, усул ва воситалар тизимидир. У инсоннинг касбий қизиқиши ва имкониятлари ҳамда жамиятнинг аниқ бир касбий фаолият турига эҳтиёжларининг мутаносиблигига эришишга йўналтирилгандир.

Касбга йўналтириш – моҳият ва самарадорликни баҳолаш кўрсаткичларига кўра ижтимоий-иқтисодий категориядир. Касбга йўналтиришни ҳал этиш вазифалари бўйича

ижтимоий-иқтисодий, тиббий-физиологик ва психологик-педагогик моҳиятга эга муаммодир. Касбга йўналтириш инсоннинг қобилияти ва иқтидорини мақсадли ривожлантиришда, унинг касб маҳорати, иш қобилияти ва саломатлигини асрашга имкон яратади ҳамда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва унинг бандлиги соҳасидаги давлат сиёсатининг муҳим элементларидан бири сифатида намоён бўлади. Касбга йўналтириш шахснинг меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланиш, унинг ижтимоий ва касбий фаоллигини ошириш ҳамда мажбурий ишсизликнинг олдини олишда муҳим рол ўйнайди. Касбга йўналтириш тадбирлари инсон томонидан ўз касбий малакасини оширишнинг қулай шакллари излаш, ижтимоий-иқтисодий ташаббускорлик, интеллектуал ва меҳнат мустақиллигини ривожлантиради.

Ёш авлодни онгли равишда касб танлашга тайёрлашга, уни ҳар томонлама ва баркамол ривожлантиришнинг шарт-шароити сифатида қаралади. Бу шахснинг маънавий, ақлий, меҳнат, эстетик ва жисмоний тарбияси, яъни барча ўқув-тарбия жараёни билан узвий бирликда амалга оширилади.

Касбга йўналтириш қуйидаги қисмлари ўз ичига олади:

Касбий ахборот, касбий маслаҳат, касбий танлов ва саралаш, касбий мослашиш.

Касбий ахборот – маълум бир касбни эгаллаш хоҳиши бўлган шахсга, турли мутахассисликларни эгаллашнинг шакл ва шароитларига, касбий малакаларнинг ўсиш имкониятларига меҳнат бозорининг ҳолати ва эҳтиёжига, касбий қизиқишларнинг шаклланишига, шахснинг истак ва кўникмаларига қўйилган талаблар ҳамда замонавий касбларнинг истиқболи ва мазмуни тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, тарғибот қилиш чора-тадбирларидир.

Касбий маслаҳат – касб танлаш ёки фаолият турини ўзгартиришда ёрдамга муҳтож бўлган шахснинг индивидуал-психологик хусусиятлари, шахсий фазилатлари, касбий қизиқишлари, мойиллиги, соғлиги ва меҳнат бозори эҳтиёжларини ўрганиш асосида психологик-маслаҳатчи билан илмий ташкил этилган ўзаро мулоқот тизимидан иборат.

Касбий танлов ва саралаш – касбий фаолиятнинг алоҳида турларига яроқлилик даражасини аниқлашга йўналтирилган шахснинг психофизиологик хусусиятлари (танлаш) ёки аниқ бир касбга бўлган психофизиологик меъёрий талаблар (саралаш) асосида шахсни ҳар томонлама ўрганиш тизимидир.

Касбий мослашиш – ишлаб чиқаришда касбий фаолиятнинг ижтимоий-психологик ва ташкилий-техник шароитларига шахсни мослаштиришга, уни мувофақиятли равишда касбни эгаллаши учун шарт-шароитларни яратишга йўналтирилган чораларнинг мажмуавий тизимидир.

Профессиография (ахборот, ташхис, коррекцияловчи, шакллантирувчи) ва касбий ташхис (шахсни ўрганишнинг психологик, психофизиологик, тиббий ва бошқа усуллари)нинг мажмуи) касбга йўналтиришнинг ахборот услубий кетма-кетлигининг асоси ҳисобланади.

Касб-хунарга йўналтириш ишларини ривожлантиришнинг асосий босқичлари.

Касб-хунарга йўналтириш ишларини ривожлантиришнинг асосий босқичлари қуйидагича:

Биринчи босқич (мактабгача таълим ёши) – мактабгача таълим ёшидаги болаларда (катта гуруҳ) меҳнат билан банд бўладиган инсонларга, уларнинг машғулотларига, шунингдек, қўлларидан келадиган фаолият турлари бўйича дастлабки меҳнат кўникмаларини ижобий, ҳиссий-таъсирчан шакллантириш;

Иккинчи босқич (1-4 синфлар) – кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда билишга оид ва ўйин кўринишидаги ижтимоий-фойдали меҳнат фаолиятини амалга татбиқ қилиш орқали, меҳнатга ҳурмат, унинг инсон ҳаётида ва жамиятда тутган ўрнини англашини, оналарининг касбларига ҳамда оммавий касбларга бўлган қизиқишини ривожлантириш;

Учинчи босқич (5-7 синфлар) – ўсмирлар касбий йўналтирилганлик бўйича касб танлаш ва жамиятдаги ўз ўрнини топиш билан боғлиқ бўлган қизиқиши, қобилияти, ижтимоий қадриятларнинг изланувчан – синчков кўринишларини шакллантириш;

Тўртинчи босқич (8-9 синфлар) – ўқувчиларда касбий ўзликни англашни шаклланиш даври, яъни ўқувчиларни аниқ бир касбни танлашнинг шахсий маънога эгаллигини тушуниб етиши, қадриятлар тўғрисидаги ўз тасаввурларини, фаолият соҳасини танлашнинг жамият мақсадлари билан қиёслаб олшини шакллантириш даври;

Бешинчи босқич (академик лицей ва касб-хунар коллежларининг биринчи курс ўқувчилари) – ижтимоий-касбий мақомни аниқлаш, яъни аниқ бир меҳнат фаолияти соҳасидаги билим ва кўникмалар ҳақида ҳар тарафлама тасаввурларни шакллантириш, уларни ўзлаштиришга киришиш, ишлаб чиқариш меҳнат жамоасининг тартиб-қоида ва қадриятларига қўшилишни шакллантириш даври;

Олтинчи босқич (касб-хунар коллежларининг охириги курс ўқувчилари, олий ўқув юртлари талабалари) – касбий фаолиятга киришиш. Бу касбий фаолиятга жиддий тайёргарлик ҳамда меҳнат жамоасидаги иш ва тажрибанинг шаклланиш даври;

Еттинчи босқич (катта ёшдаги меҳнат билан банд бўлган одамлар, ишсизлар) – шахсий имкониятлар ва олдинги касбий – ижтимоий тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда, зарурат бўлганда бошқа касбий фаолиятга қайта йўналтириш.

Давлат касб-хунарга йўналтириш тизими билан бир қаторда фуқаролар ва корхоналарга касб-хунарга йўналтириш масалалари бўйича пуллик хизмат кўрсата оладиган, жумладан, тижорат йўналишидаги бюро, агентликлар тузилиши мумкин.

Чекланган меҳнат қобилиятига эга бўлган шахсларни касб-хунарга йўналтириш меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш вазирликлари зиммасига юклатилади. Тизимнинг барча бошқарув босқичларида мазкур вазирликлар шу иш учун масъул ходимлар ажратади.

Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида турли патологияларга мансуб ногиронларни касбий тайёргарлик олишлари учун махсуслаштирилган бўлинмалар тормоғи яратилиши лозим.

Касб-хунарга йўналтириш ишларини умумий илмий-методик таъминоти, тегишли тоифали ходимларни қайта тайёрлаш, малакасини ошириш, ижтимоий-иқтисодий, психологик-педагогик ва тиббий-физиологик муаммолари бўйича илмий текширишларни мувофиқлаштириш ишларини Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг Ўқувчиларини касб-хунарга йўналтириш ва психологик-педагогик республика Ташхис маркази амалга оширади.

2-асосий саволнинг баёни.

1997 йил 29 августда Ўзбекистонда “Таълим тўғрисида”ги қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” қабул қилиди.

Ушбу ҳужжатларда касбга танлашга йўллаш ҳақида Президентимиз И.Каримов ўз нутқида қуйидагиларга алоҳида эътибор берган:
Бугунги кунда олдимизга қўйган буюк мақсадларимизга ‘риё ниятларимизга эришишимиз, жамиятимизнинг янгилалиши, ҳаётимизнинг тараққиёти ва истиқболи амалга оширилаётган ислохатларимиз, режаларимизнинг самараси тақдири – буларнинг барчаси, авваламбор, замон талабларига жавоб берадиган юқори малакли, онгли мутахассис кадрлар тайёрлаш муаммоси билан чамбарчас боғлиқлигини барчамиз англаб етмоқдамиз.

Шу билан бирга, ҳаммамиз яна бир ҳақиқатни англаб етмоқдамиз. Фақатгина чинакам маърифатли одам инсон қадрини, миллат қадриятларини, бир сўз билан айтганда, ўзлигини англаш, эркин ва озод жамиятда яшаш, мустақил давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб, обрўли ўрин эгаллаши учун фидойилик билан курашиши мумкин. Бугунги кунда мутахассис кадрларни тайёрлаш, таълим ва билим бериш тизими,

хаётимизда, жамиятимизда бўлаётган ислоҳот, янгиланиш жарёнлари талаблари билан яқиндан боғланмаганлиги ҳар томонлама сезилмоқда.

Очиқ тан олиш керак: мактабларнинг моддий базаси жуда ночор. Бу масалада нақадар оқсоқлигимизни, ночорлигимизни, биринчи навбатда, қишлоқ жойларидаги аҳвол-вазият мисолида очиқ тан олишимиз керак.

Иккинчи масала, аввал айтганимдек, тарбиячи, яъни ўқитувчига бориб тақалаяпти. Тарбиячининг ўзига замонавий билим бериш, уларнинг маълумотини, малакасини ошириш каби пайсалга солиб бўлмайдиган долзарб масалага дуч келмоқдамиз. Менинг фикримча, таълим-тарбия тизимини ўзгартиришдаги асосий муаммо ҳам мана шу ерда. Ўқитувчи болаларимизга замонавий билим берсин, деб талаб қиламиз. Аммо замонавий билим бериш учун, аввало, мураббийнинг ўзи ана шундай билимга эга бўлиши керак. Шу билан бирга, ўқитувчи ва мураббийларнинг ҳаётий талабларини қондириш, уларни рағбатлантириш, уларнинг ўз иши, касбидан мамнун бўлишини таъминлашимиз лозим. Албатта, бу масалани бирданига ечиш қийин, лекин уни ечмасдан туриб, келажак авлод тарбияси тўғрисида гапиришнинг ўзи мутлақо номақбулдир.

Норасида боланинг мияси, онги нимани ўзига сингдира олади, нимани қабул қилмайди? Афсуски, бу ҳақда ҳеч ким бош қотираётгани йўқ. Шу масалалар билан шуғулланиши керак бўлган мутасадди институт ва марказларимиз етарли. Хулоса шундайки, бугунги умумтаълим жараёнидаги уч босқичдан ҳеч қайсисида ўзига яраша талаб йўқ. Бошқача айтганда, ҳар қандай ўқув босқичига аниқ талаблар стандарт даражасида расмийлаштирилгани йўқ.

Шунга қараб, ўқув жараёни, мазмуни, ўқитиладиган дарсликлар сонини, қанақа синфда қандай билим ва тарбия бериш кераклигини аниқлаш мумкин бўлади.

Мисол учун, умумтаълим мактабларида ўқитиладиган фанларнинг сони 20 га етади. Лекин, афсуски, ўқув режаларида ёшларга ахлоқ ва одоб, ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий билимлар асосларини ўргатадиган фанлар етарли ўрни олган эмас. Мавжуд фанлар эса таркибан эски ҳолида сақланиб қолмоқда. Бу эса мустақиллик ва бозор иқтисодиёти шароитида юзага чиққан давлат миллий эҳтиёжларни қондиришга тўсқинлик қилмоқда. Ҳаммамизга аёнки, таълим дарслиқдан бошланади. Аччиқ бўлса ҳам тан олишга мажбурмиз: деярли барча соҳада дарсликларимиз аҳволи бугунги ва эртанги кун талаблари даражасида эмас. Бир эътибор беринг: педагогика тажрибасида “битирувчи”, деган ибора бор. Бу иборага изоҳ бериб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Яъники, бола мактабни битирса бас, унинг билим ва тарбияси ҳақида гапирмаса ҳам бўлаверади. Таълим-тарбия ислоҳоти ҳақида гапирар эканмиз, унинг мазмунини лўнда қилиб ифода этиш мумкин: **бизга битирувчилар эмас, мактаб таълими ва тарбиясини кўрган шахслар керак.** Шу жойда яна бир оғир саволга дуч келамиз: болалар қайси синфдан бошлаб мустақил фикр юритишга ўргатиладими? Аминманки, ўргатилмайди. Мабодо бирор ўқув ўқитувчига эътироз билдирса, эртага у ҳеч ким ҳавас қилмайдиган аҳволга тушиб қолади. Мактаблардаги жараёнда ўқитувчи ҳукмрон. У боладан фақат ўзи тушунтираётган нарсани тушуниб олишни талаб қилади. Принцип ҳам тайёр: **“Менинг айтганим-айтган, деганим-деган”.**

Ўқитувчи ва ўқувчи муносабатидаги мажбурий итоаткорлик ўрнини онгли интизом эгаллаши жуда қийин кечаяпти. Ўқитувчининг бош вазифаси ўқувчиларда мустақил фикр юритиш кўникмаларини ҳосил қилишдан иборатлигини кўпинча яхши тушунамиз, лекин, афсуски, амалда, тажрибамизда унга риоя қилмаймиз.

Демакратик жамиятда болалар, умуман, ҳар бир инсон эркин фикрлайдиган этиб тарбияланади. Агар болалар эркин фикрлашни ўрганмаса, берилган таълим самараси паст бўлиши муқаррар. Албатта, билим керак. Аммо билим ўз йўлига. Мустақил фикрлаш ҳам катта бойликдир. Умумтаълим мактабларининг оқсоқ томонлари ҳақида гапирар эканмиз, бир муҳим муаммони таъкидламасдан ўтолмаймиз. Бу муаммо – бугун 9-синфни битираётган болаларимиз тақдири. Республикамизда тахминан 5 миллион 200 минг мактаб ўқувчисидан 9-синфни битираётганлар 450 минг нафар болани ташкил қилади.

Хўш, ўзимизча бир тасаввур қилиб кўрайлик 9-синфни тугатаётганларнинг кейинги йўли – тақдири қандай бўлиб қолмоқда?

Маълумотларга қараганда, уларнинг 250 минг нафарга яқини, яъни 55 фоизи 10-синфда ўқишни давом эттирар экан, тахминан 100 минг нафари хунари – техника ёки махсус ўқув юртига кириши мумкин. Қолганлари эса – гап 100 минг нафар болаларимиз ҳақида кетаяпти – ҳисоб-китоб бўйича, умуман кўчада қолмоқда. Бу маълумот ҳам тўлиқ эмас. 11-синфни битаётганлардан 20-25 минг нафари, яъни ҳаммаси бўлиб, 10 фоизи олий ўқув юртига ўқишга кириши мумкин.

Қолган 90 фоизи эса на бир аниқ ихтисос, на бир эртанги ҳаётга керак бўладиган малака ва на бир касб-хунарни эгаллай олмаёпти. **Ва шунинг оқибатида 16-18 яшар йигит-қизларимиз ўз қобилияти, ҳаваси, интилишига мос, ҳаётда ўзига муносиб ўрин тополмаяпти.** Кимки бу рақамларни, бу ачинарли ҳолатни чуқур таҳлил қилса, юрагидан ўтказиб, ўзининг шахсий дардидай англаса, албатта, бундай вазиятга бепарво бўлиб қолишига ишонмайман. Шунинг учун ҳам бугунги замон талаби, эртанги келажагимизнинг ташвишлари биздан халқ таълими тизимини ислоҳ қилиш зарурлигини тақозо этмоқда.

Маълумки, халқ таълимининг асосий бугунини узлуксиз таълим ташкил этади. Шу сабабли, бу масалага алоҳида диққат-эътибор қаратиш даркор. Узлуксиз таълимни давлат таълим стандартлари ва тегишли таълим дастурлари билан таъминлашда, аввало, уларнинг жаҳон талаблари даражасида бўлишига, юксак маънавият заминиди қурилганига асосий эътибор бериш керак. Шунинг учун ҳам умумтаълим дастурларини **мактабгача тарбия, бошланғич, умумий таълим ва мактабдан ташқари таълим** тарзида тузсак, мақсадга мувофиқ бўлади. Бунинг учун куйидаги тизимни асос қилиб олсак, кўзланган натижаларга эришамиз, дебўйлайман.

Биринчи. Мактабгача таълим. Уч ёшдан бошланиб, олти-етти ёшгача оилада, болалар боғчасида ва мулкчилик кўринишидан қаъти назар, бошқа хил таълим ташкилотларида олиб борилади.

Иккинчи. Бошланғич таълим. 1-4 синфларни ўз ичига олади ва бунда ўқиш олти-етти ёшдан бошланади.

Учинчи. Умумий таълим. Бунда ўқувчиларга 5-9 синфлар доирасида билим ва тарбия берилади.

Алоҳида таъкидлаб ўтишимиз керак; умумтаълим мактаби барчамиз учун мажбурий бўлиб, уларда болаларимизга умумий билим асосларини чуқур ўргатишимиз керак, том маънода фарзандларимизнинг дунёқарашини шакллантириш ва кенгайтиришимизга асос солишимиз керак.

Тўртинчи. Ўрта махсус билим ва касб-хунар таълими. Ўқиш муддати 3 йилдан кам бўлмаган академик ва касб-хунар лицейлари ва коллежлари.

Бешинчи. Олий мутахассислик таълими, одатда ўн саккиз-ўн тўққиз ёшдан бошланиб, тўрт йилдан кам бўлмаган муддатда давом этади.

Олий мутахассислик таълими **бакалаврлик ҳамда магистратурага** бўлинади.

Бакалаврлик – йўналишларидан бири бўлиб, базавий олий таълим бериш демакдир. Унда ўқиш камида 4 йил давом этиб, олий маълумот ва таянч мутахассислик дипломини олиш билан тугайди.

Магистратура аниқ мутахассислик бўйича олий касбий таълим бўлиб, бакалаврлик негизида камида икки йил давом этади. Ундаги таҳсил якуний квалификациян давлат аттестацияси ва магистрлик диссертациясини ҳимоя қилиш билан ниҳоясига етказилади.

Шу билан бирга, биз ўз эҳтиёжларимиз ва ички шароитларимиздан келиб чиқиб, узлуксиз таълимнинг расмий тизимида якунловчи бир босқични ҳам жорий этишимиз керак. Бу босқич икки даражага бўлинади, яъни аспирантура ва докторантурадан иборат бўлади.

Аспирантура ниҳоясига етказилган магистрлик негизида 3 йил давом этади.

Аспирантуранинг мақсади – муайян мутахассисликлар бўйича олий квалификацияли илмий ва илмий-педагогик кадрларни шакллантириш. Аспирантура академик ва квалификациян имтиҳонлари ҳамда номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилиш билан

яқунланади. Бу яқунларга кўра, танланган мутахассислик бўйича “фан номзоди” илмий даражаси берилади.

Докторантура фан номзоди илмий даражаси негизида 3 йил давом этади, диссертация ҳимоя қилиш билан яқунланади. Яқунга кўра, танланган мутахассислик бўйича “фан доктори” илмий даражасини берилади. Бошқача айтганда, бу соҳада аввалги тартиб сақланиб қолади. Булардан ташқари, янги тизимда **қўшимча касбий таълим** – қайта тайёрлаш ва малака ошириш масаласига ҳам катта эътибор берилиши керак.

Кадрлар тайёрлаш миллий модели: Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий таркибий қисмлари қуйидагилардан иборат;

Шахс – кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва объекти, таълим соҳасидаги хизматларнинг истеъмолчиси ва уларни амалга оширувчи;

Давлат ва жамият – таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимининг фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишни амалга оширувчи кадрлар тайёрлаш ва уларни қабул қилиб олишнинг кафилилари;

Узлуксиз таълим – малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг асоси бўлиб, таълимнинг барча турларини, давлат таълим стандартларини, кадрлар тайёрлаш тизими тузилмаси ва унинг фаолияти кўрсатиш муҳитини ўз ичига олади;

Фан – юқори малакали мутахассислар тайёрловчи ва улардан фойдаланувчи, илғор педагогик ва ахборот технологияларини ишлаб чиқувчи;

Ишлаб чиқариш – кадрларга бўлган эҳтиёжни, шунингдек уларнинг тайёргарлик сифати ва савиясига нисбатан қўйиладиган талабларни белгиловчи асосий буюртмачи, кадрлар тайёрлаш тизимини молия ва моддий-техника жиҳатидан таъминлаш жараёнининг қатнашчиси.

Давлат ва жамият узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизими барча учун очиқ бўлишини ва ҳаёт ўзгаришларига мослашувчанлигини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси томонидан инсон ҳуқуқлари, таълим, бола ҳуқуқи соҳасидаги шартномалар ва конвенцияларнинг бажарилиши, кадрлар тайёрлаш соҳасида жаҳон илғор тажрибасини ҳисобга олиш узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимининг барча жаҳатларига дахлдор бўлиб, унинг ривожланиши омилларидан биридир.

2. КАСБГА ЙЎНАЛТИРИШНИ ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ

Режа

1. Касб танлашга йўллаш методлари.
2. Касбга йўналтириш босқичларининг мазмуни.
3. Ўқувчиларни касбга йўналтиришда узвийлик.

таянч сўз ва иборалар:

Касб, диагностика, касбга мослашиш, профессиограмма.

1-асосий савол баёни:

Умумий ўрта таълим тизимида ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ишлари самарадорлиги кўп жиҳатдан ўқитувчилар томонидан мос равишда метод ва технологияларни тўғри танлаши ва қўллаш олиши билан белгиланади. Касбга йўналтириш ишига комплекс ёндошиш ўқувчиларни ҳар томонлама ўрганишни, ўқувчилар билан ишлашнинг оптимал метод ва шаклларини аниқлашни тақозо этади.

Бугунги кунда метод, таълим методи ва улардан келиб чиққан ҳолда касб-хунарга йўналтириш методлари ҳам соҳа мутахассислари, амалиётчи ўқитувчилар ва психологлар томонидан турлича талқин этиб келинаётганлиги тегишли назарияларни ўрганиш ҳамда уларни таълим жараёнига татбиқ қилишда муайян зиддиятларни келтириб чиқармоқда.

Соҳага оид турли манбаларнинг қиёсий таҳлили асосида биз Ўзбекистон Миллий Энциклопедиясида методга берилган таърифни қабул қилдик. Унга кўра “Метод (лотинча – *metodos* – йўл сўзидан) тадқиқот йўли, назария, таълимот демакдир”, деб таърифланган. Илмий тушунча сифатида “метод” сўзи кенг маънода муайян мақсадга эришиш йўлини, тор маънода – табиат ва ижтимоий ҳаёт ҳодисалари ва қонуниятларини билиш мақсадида қандайдир вазифани ҳал этиш усулини билдиради. Шунингдек, таълим методи тушунчасини аниқлашда биз А.Мунавваровнинг “таълим методи деганда ўқитувчи ва ўқувчиларнинг биргаликдаги фаолият йўллари тушунилади”, деб шакллантирилган таърифни қабул қилдик. Таълим методлари ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларни эгаллашлари, касбий маҳоратга эришиши, ақлий ва жисмоний ривожланишларини таъминлашга хизмат қилади.

Таҳлил этилган манбаларда касб-ҳунарга йўналтириш методларининг аниқ таърифи учрамаганлиги боис, биз қуйидаги таърифни таклиф қилишни лозим топдик: касб-ҳунарга йўналтириш методлари ўқувчи-ёшларни касб-ҳунарга бўлган шахсий лаёқати, қизиқишлари, қобилиятларини жамият талабларига мувофиқ равишда ривожлантиришга йўналтирилган мақсадли фаолиятни ташкил этишнинг аниқ белгиланган тартибини англатади. Қайд этиш жоизки, баъзи олимлар касб-ҳунарга йўналтириш ишларининг ўзини метод сифатида таърифлайдилар.

Адабиётларда амалга ошириладиган тадбирларнинг шакли билан боғлиқ равишда касб-ҳунарга йўналтириш методлари индивидуал, гуруҳли, оммавий турларга ажратилган. Фикримизга кўра, методларни касб-ҳунарга йўналтириш босқичларига мутаносиб равишда таснифлаш таълим жараёнини ташкил қилиш нуқтаи назаридан самаралироқ ҳисобланади. Бунда ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш жараёнининг қуйидаги босқичларини асос сифатида қабул қилиш мумкин:

1. Педагогик-психологик ташхис босқичи – ўқувчиларни кузатиш, диагностик суҳбатлар ўтказиш;

2. Касбни асосли танловга тайёрлаш босқичи – ўқувчилар фаолиятит натижаларини таҳлил қилиш, улар шахсини ўрганиш;

3. Касбга мослашиш босқичи – ўқувчилар билимини ошириш, олий таълим муассасаларида ўқишни давом эттиришлари учун фанларни чуқур ўргатиш, касбий билим, кўникма ва малакаларни эгаллашга тайёрлашдан иборатдир.

Ушбу босқичларга мос равишда касб-ҳунарга йўналтириш методлари таркибини қуйидагича таснифлаш тавсия этилади:

1. Педагогик-психологик ташхис методлари - кузатиш, диагностик суҳбат, қизиқишлар харитаси, вазиятларни таҳлил қилиш, анкета сўровномаларидан фойдаланиш, қизиқишни аниқлаш методларини ўз ичига олади. Кузатиш – ўқувчиларни ўрганишнинг кенг оммалашган методидир. Бу метод муайян мақсадни кўзлайди, иш режа асосида олиб борилади, кузатишнинг яқунловчи натижалари қайд қилинади. Диагностик суҳбатлар яқка тартибда ёки жамоа тарзида ўтказилиши мумкин.

Бу методлардан фойдаланган ҳолда ўқувчиларнинг қизиқишлари, мойилликлари, қобилиятлари, индивидуал хусусиятларига кўра касб йўналиши тўғрисида хулоса чиқарилади ва уларнинг касб танлаши учун психологик-педагогик маълумот берилади.

2. Касб танлашга тайёрлаш методлари – касбий йўналганликни аниқлаш, касб намоёндалари билан учрашувлар, тўғарак машғулотлари, олимпиадалар, танловлар ташкил этиш, ишлаб чиқариш меҳнатига жалб қилиш, меҳнат натижаларини таҳлил қилиш, ишлаб чиқиш объектларига экскурсиялар уюштириш кабилар мисол бўла олади. Ўқувчилар синфдан ва мактабдан ташқари ишлар жараёнида олган таасуротлари ва тўплаган материалларини ҳисоботлар, иншолар, рефератлар, стендлар, альбомлар тарзида расмийлаштиридилар.

Ўқитувчи кўзда тутган натижасига эришишида қандай методни танлаши ўз ихтиёрида, чунки унинг асосий мақсади аниқ натижага эришишга қаратилган, бунда ўқувчиларнинг билим савияси, гуруҳ характери, шароит, дарс мавзуси ҳам кўзда тутилади.

Бундан ташқари ўқитиш жараёнини олдиндан лойиҳалаштириши, бу жараёнда ўқитувчи ўқув предметининг ўзига хос томонини, жой ва шароитини, таълим воситаларини тўғри танлай билиши зарур. Касб-хунарга йўналтириш мақсадларига тўла эришиш учун ўқитувчидан ўқувчи имконият ва эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда ҳамкорликдаги фаолиятни тўғри шакллантириши талаб этилади.

3. Касбий йўналганликни аниқлаш методлари. Буларга гуруҳ билан касбга йўналтирувчи ўйинлар, оғзаки, касбий ахборотлар ҳамда касбий маслаҳатлар методлари мисол бўлади. Ўқитувчи касб-хунарга йўналтириш жараёнида касб ҳақида индивидуал суҳбатлар уюштиради, касбий ахборотлар тайёрлайди, реферат, иншолар ёздиради, муаммоли ёндашув, идрок қилиш, индивидуал топшириқлар, лаборатория-амалий ишларни бажариш каби методлардан фойдаланади.

Касбга доир реферат, иншолар учун материаллар тайёрлаш ва йиғиш, уларни ўрганиш ўқувчиларга касбни яхши билишнигина эмас, балки унга бўлган барқарор қизиқишни таркиб топтириш имконини ҳам беради.

Ҳикоя қилиб бериш, суҳбатлар ўтказиш, касб намоёндалари билан учрашиш, мультимедиа дастурлар, электрон дарсликлар, слайдларни кўриш, альбомларни кўздан кечириш, корхоналарга саёҳатлар ўтказиш ўқувчилар учун фойдали ва самаралидир.

2-асосий савол баёни:

Мактабда касбга йўналтириш иши зарур натижаларни бериши учун у узлуксиз жараён бўлиши ва ўзаро боғланган бир қанча босқичлардан иборат бўлиши лозим.

а. Дастлабки касбга йўналтириш ишлари (I - IV синфлар) ўқувчиларни меҳнатга тайёрлашдан ёш хусусиятларини ҳисобга олиб, уларни касблар, меҳнат олами билан таништиришдан, ўз меҳнати билан бошқаларга фойда келтириш эҳтиёжини шакллантиришдан иборат.

Бунга эса ўқувчилар бажара оладиган ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш йўли билан эришиш мумкин.

б. V – VII синф ўқувчилари ижтимоий фойдали, унумли меҳнатга киришадилар, уларда касб танлашнинг ижтимоий аҳамиятга зарур сабаблари, меҳнат фаолиятининг маълум бир аниқ соҳасига бўлган қизиқиши шаклланади.

в. VIII – IX синф ўқувчиларида системалаштирилган билимлар, касблар оламидаги касбларни танлай ола билиш маҳорати, аниқ бир касбга бўлган қизиқиш шаклланиши лозим.

г. Академик лицейга касб-хунар коллежларида ишлаб-чиқариш соҳасидаги меҳнатга тайёрлаш, ижтимоий касбий жиҳатдан бир мақсадни кўзда тутганлигига қаратилмоғи зарур.

Меҳнат таълими дарслари касбга йўналтириш ишини олиб бориш учун алоҳида имкониятларга эга. I – IV синфларда меҳнат таълимининг асосий мақсадларидан бири – ўқувчиларда инсон учун меҳнат биринчи зарурият, ижтимоий бурч эканлигига, ҳар қандай касбни эгаллаш учун, мустаҳкам ва чуқур билим кераклигига ишонч ҳосил қилишдан иборат.

Биринчи босқич (I – IV синф ўқувчилари) – моддий ишлаб чиқариш соҳасида меҳнатга бўлган ижтимоий қизиқишларни шакллантиради, ўқувчиларда умуман меҳнатга ижобий муносабатда бўлишни, энг муҳими – жисмоний меҳнатга шундай муносабатда бўлишни, энг муҳими – жисмоний меҳнатга шундай муносабатда бўлишини, кўлидан келадиган ўз меҳнати билан атрофдаги кишиларга қувонч бағишлашга ва бундан маънавий қониқиш олишга интилиш шакллантирилади.

Иккинчи босқич (V-VII синф ўқувчилари) – бирор иш бажаришга қаратилгандир. Маълумки, таълим – тарбия жараёнида ўқувчиларда билимга бўлган қизиқиш касбга бўлган қизиқишдан олдин шаклланади. Шунинг учун бу босқичда касбга йўналтириш соҳасида олиб бориладиган ишда, ўқувчиларга муҳимдир. Бу босқичда ўқувчиларда ижтимоий мақсадларни шакллантириш давом этади, шу билан бирга касбга йўналтириш ҳам бошланади.

3-асосий савол баёни:

Касбни тўғри танлаш шахс ҳаётида катта аҳамиятга эга. Аммо касб танлаш, тўғрироғи, ўз ҳаёт йўлини белгилаш ёшлар учун осон иш эмас. Одатда, ўқитувчилар ўқувчиларга касб ва мутахассисликлар ҳақида ҳикоя қилиб беришади. Бироқ бу билан уларда

дархол касбга қизиқтириш уйғониб қолмайди. Ўқувчиларни касбга қизиқтириш учун мунтазам ва изчил иш олиб бориш, махсус машғулотлар ташкил этиш, уларга касбни эгаллаш усуллари ва касбий малаканинг ўзига хос аҳамияти тўғрисида маълумотлар бериш лозим. Бунинг учун ўқувчиларда қайси касбга қизиқиш ва қобилият борлигини билиш ва шунга қараб уларни тўғарак машғулотларига жалб қилиш, уларга яқка тартибда вазифа ва топшириқлар бериш, қўшимча махсус адабиётларни тавсия этиши керак. бундай ишларни эпизодик характерда эмас, балки доимий, изчил ва аниқ мақсадга йўналтирилган ҳолда ташкил этиш самарали натижа беради.

Ўқувчиларни касбга йўналтириш ишларини шаҳар ва туман ташхис марказлари, умумий ўрта таълим мактабларининг касбга йўналтириш марказлари ҳамкорлигида амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Касбга йўналтиришда ҳамкорлик ишларининг шакллари қуйидагилар:

- ўқувчиларга туман ва шаҳардаги касб-хунар коллежлари ва уларда ўргатиладиган касблар ҳақида маълумот бериш;

- касб-хунар коллежларига экскурсиялар уюштириш;

- касб-хунар коллежи ўқувчиларининг ҳаёти ва ўқиши ҳақида видеофильмлар намойиш қилиш;

- умумий ўрта таълим мактабларида касб-хунар коллежларидаги таълим-тарбия жараёни ва турли касб бўйича мутахассислар тайёрлаш мазмунини акс эттирувчи стендлар ҳамда кўргазмалар тайёрлаш;

- касб-хунар коллежи ва академик лицей ўқувчилари билан учрашув қв кечалар ташкил этиш;

- “Касбларни ким яхши билади?” танловларини, “Касблар ҳақида гаплашамиз” мактаб лекторийларини ташкил этиш;

- мактабларда “Касб танловчига ёрдам” бурчаклари ёки касбга йўналтириш хоналарини ташкил этиш;

- касб-хунар коллежи ва академик лицей ўқитувчиларининг мактабларда касбий тўғаракларни ташкил қилишда ва улар ишини йўлга қўйишда услубий ёрдам кўрсатиши;

- касб-хунар коллежлари ва академик лицейларда “Очиқ эшиклар” кунларини ўтказиш;

- касб-хунар таълими муассасаси маданият уйида ота-оналар учун касбга йўналтириш мавзусида лекторийлар ташкил қилиш.

Бундан ташқари, ўқувчиларга Ўзбекистонда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларининг умумжаҳон ва тарихий аҳамиятини тушунтириш, катта авлоднинг меҳнат ютуқлари ва анъаналари ҳақида маълумотлар бериш, уларни оммавий касблар билан таништириш; буюк бобокалонларимиз қолдирган маданий меросларни, уларнинг касблар ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини, касб эгаллаш усуллари таҳлил қилиш муҳимдир.

Шуни таъкидлаш жоизки, ўқувчиларни касбга йўналтириш иши уларнинг мактабни тугатиб, касб-хунар коллежига ўқишга кириши биланоқ тўхтатиб қўймаслиги шарт. Бу иш ўқув йилининг биринчи ярмида қуйидаги йўналишларда олиб борилади:

- ўқишга янги қабул қилинганларни таълим муассасасидаги ўқув шароитлари билан таништириш;

- касб-хунар коллежи бўйлаб экскурсиялар ташкил этиш;

- меҳнат фахрийлари иштирокида “Менинг келажакдаги касбим” мавзусида кечалар ўтказиш;

- касблар ҳақида ҳикоя қилинган видеофильмлар кўриш;

- шаҳар ёки тумандаги тарихий жойлар, меъморчилик ёдгорликлари билан таништириш;

- коллежга янги қабул қилинган ўқувчиларнинг коллеж ёки академик лицей битирувчилари билан учрашуви;

- “Менинг лицейим ёки коллежим” мавзусида анкета сўровларини ўтказиш.

Ана шу ишларни амалга оширишда таълим муассасаси директорининг вазифалари қуйидагилардан иборат: ўқувчиларни касбга йўналтириш ишларини мақсадга мувофиқ режалаштириш ва назорат қилиш; касбга йўналтириш ишлари натижаларини таҳлил қилиш; таълим муассасида касбга йўналтириш хоналарини ташкил этиш. Демак, ўқувчиларни касбга йўналтиришда узвийликни таъминлаш учун умумий ўрта таълим мактаблари ва касб-хунар коллежларининг ўзаро ҳамкорлигини кенг йўлга қўйиш лозим.

3. КАСБГА ЙЎНАЛТИРИШ ИШИНING МАКТАБ СИСТЕМАСИ.

Режа

1. Касбга йўналтиришда ўқитувчи шахси, фан ўқитувчилари ва синф раҳбарининг фаолияти.
2. Ўқув муассасаларида касб танлашага йўллаш методлари.
3. Касб қандай танланади.

Таянч сўз ва иборалар:

Касблар, методлар, узвийлик.

1- саволнинг баёни:

Касбга йўналтириш ишини амалга оширишнинг умумий системасида мактаб системаси дастлабки босқич ҳисобланади ва қуйидаги вазифаларни ўз ичига олади.

1. Шахснинг юксак маънавий ахлоқий фазилатларига эга бўлган фуқароларни тарбиялаш.
2. Политехник ва бошланғич касбий малакаларнинг муайян системасининг эгаллаган бўлғусу малакали мутахассисни тарбиялаш.
3. Шахсий ва жамоа меҳнати муайян ташкилотчилик малакаларини шакллантиришдан иборат.

Ўқувчиларни касб танлашага тайёрлаш – бутун педагоглар жамоасининг, ота-оналар ва ишлаб чиқариш жамоатчилигининг кўп йиллик таълим – тарбия ишидир. Мактабда касбга йўналтириш соҳасидаги ҳамма ишларни бир-бирига мувофиқлаштирилишини таъминлаш мақсадида касб танлашга йўллаш комиссияси тузилади. Комиссия таркибига мактаб директорининг тарбиявий ишлар бўйича мовуни, меҳнат таълим ўқитувчиси синф раҳбари жамоатчилик вакиллари ота-оналар, корхона вакиллари, мактаб шифокори киради. Ушбу комиссиянинг иш режаси мактаб таълим-тарбия иши режасининг таркибий қисмига киради. Синф раҳбарининг вазифалари – ўқувчининг шаклланаётган шахсини, унинг майиллари, қизиқишлари, қобилиятларини чуқур ва ҳар томонлама ўрганишдан иборат. Бу соҳада унга фан ўқитувчилари, ота-оналар билан ўтказилаган суҳбатлар ёрдам беради. Синф раҳбари ўқувчининг шахсини ўрганиш негизида муайян дастур асосида бир мақсадга қаратиб касбга йўналтириш ишини олиб боради. Касбга йўналтириш иши ўқувчиларнинг ота-оналари билан мустаҳкам алоқада ўтказилади. Ўқувчиларни касбга йўналтиришда ўқитувчининг шахси жуда катта роль ўйнайди.

Ўқитувчининг шахси – ўқитувчининг ижодий ривожланишининг, юксак педагогик маҳоратини, тadbиркорлигини, ўқувчиларга нисбатан муҳаббат ҳурматини белгилаб берадиган хислатлар мажмуидир. Меҳнат таълими ўқитувчиси ўқувчи шахсини ўрганиш мобайнида уларни касбга йўналтириш мақсадида қуйидаги қоидаларга: шахс камол топадиган аниқ вазиятда, жамоада шахснинг хулқ-атворини кузатиш, фаолият орқали шахсни ўрганиш, шахснинг психологик ҳолатини ўртоқларига нисбатан муносабатини ҳисобга олиш каби қоидаларга амал қилиши мақсадга мувофиқдир. **Меҳнат таълими ўқитувчиси қуйидагиларга амал қилиши лозим:** ўқувчиларнинг меҳнат фаолияти соҳалари, халқ хўжалигининг айрим тармоқлари,

касблар ва мутахассисликлар билан таништириш, улар ҳақида тушунча бериш, барқарор қизиқишларини шакллантириш, ўз кучларини амалий жиҳатдан синаб кўриш учун шароитлар яратиш, касбга йўналтириш мақсадида ўқувчининг шахсини ўрганиш, меҳнатга бўлган қизиқишларини шакллантириш. Ўқувчиларни касбга йўналтиришда меҳнат ўқитувчисининг фаолиятини синф раҳбари ва фан ўқитувчиларининг фаолияти билан мувофиқлаштириш ғоят муҳимдир. Касбга йўналтириш мактаб системасининг асосий принциплари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: 1. касбга йўналтириш ҳар томонлама камол топган, фаол шахсни шакллантиришга қаратилган педагогик жараённинг режали равишда амалга оширишладиган узвий қисми сифатида; 2. ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий талаби асосида касб танлашнинг шахсий ва ижтимоий муоммасини тўғри ҳал қилиш; 3. мактабдаги барча дарсларда касбларни тарғиб қилишни поғонали тузилиши; 4. мактаб, оила ва ишлаб чиқаришнинг биргаликдаги куч ғайратлари билан ишчи касбларга қизиқишини тарбиялашнинг фаол методлари. Касбга йўналтиришнинг синфлар бўйича асосий мазмуни қуйидагича бўлиши мумкин: бошланғич синфларда – атроф-теваракдаги маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналари ва табиатдан фойдаланган ҳолда меҳнат фаолияти турлари билан таништириш. Ўрта синфларда – ўқув фанлари дарсларида оғзаки методлар ёрдами билан ҳамма ишларни ўз ичига оладиган ва бирга қўшилган касбларнинг асосий гуруҳлари билан, меҳнат таълими дарсларида эса йўналишлар бўйича касблар, меҳнат усуллари билан кўرғазмали ҳолда таништириш. Юқори синфларда – аниқ ишчи касблари асосларини эгаллаган ҳолда ишлаб чиқаришнинг ақин соҳалари негизида касбга йўналтириш.

2- саволнинг баёни:

Умумий ўрта таълим тизимида ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ишлари самарадорлиги кўп жиҳатдан ўқитувчилар томонидан мос равишда метод ва технологияларни тўғри танлаши ва қўллай олиши билан белгиланади. Касбга йўналтириш ишига комплекс ёндашиш ўқувчиларни ҳар томонлама ўрганишни, ўқувчилар билан ишлашнинг оптимал метод ва шаклларини аниқлашни тақозо этади.

Бугунги кунда метод, таълим методи ва улардан келиб чиққан ҳолда касб-ҳунарга йўналтириш методлари ҳам соҳа мутахассислари, амалиётчи ўқитувчилар ва психологлар томонидан турлича талқин этиб келинаётганлиги тегишли назарияларни ўрганиш ҳамда уларни таълим жараёнига татбиқ қилишда муайян зиддиятларни келтириб чиқармоқда.

Соҳага оид турли манбаларнинг қиёсий таҳлили асосида биз Ўзбекистон Миллий Энциклопедиясида методга берилган таърифни қабул қилдик. Унга кўра “Метод (лотинча – *metodos* – йўл сўзидан) тадқиқот йўли, назария, таълимот демакдир”, деб тарифланган. Илмий тушунча сифатида “метод” сўзи кенг маънода муайян мақсадга эришиш йўлини, тор маънода – табиат ва ижтимоий ҳаёт ҳодисалари ва қонуниятларини билиш мақсадида қандайдир вазифани ҳал этиш усулини билдиради. Шунингдек, таълим методи тушунчасини аниқлашда биз А.Мунавваровнинг “Таълим методи деганда ўқитувчи ва ўқувчиларнинг биргаликдаги фаолият йўллари тушунилади”, деб шакллантирилган таърифини қабул қилдик. таълим методлари ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини эгаллашлари, касбий маҳоратга эришиши, ақлий ва жисмоний ривожланишларини таъминлашга хизмат қилади.

Таҳлил этилган манбаларда касб-ҳунарга йўналиш методларининг аниқ таърифи учрамаганлиги боис, биз қуйидаги тарифни тақлиф қилишни лозим топдик: касб-ҳунарга йўналиш методлари ўқувчи-ёшларни касб-ҳунарга бўлган шахсий лаёқати, қизиқишлари, қобилиятларини жамият талабларига мувофиқ равишда ривожлантиришга йўналтирилган мақсадли фаолиятни ташкил этишнинг аниқ

белгиланган тартибини англатади. Қайд этиш жоизки, баъзи олимлар касб-хунарга йўналтириш ишларининг ўзини метод сифатида таърифлайдилар.

Адабиётларда амалга ошириладиган тадбирларнинг шакли билан боғлиқ равишда касб-хунарга йўналтириш методлари индивидуал, гуруҳли, оммавий турларга ажратилган. Фикримизга кўра, методларни касб-хунарга йўналтириш босқичларига мутаносиб равишда таснифлаш таълим жараёнини ташкил қилиш нуқтаи назаридан самаралироқ ҳисобланади. Бунда ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш жараёнининг қуйидаги босқичларини асос сифатида қабул қилиш мумкин:

- Педагогик-психологик ташхис босқичи –ўқувчиларни кузатиш, диагностик суҳбатлар ўтказиш;
- Касбни асосли танловга тайёрлаш босқичи – ўқувчилар фаолияти натижаларни таҳлил қилиш, улар шахсини ўрганиш;
- Касбга мослашиш босқичи – ўқувчилар билимини ошириш, олий таълим муассасаларида ўқишни давом эттиришлари учун фанларни чуқур ўргатиш, касбий билим, кўникма ва малакаларни эгаллашга тайёрлашдан иборатдир;

Ушбу босқичларга мос равишда касб-хунарга йўналтириш методлари таркибини қуйидагича таснифлаш тавсия этилади:

1. Педагогик-психологик ташхис методлари – кузатиш, диагностик суҳбат, қизиқшлар харитаси, вазиятларни таҳлил қилиш, анкета сўровномаларидан фойдаланиш, қизиқишни аниқлаш методларини ўз ичига олади. Кузатиш – ўқувчиларни ўрганишнинг кенг оммалашган методидир. Бу метод муайян мақсадни кўзлайди, иш режа асосида олиб борилади, кузатишнинг якунловчи натижалари қайт қилинади. Диагностик суҳбатлар яқка тартибда ёки жамоа тарзида ўтказилиши мумкин.

Бу методлардан фойдаланган ҳолда ўқувчиларнинг қизиқишлари, мойилликлари, қобилиятлари, индивидуал хусусиятларига кўра касб йўналиши тўғрисида хулоса чиқарилади ва уларнинг касб танлаши учун психологи-педагогик маълумот берилади.

2. Касб танлашга тайёрлаш методлари – касбий йўналганликни аниқлаш, касб намоёндалари билан учрашувлар, тўғарак машғулотлари, олимпиадалар, танловлар ташкил этиш, ишлаб чиқариш меҳнатига жалб қилиш, меҳнат натижаларини таҳлил қилиш, ишлаб чиқариш объекларига экскурсиялар уюштириш кабилар мисол бўла олади.

Ўқувчилар синфдан ва мактабдан ташқари ишлар жараёнида олган таасуротлари ва тўплаган материалларини ҳисоботлар, иншолар, рефератлар, стентлар, албомлар тарзида расмийлаштирадилар.

Ўқитувчи кўзда тутган натижасига эришишида қандай методни танлаши ўз ихтиёрида, чунки унинг асосий мақсади аниқ натижага эришишга қатилган, бунда ўқувчиларнинг билим савияси, гуруҳ характери, шароит, дарс мавзуси ҳам кўзда тутилади. Бундан ташқари ўқитиш жараёнини олдиндан лойиҳалаштириши, бу жараёнда ўқитувчи ўқув предметининг ўзига хос томонини, жой ва шароитини, таълим воситаларини тўғри танлай билиши зарур. Касб-хунарга йўналтириш мақсадларига тўла эришиш учун ўқитувчидан ўқувчи имконият ва эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда ҳамкорликдаги фаолиятини тўғри ташкиллаштириши талаб этилади.

3-асосий саволнинг баёни:

Касб танлаш инсон ҳаётидаги энг муҳим масаладир. Зеро, реал турмушда бирор касб-хунарни мукамал эгаллаб, етук мутахассис бўлиши зарурий ҳолдир.

Албатта, инсоннинг касб-хунар билан боғлиқ болаликдаги ҳис-туйғулари, орзу-хаёллари ёшга хос психологик хусусият билан боғлиқ. Болаликда касб-хунар ёки мутахассислик учун зарур билим шахс сифатлари ва бошқа талаблар эътиборга олинмайди.

Инсон орзуларининг реалликка айланиши эса унда маъсулият ва жавобгарлик туйғуси пайдо қилади.

Ҳар қалай, ўсмирлик ёшида касб танлаш етакчи фаолият саналади. Ўқувчи – ёшлар эртанги тақдири ҳақида ўйлашга мажбур.

Чунки улар олдида жиддий ҳаётий масала – касб-ҳунар танлаш муаммоси туради. Улар касб-ҳунар соҳаларининг аҳамиятли жиҳатларига алоҳида эътибор қарата бошлайдилар. Шу боиз ҳам, уларнинг ёшлик давридаги ўзгаришлар касб танлаш ва касбнинг аҳамиятига чуқур назар солишга олиб келади. Бу эса уларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиш мажбуриятини кўндаланг қўяди.

Касб танлаш ва унга таъсир кўрсатувчи омилларни бир неча турга ажратиш мумкин. Кўпинча касб танлаш мотивлари шаклланиши қуйидагиларга боғлиқлиги эътироф этилади:

- Ота-она (даъвати, касб-кори, истак-хохиши);
- Ўқитувчи;
- Ўртоқлар;
- Тасодифий танлаш;
- Касб-ҳунар тўғрисида маълумотга эғалик;
- Касбга қизиқиш;
- Машҳур кишилар;
- Касбнинг жамиятдаги нуфузи;
- Касб эгаларига хос хусусиятларни ўзида кузатиш ва бошқалар.

“Хўш, қайси бир мотив асосида ўсмир ёки ўспирин танланган касб анча самарага эгалланади” деган савол туғилиши табиий. Чунки бугунги кунда касб-ҳунар коллежлари ва бошқа таълим муассасаларида мутахассис бўлиш учун таҳсил олаётган кўплаб ёшларнинг бирор касб-ҳунарни мукамал эгаллаш борасида аниқ мақсади йўқ. Ҳолбуки, аниқ мақсад фаолиятнинг ижобий яқунланиши мезонларидан бири. Аниқ мақсад фаолият йўналишининг тўғрилигини кўрсатади. Аниқ мақсад ёшларни ҳаётда адашишдан огоҳ этади. Мақсад асосида фаолият юритганлар мақсадсизларга қараганда анча яхши ҳаёт кечирганини кўриш мумкин. Демак касб танлаш оддий хойи хавасни эмас, балки аниқ мақсад ва онгли фаолиятни талаб этади. Бу масала шахснинг ижтимоий ўзи-ўзини белгилаши ва демак, жамият олдидаги маъсулиятини хис қилиш муаммосига бориб тақалади. Чунки шахс ўзининг индивидуал эҳтиёжлари билан ижтимоий талаблар ўртасидаги мувофиқликни таъминлай олиш лозим. Кўпинча шахс, айниқса, ўқув-ёшлар ижтимоий ўз-ўзини белгилай олмаслиги боиз ҳаётда бирор мавқега эришолмайди.

Ўспирин ёшлар касб эгаллашда касб-ҳунар ва мутахассисликнинг ижтимоий нуфузига алоҳида эътибор қаратади. Навтижада касблар ўртасида кескин тафовудлашув келиб чиқади. Аслида ҳар бир касб-ҳунар ва мутахассисликнинг ижтимоий аҳамияти мавжуд. Этикдўз ёки тикиувчининг жамиятдаги ўрни ҳисобчи ёки сотувчинингдан кам эмас. Айтайлик, нўноқроқ тадбиркордан иқтидорли тикувчи кўпроқ даромат топиши мумкин.

Касб тўғрисидаги тассавурлар билан реал имкониятнинг мувофиқ келиши асосий шарталардан биридир. Баъзи ўспиринларнинг касб тўғрисидаги тассавурлари реал имкониятидан анча йироқ бўлади. Бу зиддият салбий натижага олиб келади. Аксинча, имконият реал шарт-шароитга мос келса ижобий натижага эришилади.

Масалан, ҳисобчи бўлиш учун бу соҳага оид билимларни ўзлаштириш ва уларни амалиётга қўллаш олиш борасида етарлича қобилият ва саб-тоқатни талаб қилади. Соатлаб бир жойда ўтириб иш бажариши учун инсонда катта ирода бўлиши керак. Фақат касб тўғрисидаги тассавурларнинг ўзигина мутахассислик бўлиб камол топиш учун етарли омил бўла олмайди. Буни ўқувчи-ёшлар онгига мунтазам сингдириб бориш лозим.

Юқорида билдирилган фикр-мулоҳазаларга асосланиб айтиш мумкинки, мутахассис сифатида камол топиш учун қатор масалаларга эътибор қаратиш зарур:

- Касбни онгли равишда танлаш;
- Касб эгаллаш учун аниқ мақсад қўйиш;
- Касб тўғрисидаги тассавурларнинг реал ҳаётдан узоқ эмаслиги;

- Эгалланадиган касбнинг ижобий жиҳатлари билан бир қаторда амалий фаолиятда дуч келинадиган қийинчиликлар ҳақида тасаввур қила билиш;
- Касбий мотивларни чет омиллар таъсирида эмас, шахс эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда шакллантириш;
- Касбнинг ижтимоий нуфузи ва кадр-қимматини яхши билиш;
- Мутахассис сифатида камол топиш узоқ вақтни талаб этишини англаш ва б.қ. Ушбу масалаларга эътибор бериш касб эгалламоқчи бўлган ҳар бир ўспирин, қолаверса, ўқитувчи ва ота-она учун ўта муҳим ҳисобланади.

4. КАСБГА ЙЎНАЛТИРИШНИНГ ТАРБИЯВИЙ ЙЎНАЛИШИ.

Режа

1. Касблар характеристикаси – профессиограмма.
2. Касбга йўналтириш ишларига қўйиладиган талаблар ва хатоликлар.
3. Экскурсиялар уюштириш ва унинг касбга йўналтиришдаги аҳамияти.

Таянч сўз ва иборалар: профессиограмма, касб мутахассис, соҳа, корхона, экскурсия.

1-асосий саволнинг баёни:

Профессиограмма—одамларнинг касбий фаолиятини ўрганади профессологиянинг муҳим системаларидан биридир. Мутахассисликларнинг одамга, унинг психофизиологиясига ва жисмоний хислатларига нисбатан қўядиган асосий талабларнинг таснифи, шунингдек мазкур касбий фаолияти шахсга мувоффақият ёки мувоффақиятсизлик, қониқиш ёки қониқмаслик келтирувчи омиллар профессология вазифаларига киради. Меҳнатдан психологик жаҳатдан фойдаланиш ва кейинчалик амалий фаолиятда фойдаланиш учун мўлжалланган ишнинг аниқ турини комплекс тарзда, мунтазам ва кўп томонлама тасниқлаш психологик - **профессиограмма** деб аталади.

Профессиограммалар ўқувчиларни турли касблар билан таништириш учун қўлланилади.

Касб психодиагностикасининг мақсади – мактаб ўқувчисининг шахсини ўрганишдир. Ушбу жараёнда шахснинг ўзига хос хусусиятлари, мўлжаллари, қизиқишлари, талаб-эҳтиёжлари, майиллари, қобилиятлари, ниятлари, касбий йўналишлари характерлари, темпераменти ва соғлигини ўрганишдир.

2-асосий саволнинг баёни:

Касбга йўналтириш ишларини амалга ошириш учун қуйидаги талабларни бажарилиши лозим:

- Диагностик маслаҳат шахсни қизиқишлари, майиллари, қобилиятларини ўрганишга қаратилган бўлиб, бунда шахсни ана шу хусусиятлари унинг танлайдиган касбига мослигини аниқлаш;
- Тиббий маслаҳатда – ўқувчининг соғлигини, унинг танлайдиган касбига нисбатан психологик хусусиятларини аниқлаш;
- Касб танлаш – мактабдан ташқари махсус лабораторияларда ва асосан ғоят қийин меҳнат шароитлари билан боғлиқ касблар бўйича амалга оширилади;
- Касб танлашдан мақсад – одамни меҳнатнинг аниқ турига яроқли ёки яроқсиз эканини аниқлашдан иборат;
- Касбга мослашиш – касбга йўналтиришнинг яқунловчи таркибий қисмидир. Касбга мослашиш – касбни тўғри танлашнинг асосий мезонларидан бири, касбга йўналтириш соҳасидаги бутун ишнинг самарадорлигига баҳс беришдир;
- Касбий тарбиялаш – касбга йўналтириш системасининг асосий таркибий қисмларидан бири касбий тарбиялаш инсонпарварлик, касбий бурч ва шарафни, маъсулиятни,

касбий ифтихорни, ахлоқийликни ўз ичига олади. Ушбу талабларни бажариш билан бирга қуйидаги хатоликларга ҳам йўл қўйилади:

3-асосий саволнинг баёни:

“Кўрсатмали методлар” жадвали экскурсия – кўрсатмали таълим бўлиб, бунда ўқувчилар буюмларни, технологик ва меҳнат жараёнларини, меҳнатни ташкил этилишини ишлаб чиқариш жараёнида ўрганади.

Экскурсия турлари

Кириш экскурсияси. Ўрганиладиган мавзуга кириш шароитида ўрганилинади.

Иллюстрация. Мавзуни ўрганиш жараёнида ўтказилинади.

Якуний экскурсия. Мавзуни, бўлимни ва дастур материални ўтиб бўлгач уюштирилади.

Экскурсияга тайёргарлик.

1. Мақсадни белгилаш.
2. Объектни танлаш.
3. Жойни бориб кўриш ва режасини тузиш.
4. Ўқувчиларни экскурсияга тайёрлаш. Уларни экскурсия ўтказишдан мақсад, ўтказиш режаси ва ўтиш вақти билан таништириш.

Яқунлаш.

1. Ўтазилган экскурсия тўғрисида ўқувчилар билан савол-жавоб ўтказиш, фикрларини билиш.
2. Олинган билимларни мустаҳкамлаш. Кузатишларни, ўқувчиларни жавобларини ва ёзма ҳисоботларини умумлаштириш.

“Оғзаки метод” жадвалини тузинг.

1. Ҳикоя.
2. Сухбат.
3. Материални оғзаки баён қилиш.

Таълим тўғрисидаги қонун талаблари асосида касб-ҳунарга йўналишнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи дарсдан ташқари машғулотларни самарали ўтказиш кехнологичесини ишлаб чиқиш лозим. Бунинг учун биринчидан ўқувчиларни дарсдан ташқари машғулотларда касбга йўналтириш самарадорлигини оширувчи метод ва назарияларни таҳлил қилиш, иккинчидан машғулотларни ташкил этишнинг замонавий шаклларида фойдаланиш, учинчидан ҳар бир ўқувчининг индивидуал фазилат ва сифатларини тўлароқ эътиборга олиш муҳим ҳисобланади. Бунда педагогик тадқиқотларда асослаб берилган ўқув жараёнини бошқичларга ажратиш мақсадга мувофиқ.

Биринчи бошқичда: амалга ошириладиган технологиянинг мақсадини, ўқувчиларни касб-ҳунарга йўллаш ишлари самарадорлигини оширишга, уларнинг дарсдан ташқари машғулотлари мазмунини такомиллаштириш орқали эришиш.

Иккинчи бошқичда: шакллантирилган мақсад асосида уни амалга ошириш йўллари белгилаб олиш, яъни дарсдан ташқари машғулотларнинг ўқувчилар эҳтиёжи ва қизиқишларига жавоб бера олувчи энг мақул мажмуасини асослаш. Ўқувчиларни машғулотларга жалб қилишда ихтиёрийлик мезонини махсус танлов методи билан уйғунлаштириш, дарсдан ташқари машғулотлар мазмунини танлашда индивидуал ва индивидуал-табақалаштирилган методлардан ўринли фойдаланиш.

Учинчи бошқичда: дарсдан ташқари машғулотлар тизими орқали ўқувчиларни касбга йўналтириш самарадорлигини ошириш мақсадида уларнинг шахс сифатларини ташхис қилиш методикасини амалга ошириш.

Дарсдан ташқари машғулотлар бир томондан дарс жараёнининг узвий давоми бўлса, иккинчи томондан ўқувчиларни касб танлашга йўллаш имкониятларини анча кенгайтиради. Ўқувчиларни касбга бўлган иқтидори даражаси ва қизиқиши доирасини белгилаб олиш ҳамда уларни касбга йўналтириш учун хизмат қилувчи машғулотлар шаклини тўғри танлаш

керак. Бунинг учун тест махсус сўровнома ишлаб чиқариш зарур. Дарсдан ташқари машғулотлар ўқувчиларнинг ўз иқтидорини, мустақил ижодий фикрлаш қобилиятларини ёрқинроқ номоён этиши учун кенг имкониятлар очиб беради. Бу ҳол ўқув дастурида кўзда тутилганидан кўра мураккаброқ вазифалар кўйишга ва уларни ҳал этишга асос бўлди. Ихтиёрийлик мезонини ўқувчи қизиқишлари билан уйғун ҳолатда қўлланилиши ўқувчилар дарсдан ташқари иш жараёнида касб-ҳунар таълимининг асосий вазифаларини бажарниш бўйича яхши натижаларга эришилди.

Юқорида айтиб ўтилган фикрлар касбий тарбия асосида дарсдан ташқари машғулотлар вазифаларини қуйидагича ифодалаш имконини беради:

1. Меҳнат ёки касб-ҳунар таълими давомида ўқувчилар олган билим кўникмаларини мустаҳкамлаш. Умумлаштириш ҳамда кенгайтириш.

2. Унумли меҳнатга асосланган ижодий фаолиятга ўқувчиларни жалб қилиш. Ҳозирги замон ишлаб чиқариш асослари ҳақида тасаввурни кенгайтириш.

3. Халқ хўжалигининг замонавий эҳтиёжлари асосида касб танлашга тайёрлаш.

4. Меҳнатга бўлган ижобий муносабатни шакллантириш.

Ҳозирги даврнинг муҳим вазифаларидан бири таълим – тарбия тизимида ўқувчиларни меҳнат ва касблар олимга олиб киришдан иборатдир. Бунинг ҳар хил йўллари борки, улар орасида турли касб тўғараклари муҳим ўринни эгаллайди. Касб тўғаракларида ўқувчилар яратувчилик фаолияти билан шуғулланадилар. Сўнги йилларда тўғарак машғулотларини олиб боришда четдан келадиган хом – ашё танқислигини инобатга олиб, маҳаллий хом – ашёлардан (терақ, тол, гил, ганч) фойдаланиб дарсларни ташкил қилиш йўлга қўйилмоқда.

Маълумки, маҳаллий хом – ашёлардан бўлган тол дарахти табиатни муҳофаза қилишда бошқа дарахтларга қараганда юқори ўринда туради, ўрта ёшли тол дарахти бир суткада 80 литргача сувни ҳавога буғлантиради. Толнинг ёғоч қисми эса саноатда ишлов беришга қулайдир, айниқса бу бешиксозликда жуда қўл келади. Тол эса Республикаимизнинг кўпгина туманларида мавжуд бўлиб, кулолчилик ишларида арзон хом–ашё ҳисобланади. Шунини инобатга олиб, ёш авлодга кулолчилик, бешиксозлик сирларини ўргатиш, сопол буюмлар тайёрлашни йўлга қўйиш бугунги куннинг муҳим талабидир.

Биноларни пардозлаш ишларида ганчкорлик керакли санъат ҳисобланади. Ҳозирги кунда ўқувчилар ганчкорлик сирларини ўрганиб амалда қўлламоқдалар. Металларга термик ишлов беришни йўлга қўйиш мақсадида темирчиликни ташкил қилиш, ташландиқ металлдан халқ истеъмоли учун, ўроқ, кетмон, пичоқ ва бошқа шунга ўхшаш маҳсулотларни ишлаб чиқариш, халқ ҳунарманчилигини давом эттиришнинг энг яхши усулидир.

Шунинг учун ҳозирги кунда бешиксозлик, бичиш ва тикиш, зардўзлик, кулолчилик, ганчкорлик ва темирчилик тўғаракларини умумтаълим мактабларида ташкил этиш ўқувчиларга касб–ҳунар сирларини пухта ўрганиш ва эгаллашнинг дастлабки воситаларидир.

Бу тўғаракларнинг таълим самарадорлигига таъсири шундаки, ўқувчиларни меҳнат таълими орқали улардаги ижодкорликни орттириб яратувчанликни вужудга келтиради.

Ўқувчиларнинг меҳнат ва ҳунар таълими дастурига мувофиқ тарзда амалга ошириладиган ўқув–меҳнат фаолияти ўрта маълумот олаётган ҳар бир ўқувчи эгаллаши зарур бўлган минимум ҳисобланади. Бироқ ўқувчилар меҳнат фаолиятининг бу тури уларнинг индивидуал талабларини ва илмий – техникавий билимларнинг бошқа соҳаларига бўлган қизиқишларини қондира олмайди. Бу камчиликни синф ва мактабдан ташқари ишларни ташкил этиш йўли билан тўлдириш мумкин.

Меҳнат бўйича ўқишдан ташқари ишларга меҳнат, меҳнат ижодкорлиги тўғараклари ташкил этиш, энг янги асбоб – ускуналар намуналари, илғор технология, конструкторлар, технологиялар, рационализатор ва ихтирочиларнинг фаолияти билан таништириш мақсадида корхоналарга экскурсиялар уюштириш, танланган техника тўғараги профили бўйича техникага оид ва маълумотнома адабиёти билан иш олиб бориш, ўқувчиларнинг техникавий ижодкорлиги конкурсларини, техникага бағишланган олимпиядалар, викториналар ва ҳақозолар ўтказиш киради.

Меҳнат, ҳунар бўйича булардан ташқари ўқувчиларнинг ёш техниклар станциялари, саройлардаги ишлар, болалар темир йўлида, параходчиликда иштирок этиш ва ҳақозоларни ҳам техника ва меҳнатга оид ўқишдан ташқари ишлар қаторига киритиш керак. Техника бўйича ўқишдан ташқари ишлар ўз характери ва мазмунига кўра машғулотларининг давоми ҳисобланади.

Бундай ишларнинг асосий вазифаси ўқувчиларнинг умумтехникавий ва махсус билимларини чуқурлаштириш, умуммеҳнат кўникма ва малакаларини таркиб топтириш, уларда намоён бўлган ижодий, техникавий қобилиятларини аниқлаш ҳамда уларнинг ҳар томонлама ривожланишига, политехника билим доирасини кенгайтиришга ҳамда билиш активлигига ва ижодий мустақиллигини тарбиялашга ёрдам беришдан иборат.

Шунинг учун меҳнат, ҳунар бўйича ўқишдан ташқари ишлар шундай ташкил этилиши керакки, улар ҳар бир ўқувчининг сеvimли ишига айлансин, унинг ақлий, маънавий, жисмоний ва эстетик сифатларини ривожлантиришга кўмаклашсин.

Меҳнат бўйича ўтказиладиган ўқишдан ташқари ишларнинг муваффақияти бир қанча факторларга, жумладан уста ва меҳнат таълими ўқитувчиларидан ва оталик қилувчи корхоналар ходимларидан меҳнат тўғарақларини малакали раҳбар мавжудлигига, уларнинг зарур асбоб – ускуналар, мосламалар ва материаллар билан жиҳозланган моддий баъза (ўқув устахоналари, кабинетлар, синфхоналари) нинг мавжудлигига, меҳнат тўғарақларида машғулотларнинг оқилона ва аниқ режалаштирилишига боғлиқдир.

Меҳнат бўйича ўқишдан ташқари ишлар тури тўғарақлар шаклида ташкил қилинади. Бу тўғарақларнинг хиллари улар ҳал этилиши лозим бўлган масалалар ва уларнинг мазмуни билан белгиланади. Мактабларда конструкторлик ва меҳнат тўғарақлари анча кенг тарқалган. Меҳнат турларига қараб фарқ қиладиган тўғарақлар сифатида дурадгорлик, слесарлик, токарлик, фрезерлик, автомобиль, электротехника, хизмат кўрсатиш, қишлоқ хўжалик тўғарақларини кўрсатиш мумкин. Меҳнат турларига қараб ташкил қилинадиган бундай тўғарақларнинг мақсади ўқувчиларнинг махсус билимларини ва меҳнат кўникмалари ҳамда малакаларини кенгайтириш ва чуқурлаштиришдан иборатдир. Тўғарақ аъзолари ўқув устахоналари ва кабинетларини жиҳозлашда, уларни кўрсатмали қурооллар, мосламалар, техникавий – технологик ҳужжатлар ва ҳоказолар билан таъминлашда фаол қатнашадилар.

Улар илмий техникавий меҳнат турини, шунингдек конкрет меҳнат турининг ишлаб чиқариш, меҳнатга оид томонларини ҳамда фан – техника таррақиёти муносабати билан уларда рўй берган ўзгаришларни мустақил ўрганиш вазифаси топширилиши мумкин. Бу ишларнинг ҳаммасини маъруза, реферат, илмий – техникавий бюллетень ва ҳоказолар тарзида расмиyllаштирса бўлади.

Масалан, дурадгорлик ёки слесарлик тўғарагининг аъзолари раҳбарнинг топшириғи билан ҳар хил плакат ва жадвалларни, ёғоч ва металга ишлов бериш станокларининг кинематик схемаларини, тайёрланадиган буюмларнинг чизмаларини, схемаларини ва уларни тайёрлаш учун инструкция – технология карталарини ишлаб чиқадиладар, тўғарақ раҳбари билан биргаликда дурадгорлик ёки слесарлик асбоб – ускуналарини, иш қуроолларини такомиллаштиришда иштирок этадиладар: ўқувчилар меҳнат унумдорлигини ва улар бажарадиган ишларнинг аниқлигини оширадиладар ва ҳар хил мосламаларни такомиллаштирадиладар.

Конструкторлик тўғарақлари ўз характери ва мазмунига кўра бир неча йил бўлиши мумкин, чунончи:

а) ўқув асбобларини ва ўқув предметлари бўйича кўрсатмали қўлланмаларни конструкция қилиш ва тайёрлаш тўғарақлари;

б) ҳозирги замон техникасининг тимсоллари бўлган ишловчи моделларни конструкция қилиш ва тайёрлаш тўғарақлари;

в) ёш ихтирочилар тўғарақлари.

Ўқувчиларнинг бу тўғарақларда иштирок этиши техникавий тафаккурини ва ижодий конструкторлик қобилиятларини ривожлантиришга, илмий – техникавий билимлар ҳамда

меҳнат кўникма ва малакаларнинг кенгайишига, ихтирочилик фаолиятини таркиб топтиришга ёрдам беради.

Масалан, тўгарак аъзолари бирор физик асбобни ёки бирор машинанинг ишловчи моделини конструкция қилиб тайёрлар эканлар, фақат конструкторлик – технологик фаолиятнинг элементларини билиб олмасдан, шу билан бирга ўзлари уларнинг тузилиши ва ишлаш принципи билан, вазифаси ва амалда ишлатилиши билан батафсил танишиб чиқадилар. Конструкциялаш объектлари билан буюдай танишиб чиқиш ва улар устида олиб бориладиган кейинги ишлар қуйидагича амалга оширилади. Тўгарак аъзолари тегишли техник адабиётни танлаш, ўқиш ва анализ қилиш йўли билан асбоблар ва техниканинг ана шундай намуналари билан танишадилар, улардан лаборатория ва ишлаб чиқаришдаги реал шароитда фойдаланадилар. Улар асбоб, машина конструкциясининг асосий вазифаси ва ишлаш принциплари схемасини дастлабки тарзда соддалаштириб умумий эскизлар тарзида ишлаб чиқадилар, бунда асосий ўзқларнинг, механизмларнинг тасвири ва улар ўртасидаги кинематик боғланиш кўрсатилади.

Бу босқичда бажариладиган ишлар жамоа бўлиб муҳокама қилиб чиқилади, асбоблар ва машиналарнинг моделларига, конструкцияларига аниқликлар, ўзгаришлар, қўшимчалар ва тузатишлар киритилади. Бу эса конструкцияларга техникавий эстетик нуқтаи назардан мукамал шакл белгилаш билан бирга, уларни ҳозирги замон талаблари асосида бажариш имконини ҳам беради.

Шундай қилиб тўгарак аъзоларининг конструкторлик тўгаракларидаги фаолияти ҳақиқий конструкторларнинг фаолиятини эслатади. Ёш ихтирочиларнинг тўгараклари тури ва характериға кўра ижодий тўгараклар ҳисобланади. Тўгарак аъзоларининг асосий иш мазмуни кўп меҳнат талаб қиладиган буюмларни тайёрлаш технологик жараёнларини ўқув устахоналарида такомиллаштиришдан, шунингдек бу жараёнларни бажариш вақтида юксак аниқликни ва меҳнат унумдорлигини таъминлайдиган технологик мосламаларни ва бошқа технологик қурилмаларни ишлаб чиқишдан иборат бўлади.

Тўгарак аъзоларини тўгарак профилиға мувофиқ келадиган кенкрет ишлаб чиқариш турлари билан таништиришнинг таъсирчан формаси экскурсиялар бўлиб, раҳбарлар уларни заруратға қараб ташкил этадилар.

Меҳнат тўгараклари ўз аъзоларини ишлаб чиқаришнинг айрим тармоқлари бўйича ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан ҳар томонлама тайёрлаб боришдан ташқари ёшларни спортнинг техникавий турлари билан боғлиқ бўлган муҳим вазифаларни ҳам хал қиладилар. Демак, тўгарак аъзолари ҳар хил машиналар ва аппаратларнинг тузилиши, ишлаш принципи ва конструктив хусусиятларини ўрганибгина қолмасдан, шу билан бирга уларни бошқариш, уларға техникавий хизмат кўрсатиш малакаларига ҳам эга бўладилар. Тўгарак аъзоларининг бундай тайёргарлиги ҳунар даражасига яқинлашиб қолади ва келгусида касб танлашда хал қилувчи аҳамиятға эга бўлади.

Техникавий ижодкорлик тўгаракларида машғулотларни ташкил этиш хусусиятлари ва уларни ўтказиш методикаси: техникавий ижодкорлик тўгаракларида машғулотларни ташкил этиш бирор меҳнат туриға, касбға, ихтисосға ўз қизиқишини намаён қилган тўгарак аъзоларини танлашдан бошланади. Гуруҳ 10 – 12 кишидан иборат қилиб тузилиши керак.

Тўгарак аъзоларидан тўгарак активи (староста ва уч кишидан иборат редакция коллегияси) сайланади. Бундан ташқари техникавий жиҳатдан яхши тўгаракликка эга бўлган тўгарак аъзоларидан раҳбарнинг ёрдамчилари танланади, уларға звеноларға (секцияларға) бошчилик қилиш топширилади. Ҳар бир звено муайян ижодий иш тури билан шуғулланади.

Тўгарак машғулотлари ўтказиладиган устахоналар ва кабинетнинг санитария – гигиена ҳолатига асбоблар, кўрсатма қўлланмалар, материаллар, чала буюмларнинг сақланишиға тўгарак навбатчилари жавоб берадилар. Навбатчиларни староста графиги асосида тайинлайди. Навбатчиларнинг фаолиятини тўгарак раҳбари билан бирга староста назорат қилиб туради. Тўгарак машғулотлари одатда ҳафтасига бир – икки марта 1,5 – 2 соатдан ўтказилади.

Тўғаракнинг биринчи машғулотида унинг раҳбари аъзоларга ярим йилга мўлжаллаб тузилган иш режаси лойиҳасини тақдим этади. Бу лойиҳа барча тўғарак аъзолари иштирокида муҳокама қилинади. Тўғаракнинг ҳар бир аъзоси режага ўзгариш киритиш, қўшимча фикрлар ёки аниқ таклифлар айтиш ҳуқуқига эгадир. Узил – кесил ишлаб чиқилган режа тўғарак аъзолари томонидан тасдиқланади ва оғишмай бажариш учун қабул қилинади.

Техника ва меҳнат тўғаракларидаги ишлар соф ижодий характерга эга бўлганлиги учун тўғарак раҳбари машғулотларда таълимнинг энг самарали методларидан (сухбат, техникага оид адабиётлар ва ҳужжатлар билан мустақил ишлаш, амалий лаборатория тадқиқоти, муаммоли таълим методлари ва ҳоказолардан) фойдаланади. Тўғаракнинг бир ёки бир неча аъзоси бажарган ҳар бир иш синчиклаб текширилади, жамоа тарзда муҳокама қилинади, натижада унинг конструкциясидаги афзалликлар ва йўл қўйилган камчиликлар аниқланиб, уларга барҳам бериш тадбирлари белгиланади. Бундай методик усуллардан фойдаланиш тўғарак аъзоларида топширилган иш учун маъсулият ҳиссини ва яна ҳам кўпроқ билим, амалий кўникма ва малакалар ҳосил қилишга интилиш туйғусини тарбиялайди. Ўқув йили охирида тўғарак аъзоларининг бажарган ишларидан кўргазма ташкил этилади. Бу кўргазма тўғарак аъзоларининг бир йил давомида ишларининг ижобий ҳисоботи бўлади.

Илғор педагогик технологиянинг марказида ўқитувчи ва ўқувчи туради. Бу икки шахснинг ҳамкорлиги, ўзаро мулоқоти, бир – бирига кўрсатадиган таъсири энг замонавий миллий талаблар асосида ташкил топиши лозим. Бунинг учун, энг аввало, ўқитувчи таълим – тарбия жараёни олдига қўйилган талаблар, таълимни ташкил этиш ва бошқариш тамойиллари ҳамда йўллари, ўқувчини ақлий ва жисмоний жиҳатдан ривожлантириш усуллари, у билан ҳамкорлик қилиш, уни ўқишга, ўрганишга йўналтириш, ўқувчи шахсий фаолиятини тўғри ташкил этиш, улар билан мулоқатга кириши, муаммо ва келишмовчиликларни бартараф этиш, синфда ижодий, ишчанлик муҳитини вужудга келтириш, ўқувчи билимини аниқ ва тўғри баҳолаш метод ва усуллари билан қуролланган бўлиши керак.

Ўқувчининг дарсликлари билан ўқитувчининг ҳикояларидан тайёр билимларини олиб, уни такрорлаши, ёдлаши ҳозирги замон талабларига зид ҳолат саналади. Зотан, кўпчилик ўқитувчилар яхшилаб ҳикоя қилиш, тушинтириш, ҳаётий мисоллар билан ўқувчиларни дарсга қизиқтира олиш маҳоратига эга бўлиб, уларнинг сўзлари олтинга тенг. Аммо дарсда ўқувчи сушт тингловчига айланиб қолмаслиги зарур. Улар ҳам сухбат ва мунозараларда, семинар ва анжуманларда қатнашишлари, дарслик билан мустақил ишлари, биринчи манбаларни ўрганишлари, ижодий ўзма ишлар, ахборот ва маърузалар тайёрлашлари ўрганаётган фанининг бошқа фанлар билан боғлиқлигини, улар ўртасидаги алоқаларни аниқлашлари лозим.

Кўп кузатишлар, дарс таҳлилларининг натижалари шуни кўрсатадики, айрим ўқувчи билим олиш учун меҳнат сарфламайди, балки тантиқлик қилиб, ўйинга келгандай ўтиришади. Натижа эса жуда ёмон, фанларни жуда ёмон ўзлаштиради, юзаки билим олади, қийин муаммони қандай ечиш кераклигини тасаввур қила олмайди, сабаби улар ўқишмайди, балки “ўқиш – ўқиш ўйинини ўйнашади, меҳнат қилишмайди, азият чекишмайди.

Жамиятга яхши ҳаёт учун кураша оладиган, тайёр нарсаларга қаноат қилмайдиган, меҳнатсиз роҳатни ҳушқўрмайдиган, ижодий имкониятларини ишга солишга ташна ёшлар, мутахассислар керак. Демак, замон биздан ўқув тарбия ишларида фаоллашишни, таълимни юксалтиришимизни талаб этапти. Чунки ўқувчиларнинг лоқайдлиги номувофиқ, нотабий ўқитиш шароитларидан келиб чиқади. Ўқитувчиларнинг ҳозирги энг муҳим вазифаси билим олишда боқимандаликка ўрганган ўқувчиларни сабот билан ижодкор, меҳнаткаш ўқувчига айлантиришдан иборат. Бундай маъсулиятли ишни амалга ошириш учун ўқувчилар ўз руҳий оламини бойитиши зарур.

Маълумки, махсус тайёргарликка эга бўлган, кўп материалларни биладиган ўқитувчи билимларини ўқувчининг бошига ёғдириб ташлашга уринади, бор билимларини ҳадя қилади, ўтмиш ва бугунги кун манзараларини кўрсатади, ўқувчилар эса ўқитувчининг гапларини маҳлиё бўлиб тинглашади. Ўқитувчи назарида уни тинглаётган ўқувчилар маънавий озуқа

учун тушукларини очиб турган полопонларга ўхшашади. Аммо йил охирида, кўпинча натижалар кутилганидек бўлмайди. Сабаби улар масалани тўғри қўя олишмайди, муаммоларга қандай ечим топишни билишмайди. Ўз – ўзидан аёнки, бу ўқувчиларнинг боқимандаликка ўрганиб қолганидандир. Ўқитувчи ўқувчиларга баланддан қараши керак эмас, балки барчани ўзига тенг билиши, уларга ўргатиши, шу билан бирга улардан ўрганиши ҳам керак. Дарс самарадорлигини кўп ҳолларда ўқувчиларнинг дарс жараёнида ҳақиқат излашга қай даражада фаол қатнашувига боғлиқ. Мустақил ўрганишсиз ўқитиш йўқ.

Айрим ўқитувчиларнинг педагогик ишдаги камчиликлари нимада? Бу аввало, ўқувчиларнинг чинакам ижодий ишга камдан – кам жалб этилишида, ўқувчи теварак – оламни билиши субъекти эмас, балки объекти бўлиб қолганлигида, мураккаб вазифаларни мустақил ечишга ўргатилмаганлигида кўринади. Кўпинча улар тайёр билимларни оладилар, эслаб қоладилар ва гапириб берадилар, яъни ўқитувчининг тайёр сценарийси бўйича иш кўрадилар. Натижада ўқувчилар томошабинларга, ўқитувчи эса актиёрларга, синф эса театрга айланиб қолади.

Ўқувчининг сусткашлиги, лоқайдлиги ўқув – тарбия жараёнидаги энг номақбул ҳолатдир. Бундай камчиликларни бир неча омиллар орқали бартараф этиш мумкин. Назаримизда, ўқувчиларнинг ўзлари дарс жараёнидаги мавзу режасидаги масалалар ва муаммоларнинг ечимини излашга қанчалик фаол аралашсалар, таълимнинг самарадорлиги шунчалик ошади. Шунинг учун деярли ҳар бир дарсда ўқитиш ва мустақил ўрганиш уйғунлигига эришиш, ўқувчиларни масалалар қўйиш ва уларни ҳал этишга ўргатиш, улар онгида доимо ақлий ташналикни уйғотиш, саволлар бера билиш руҳида тарбиялаш зарур бўлади.

Ўқувчи таълим жараёнининг ўқитувчи билан тенг ҳуқуқли субъекти сифатида қараш қатор хулосаларга олиб келади. Чунончи:

1. Ўқувчи ўқитувчи билан ҳамкорликда таълимни қурсагина, у шу жараённинг фаол иштирокчисига айланади.

2. Ўқувчи ва ўқитувчининг ўзаро таъсири натижаси ўларок, таълим бошқарувчилари, унинг бўғинлари, цикллари шаклланади.

3. Координация таълимини ташкил этиш, бошқариш назорат қлишининг бош принципига айланади.

Бу хулосалар ўқитувчидан ўз фаолиятини ўқувчилар муҳитига мослаштиришни, мувофиқлаштиришни талаб этади. Ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятларининг ўзаро мувофиқлашуви ўқув – тарбия ишларининг самарадорлигини оширади. Буларнинг барчаси таълимда ўқувчилар ижодкорлигини таъминлашга олиб келади.

Ўқитувчининг ўзи эса ўқувчиларни дарс жараёнининг фаол иштирокчиси, ўзининг ҳамкор дўсти қилиб тарбиялашда, уларни баҳслашув маданиятига ўргатишда жонкуярлик фазилатларини намаён қилиши, ўз – фикр мулоҳазаларини баён этишдан аввал ўқувчиларнинг ўзларидан сўраши, топшириқларни бажариб кўрсатишга таклиф этиши, яъни уларнинг ижодий кучларини намоён этишларига имкон яратиб бериши зарур. Ўқитувчи шогиртларининг баҳсига қулоқ солар экан, ўз нуқтаи назарини сездирмагани ҳолда ҳар бир томоннинг фикрини диққат билан тинглаши, фикрларнинг нозик томонларига эътибор бериши, турли нуқтаи назарларни ривожлантириш керак. Ўқитувчи эътирозлар уйғотиши, ўғил – қизларда мураккаб масалалар бўйича ўқувчиларнинг ўрганилаётган масалаларга турлича ёндашиши имкониятларини юзага чиқариши ҳам энг мақбул усуллар сирасига киради. Бу каби баҳслардан мақсад барча нуқтаи назар тўқнашувида ҳақиқатга бориб етишдир. Ўқитувчи ўқувчининг барча нуқтаи назарларини бирдай тинглаши, масала тўла ҳал этилмаган ҳолларда ҳам уни ҳал этишга яқинлашиб боришларига кўмаклашиши зарур.

Хулоса қилиб айтганда, ўқитувчининг вазифаси – баҳслашаётган ўқувчиларнинг кескин нуқтаи назарларини сал юмшатиб, мўътадиллаштирган ҳолда муҳокама этилаётган масаланинг оқилона мағзини турли фикрларнинг умумий томонларини ўз ичига олувчи хулосани топиб беришдан иборатдир.

5. КАСБ ТАНЛАШГА ЙЎНАЛТИРИШНИНГ ТАРКИБИ.

Режа.

1. Синф раҳбарининг касб танлашдаги фаолияти.
2. Ўқув муассасаси раҳбарларининг вазифаси.
3. Касб маданиятини шакллантириш омиллари.
4. Касб танлашга муносабат тизими ва унинг асосий вазифалари.

Таянч сўз ва иборалар. Касблар, раҳбарлар, фанлар

1-саволнинг баёни.

Синф раҳбарининг вазифалари аввало ўқитувчининг шаклланаётган шахсини, унинг мойиллари, қизиқишлари, қобилиятларини чуқур ва ҳар томонлама ўрганишдан иборат. Бу соҳада унга фан ўқитувчилари, ота-оналар билан ўтказилган суҳбатлар ва ўқувчини мунтазам равишда кузатиб бориш ёрдам беради.

Синф раҳбари ўқувчининг шахсини ўрганиши негизда муайян дастур асосида бир мақсадга қаратиб касбга йўналтириш ишини олиб боради.

Бунда ўқув жараёнидан, синфдан ташқари ишлардан ва экскурсиядан фойдаланади. Касбга йўналтириш ишини олиб боришда ўқувчиларнинг ота-оналари билан мустаҳкам алоқа ўрнатиши лозим.

Ўқувчиларни касбга йўналтиришда ўқитувчининг шахси жуда катта аҳамиятга эга.

Ўқитувчининг шахси ижодий ривожлантириши, юксак педагогик маҳоратини, омилкорлигини, ташаббусини, тадбиркорлигини, ўқувчиларга нисбатан муҳаббати ва хурматини белгилаб берадиган хислатлар мажмуасидир.

Мактабда қизиқишлар бўйича ўтказиладиган хилма-хил тадбирлар орасида фанлардан ўтказиладиган тўғарак иши касб танлашда алоҳида муҳим аҳамиятга эга.

Меҳнат таълими ўқитувчиси (синф раҳбари) ўқувчи шахсини ўрганиши давомида касбга йўналтириш мақсадида қуйидаги қоидаларга : шахс камол топадиган аниқ вазиятда, аниқ жамоада шахснинг хулқ-атворини кузатиш; фаролият орқали шахсни ўрганиш; шахсни тараққиётда кўриб чиқиш; вақтинча психологик ҳолатини, атрофдагиларга муносабатини ҳисобга олиш каби қоидаларга амал қилиши мақсадга мувофиқдир.

Меҳнат таълими ўқитувчиси ўз иши давомида қуйидаги йўналишларни:

- Ўқувчиларни халқ хўжалигининг айрим тармоқлари, касблар ва мутахассисликлар билан таниш;
 - Меҳнат фаолиятининг турлари тўғрисида, ўқувчи хислатлари, билимлари, мойиллари ва энг маъқул бўлган касблар ва мутахассисликлар билан таништириш;
 - Ўқувчиларда у ёки бу касбга нисбатан барқарор қизиқишларни шакллантириш;
 - Меҳнат фаолиятининг турли соҳаларида кучларни амалий жиҳатдан синаб кўриш учун шароитлар яратиш;
 - Касбга йўналтириш мақсадида ўқувчининг шахсини ўрганиш, меҳнатга бўлган қизиқишларини ва касбга қизиқишини шакллантириш каби йўналишларни кўрсатиб ўтиш мумкин.
- Ўқувчиларда касбга бўлган барқарор қизиқишларни шакллантириш ишлари самарадорлигини ошириш учун:
- Фан асосларини ўқитишда фанлар аро алоқани доимийлигини таъминлаш ва касбга йўналтиришнинг рўёбга чиқариш:
 - Касбга йўналтиришни ўқувчилар ижтимоий фанда фойдали, унумли меҳнати билан таъминлаш;
 - Ўқувчиларни бир мақсадга қаратилаган, ижтимоий аҳамиятли ўқув-ишлаб чиқариш топшириқларни бажариш;

- Касбга йўналтириш соҳасида мактаб жамоаси билан ишлаб чиқариш жамоасининг биргаликда ишлаш;
- Саноат ва қишлоқ хўжалик касбларини тарғиб қилиш;
- Ўқувчиларни касбга йўналтириш ишида синф раҳбари олиб борадиган ишининг мувофақияти.

Унинг анашу мураккаб ижтимоий, сиёсий ва педагогик вазифани бажаришга ота-оналарни жалб этилишга, уларни ўзининг маслакдош ёрдамчилари қилиб олишга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Ота-оналар орасидаги ўз касбини ғоят севадиган, ҳалол меҳнат қиладиган, ҳурмат қозонган кишилар билан учрашувлар ўтказиш фойдали учрашувлардан бири ҳисобланади. Ота-оналарнинг меҳнатга ибратли муносабатда бўлишлари – ўқувчиларга ижобий таъсир кўрсатишнинг муҳим воситасидир. Синф раҳбари ўқувчиларни касбга йўналтиришда қуйидагиларга эътибор бериш лозим.

2-саволни баёни:

Бошқарув ҳар қандай жамиятга хос бўлган, ҳаёт ва турмуш заруратидан келиб чиқадиган фаолиятдир. Бозор иқтисоди шароитида бу фаолият моҳияти янада такомиллаша боради. Бундан кўзланган асосий мақсад меҳнат аҳлининг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш учун ишлаб чиқаришни ва шу асосда барча ижтимоий муносабатларни тараққий эттиришдан иборат.

Бошқарув халқ манфаати кўзланган ҳолда демократик услуб негизида амалга оширилади. Ўз-ўзидан равшанки, бундай бошқарув жараёнида инсон омилига, хусусан, миллат манфаати ва миллий кадриятларни такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратади. Зотан, жамиятимиз ривожини учун бошқарув ҳал қилувчи кучга эга бўлмоғи лозим.

Бошқарув-тараккиятнинг ҳар қандай босқичда жамиятга хос бўлгани ички хусусиятдир. Бу хусусият умумий характерга эга. Зотан, бу хусусият ижтимоий жамоа меҳнатида, турмуш ва меҳнат жараёнида кишиларнинг ўзаро алоқа бўлиши, ўз моддий ва маънавий фаолиятнинг маҳсулотини алмаштириш заруриятидан келиб чиқади.

Меҳнат ҳамма даврларда ижтимоий ҳарактерда бўлган ва шундай бўлиб қолаверади. Чунки, жамият қонуниятлари шуни тақоза этади. Инсонлар дунёга келиб, онгли ҳаётларини бошлаши биланоқ уюшишга, биргаликда ишлашга эҳтиёж сезганлар. Бирок, бу турли даврларда турлича кечган. Барча даврларга хос ягона хусусият бошқарув жараёни билан изоҳланади. Мустақил Ўзбекистон республикасида Халқ Маорифи кенг ёйилиши, миқдор ва сифати жиҳатидан жадал ўсиши, турли хилдаги таълим тизими ва таълим муассасаларидан ташқари ўқув-тарбия масканларининг ишлаб туриши, таълим ва тарбия жараёнини бошқаришнинг жуда зарурлигини тақозо этади. Социал бошқариш масалалари илмий билимнинг махсус соҳаси қилиб ажратилади. Педагогик жараёнларни, ходисаларни ва объектларни бошқаришда педагогика қонуниятларини ҳисобга олиш зарур. Бу ҳолда педагогик бошқариш тушунчаси қўлланилади. Барча типдаги ўқув юртлари, мактабдан ташқари муассасалар, халқ маорифи бўлимлари ва бошқалар асосий бошқариш объектларига киради. Таълим –тарбияни ташкил қилиш ва бошқаришга доир ишларнинг ҳаммаси пировард натижада ягона асосий мақсадга эришишга, маълум даражада умумий маълумот даражаси ва касбий тайёргарлигига эга бўлган ҳар томонлама ривожланган ва имон-этиқодли қилиб тарбияланган кишини таркиб топтиришга қаратилгандир. Халқ маорифи тизими таркибига вазирликлар, туман халқ маорифи бўлимлари, мактаблар, лицей касб-ҳунар коллежлари киради.

Таълим-тарбия жараёнини ташкил қилиш, таълим тизимини бошқариш Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонунида кўрсатиб берилган. Улар қуйидагилардир:

Ишлаб чиқаришни бошқариш омиллари деганда бошқарув меҳнатининг махсус турларини, бошқарилувчи объектларга таъсир кўрсатишнинг у ёки бу йуналишларини тушунмоқ керак. Режалаштириш, ташкил қилиш, созлаш, назорат қилиш, ҳисоб китоб қилиш омиллари **бошқарув омиллари** ҳисобланади. Режалаштириш-бошқарилувчи объектларни ривожлантириш ва моделлаштиришни прогноз қилишни ҳам ўз ичига олади. Ташкил қилиш

эса ишлаб чиқариш объектининг тузилишини ва бошқарув тузилишини танлаб ҳамда шакллантиришдир. Тизимнинг элементлари ўртасидаги муносабатларни ўзаро ҳаракатини белгилашдир.

Созлаш-тизимнинг турли элементлари ўртасидаги нисбатни тутиб туришга, бошқарилувчи объект ишлаётганда режа-топшириқлардан четга чиқиб кетишга йўл қўймасликка қаратилгандир. Бундан ташқари, ҳар бир ходимнинг фаолиятини сошлаб боришни ҳам англалади.

Назорат қилиш-ишлаб чиқаришнинг амалдаги жараёнини режага қанчалик мувофиқлигини кузатиб ва текшириб туришда, шунингдек ҳар бир ходим фаолиятини текширишдан иборатдир.

Ниҳоят ҳисоб китоб қилиш эса режани ёки уни амалга оширишдаги муайян босқичларнинг қандай бажарилаётганлигига яқун ясашдир. Шунини таъкидлаб ўтиш лозимки, юқоридаги санаб ўтилган бошқариш омилларини халқ хўжалигининг хоҳлаган соҳасига, жумладан мактаб-маориф соҳасига ҳам тўлиқ маънода тадбиқ қилиш мумкин.

Бошқаришда ижрони текшириш қондаси. Бу бошқаришнинг муҳим шартларидан биридир. Бошқариш тизимида ташкилотчилик жуда катта аҳамият касб этади. Ташкилотчилик ижро билан диалектик бирликни ташкил этади. Ижрони текшириш юқори ташкилотлар томонидан берилган директив топшириқ ва ҳужатларнинг қатъий ва сўзсиз бажарилишини таъминлайди. Бу эса ўз навбатида, у ёки бу қарорга зарур тузатишлар киритиш, бундан буёнги вазифаларни аниқлаш, мақсадга эришишнинг шакл, метод ва янги усулларни белгилаш имконини беради.

Қарор билан ижронинг бирлиги тўғри раҳбарлик услубининг негизини ташкил этади. Ишнинг бу хилда ташкил этилиши ўқитувчи ва тарбиячиларда ўзига ҳамда бошқаришга нисбатан юксак талабчанлик фазилатларни тарбиялайди, ишга нисбатан масъулият ҳиссини кучайтиради, интизомни мустаҳкамлайди ва шу қабилар. Бошқаришнинг режалик қондаси, бошқариш тизимидаги ақидаларнинг энг муҳими ҳисобланади. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, мактаб бошқарувида муайян тизим бўлиши керак. Бунинг маъноси аввало шундан иборатки, бу иш тасодифий бир – бирига алоқаси бўлмаган тадбирлар йиғиндисидан иборат эмас. Мактабда бошқарув меҳнати билан шуғулланувчи кишилар (Мактаб директори унинг ўринбосарлари, тарбиявий ишлар ташкилотчиси, услубий бирлашма раҳбарлари, касба уюшмаси ташкилотининг раиси) бошқарувчилик жамосини ташкил этади.

Мактабда бошқариш тизими асосан иккига бўлинади:

Мактаб раҳбарлари ва ўқитувчилар, тарбиячилар ёшлар ташкилотчиси, синф раҳбарлари, услуб бирлашмаларининг аъзолари, техник ходимлар.

Бошқариш соҳасидаги ижрочи ходимларни ҳам иккита асосий гуруҳга А мутахассисларга (ўқитувчи ва тарбиячиларга) Б техник ходимларга (лаборант, фаррош, электр мантёр, мактаб қоровули қабиларга) бўлиш мумкин. Мактабга ўқитувчи, тарбиячи ва техник ходимларни тўғри танлаш ва уларни жой- жойига қўйиш мактаб ички бошқарувидаги муҳим масалалардан биридир. Мактаб ходимларини танлаш ботида қуйидаги қондаларга риоя қилиш бу борада муҳим аҳамият касб этади. Мактаб ходимларини танлашда уларнинг сиёсий билимини, ҳалоллигини, ишини билишини ҳисобга олиш зарур. Бу ўринда ишнинг кўзини билиш, ишчанлик, уюшқоқликни таъминлаш бошқарув апарати ишидаги асосий вазифа эканлигини англаш лозим. Умумтаълим мактабларида бошқарувчиларнинг бошқариш маданиятини ошириш ва уни демократлаштириш. Ҳозирги бозор иқтисоди даврининг муҳим талабларидан биридир. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, ҳозирги ислоҳатлар давридаги хўжаликни бошқариш ва унга раҳбарлик қилиш конституциявий қондалар, миллий ақидалар асосида олиб борилади. Мактабни бошқариш шакллари ва усуллари жумҳуриятимиз иқтисодий тараққиётининг ҳар бир босқичида жамият ҳал қилиши лозим бўлган вазифаларга мувофиқ ўзгариб, такомиллашиб бориши мумкин. Аммо жумҳуриятимиз иқтисодий тараққиётининг барча босқичларида ҳам, айниқса ҳозирги ислоҳатлар даврида ҳам халқ таълим соҳасини бошқаришнинг қондалари ва мазмуни ўз аҳамиятини сақлаб қолади.

Демак, мактаб ички бошқарувини тўғри ташкил қилиш - ҳозирги даврнинг муҳим талабларидан биридир. Биз ана шу бошқариш қоидаларга алоҳида тўхталиб ўтишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Демократиялаш қоидаси. Халқ таълими тизими ва мактабни бошқаришнинг энг муҳим қоидаси - демократиялаштириш. Бу ҳақида ҳозирги мустақиллик даврида жамиятни янада демократлаштириш муҳим ва долзарб муаммолардан биридир.

Демократик ақида вазифаларни ҳал этишдаги шунчаки анзачиликка ҳам, шунингдек кўпчилиكنинг хошиш-иродасини менсимасликка ҳам, маҳаллий органларни меҳнат жамоаларининг манфатларига қарама- қарши қўйишга ҳам тоқат қила олмайди. Унинг амалга оширилиши ташаббус ва изланишнинг жамият қонунлари ва нормаларига бекаму-кўст риоя этишга асосланган мустаҳкам интизомлилик, намунали уюшқоқлик билан узвий бирлигини тақозо этади. Мактабларни бошқаришда, айниқса, демократик ақида, қонун - қоидалар ниҳоятда муҳим. Бу ўринда фикр олишув, маслаҳат таълим – тарбия жараёнида зарурий омил эканини алоҳида таъкидлаш лозим.

Бошқаришнинг илмийлиги ҳозирги бозор иқтисоди шароитида ижтимоий тараққиёт қонунларини тобора тўлароқ билиб бориш билан белгиланади. Хўжаликни илмий асосда бошқариш қоидасини амалга оширишнинг учта асосий шартлари мавжуддир:

а) ишлаб чиқаришни бошқаришни илмий негизларини бутун чоралар билан ривожлантиришни, ишлаб чиқаришни бошқаришнинг турли муаммоларини ишлаб чиқарувчи илмий тадқиқот муассалари тармоғини барпо этиш;

б) бошқарувчи ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини ташкил қилиш ҳамда уни янада такомиллаштириб бориш;

в) ишлаб чиқаришни бошқаришнинг, жумладан, мактаб-маорифини бошқаришнинг энг яхши тажрибасини ўрганиш, умумлаштириш ва оммалаштириш. Ҳар бир раҳбар ходим ўзи бошқараётган хўжаликда ёки ўқув юртида ана шу учта шартга тўлиқ риоя қилиши керак.

Мактабда педагогик меҳнатни илмий асосда ташкил қилиш муаммоси кўпинча дарсда вақтдан унумли фойдаланишдан, синфдан ташқари тадбирлардан ва ўқитувчи-тарбиячиларнинг ижтимоий топшириқларни тартибга солишдан иборат деб қаралади. Педагогик меҳнатни илмий асосда ташкил этиш мазмуни анча кенг тушунча бўлиб, унга аввало, ходимларнинг малакаси, қобилияти ва қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда уларни тўғри танлаш ва жой-жойига қўйиш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишда қўлланилаётган усуллар тизимини узлуксиз такомиллаштириш ва таълим-тарбия жараёнига техника воситаларини жорий этиш масалалари киради. Унда педагогик иш режимини, мактабнинг кунлар, ҳафталар, ойлари ва чораклар бўйича иш тартибини такомиллаштириш, педагоглар кенгаши мажлисларини, илмий-услубий ва педагогик характердаги конференциялар, йиғилишлар, кенгашлар каби тадбирларни ўтказиш ва бу ишни моҳирона режалаштириш ҳамда бошқаришни такомиллаштириш назарда тутилади.

Бошқаришнинг жамоатчилик қоидаси ва масъулиятлар тўғри бошқариш ва раҳбарлик қилишнинг олий босқичидир. Бу қоида бошқариш тизимида салмоқли ўринни эгаллаши билан бирга омманинг ижодий фаолиятини ривожлантиришга ёрдам беради. Бошқача айтганда, жамоа ва унинг маслаҳати тўғри раҳбарликнинг гаровидир. Жамоа йўли билан хўжаликни бошқариш ва унга раҳбарлик қилиш, энг муҳим қарорларни биргаликда, маслаҳатлашиб ишлаб чиқиш тўғри бошқарувни ташкил қилишнинг муҳим шартидир. Мактабдаги ҳар бир шахснинг муайян ўрни бўлиши лозим, шунингдек у аниқ ва катъий белгиланган режа ҳамда топшириқ орқали амалий ишларни бажаради. Буларнинг барчаси, албатта, таълим – тарбияни тўғри йўлга қўйиш ва мустақиллик мафқураси манфаатларидан келиб чиқиши зарур.

Директор ва унинг ўринбосарлари вазифалари. Таълим муассасасининг ўқув-тарбия жараёни ва кундалик фаолиятига бевосита раҳбарликни таълим муассасаси директори олиб боради.

Таълим муассасаси директорининг вазифаси қуйидагилардан иборат:

1. давлат ва жамоат ташкилотлари олдида таълим муассасасининг манфаатларини ифодалаш;
2. ўқув-тарбия жараёни муваффақиятини таъмин этиш;
3. ўқув дастурларининг бажарилишини назорат қилиш, таълим-тарбия ишларининг сифати ва самарадорлиги, болалик ва меҳнатни муҳофаза қилиш талабларининг риоя қилиниши, шунингдек, таълим муассасасидан ташқарида маънавият ишларини ташкил қилиниши учун зарур шарт-шароитларни яратиш;
4. педагогик ва раҳбар кадрларни танлаб жой-жойига қўйиш, уларнинг вазифаларини белгилаш, педагогик кадрлар, кабинет ва устахона мудирларини белгилаш, синф ва гуруҳ раҳбарларини танлаш, педагог ва хизмат кўрсатувчи ходимларни ишга қабул қилиш ҳамда бўшатиш;
5. таълим муассасаси педагогик ходимларини аттестациядан ўтказувчи комиссияга раҳбарлик қилиш;
6. таълим муассасаси педагогик ходимларининг ижодий ишлари, таълим-тарбиянинг илғор шакл ва усулларини қўллашлари учун шарт-шароитларни яратиш;
7. таълим муассасасига ажратилган молиявий маблағлар, сарф-харажат ҳисобини юритиш;
8. таълим муассасаси меъёрий ҳужжатларининг тўғри юритилишини таъминлаш;
9. таълим муассасаси педагогик Кенгаши, маҳаллий ҳокимлик органлари олдида ўз фаолияти тўғрисида ҳисоб бериб туриш.
10. Таълим муассасаси директорининг ўқув-тарбия ишлари бўйича ўринбосарининг вазифалари:
 11. ўқув ҳафтаси ва ўқув машғулотларининг давомийлигини таъминлаш;
 12. дарс жадвалини тузиб чиқиш ва шу жадвалга биноан дарсларнинг ўз вақтида самарали ўтказилишини таъминлаш;
 13. ҳар бир чорак охирида, семестр давомида директор ва таълим муассасаси педагогик Кенгаши аъзоларига ўқув жараёнининг бориши хусусидаги ахборот ва маълумотларни бериб бориш;
 14. ёш мутахассисларга амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш;
 15. синф ва гуруҳ журналларини тўғри юритиш ва сақланишига жавоб бериш;
 16. ўқувчиларнинг билим даражасини режа асосида таҳлил қилиб бориш;
 17. ўқувчилар томонидан давлат дастурларининг бажарилишини таъминлаш ва назорат қилиш.

Маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосарининг вазифалари:

1. таълим муассасасида ўқувчиларнинг ўз-ўзини бошқариш, жамоат ташкилотлари ва маҳалла, ота-оналар билан алоқани таъминлаш;
2. таълим муассасаси ва ундан юқори миқёсда ўтказиладиган дарсдан ташқари тадбирларни режалаштириш ва амалга ошириш;
3. таълим муассасаси ўқувчиларининг синф, гуруҳ ёки таълим муассасасидан ташқари олиб бораётган машғулотларини кузатиб бориш, уларга амалий ва методик ёрдам уюштириш;
4. таълим муассасасидаги «Ёш етакчи»нинг ишини назорат қилиш ва унга йўл-йўриқ кўрсатиш.

3-саволнинг баёни

Маданиятли бўлиши учун инсон доимо ўз-ўзини тарбиялаши характерини шакллантириш, маданиятини камол топтириш, ўзида қимматли инсоний қадриятларни онгли равишда ривожлантириш йўлидир. Киши ўзини-ўзи тарбиялашга интилмас экан, бошқалар уни тарбиялай олмайди, унга тарбиявий таъсир кўрсатиши мумкин, холос. Маданият асоси эса таълим-тарбиядир. Таълим-тарбиясиз маданият йўқдир. Киши касб маданиятининг ҳам қатор асослари мавжуд. Масалан, манавиятсиз, ахлоқсиз, сиёсий қарашларсиз, ҳуқуқий билимсиз, хушмуомилаликсиз, яхши хулқ-атворсиз, ижодкорликсиз,

бир сўз билан айтганда инсоний фазилатларсиз касб маданиятини таъсаввур ҳам қилиб бўлмайди. Холбуки, турли соҳа мутахассислари, хизмат кўрсатиш корхоналари ходимлари, тиббиёт ходимлари, айниқса, ўқитувчи, устоз – мураббий, раҳбарларнинг касб маданияти юксак бўлиши лозим. Уларнинг маданиятсизликларини фақат ўзларига, балки миллатга зарар келтиради. Маданиятсизлик маънавиятсизликдандир. Маънавият бўлмаган жойда маданият нима қилсин? Кишининг маънавияти унинг касбий фаолиятида, хулқ-атворида кўринади. Касбий маданиятини ривожлантириш омилларидан бу кишининг маданияти камол топтириш. Маънавий камолот ўз-ўзини тарбиялаш орқали амалга ошади. Ўз-ўзини тарбиялашнинг ҳеч қачон кечи йўқ, фақат истак бўлса бас. Бу дунёда, агар истак бўлса, ўз хулқ-атворини “тўғрилай” олмайдиган инсон ўзи бўлмаса керак. Маънавият-маданият асоси дедик, бироқ Президент И.А.Каримов айтганидек, “Маънавият тақдирнинг эҳсони эмас, маънавият инсон қалбидан камол топиши учун у қалбдан ва виждонан, ақл ва қўл билан меҳнат қилиши лозим”. Касб маданиятини шакллантиришнинг иккинчи омили касбий фаолитни ривожлантиришдир. Касбий фаолиятни ривожлантирмай туриб касбий маданиятга эришиб бўлмайди. Касбий фаолият соҳасида ўз-ўзини фаоллаштирмаган, ўзлигини, инсонийлик моҳиятини, ижодкорлигини, касбий лайоқатини ривожлантира олмаган одам ожиз киши бўлиб қолаверади.

Демак, касб маданиятини шаклланиши учун касбий тажриба, ижтимоий фаоллик, ахлоқий фазилатлар ўта муҳимдир. Киши ўзи севган касб-кор ёки ҳунарга бўлган қизиқиш, эҳтиёжини қондиришга интилар экан, шубҳасиз касб маданиятини юксалтиришга ҳаракат қилади, бу борада фаолият кўрсатади, меҳнат қилади, ижод қилади, яратади. Бу сифатлар айниқса касб-ҳунар сир-асрорларини мукамал билишга интилишда кўзга ташланади. Қайси соҳада бўлмасин киши аниқ, хиссий, тажрибавий билиш орқалигини камол топади. Касбий маданият ҳам бундан мустасно эмас. Касб-ҳунар таълими ҳам билиш ва камол топишнинг ўзига хос йўлидир.

Киши касб маданиятининг шаклланишида ўз касбкорига бўлган қизиқиш эътиборидан ташқари яна ташаббускорлиги, ташкилотчилиги. Ўз-ўзига талабчанлиги, жамоа аъзоларининг ўзига хос хусусиятларининг чуқур кўрсата билиши, ўз фаолияти ва ишга танқидий муносабатда бўлиши, ватан, жамият, халқ, одамлар олдидаги маъсулият ва бурчини тўла хис қилиш қатор субъектив омиллар ҳам катта аҳамиятга эга.

4-савол баёни.

Ўсмирларда касб танлашга муносабатнинг шаклланиш жараёнини янада чуқурак таҳлил қилиш ва унинг ўзига хос бўлган ижтимоий психологик хусусиятларнинг аниқ йўналтирилган тадқиқотлар асосида очиб бериш, бугунги кунда таълим-тарбия муассасалари олдида турган энг муҳим вазифалардан биридир.

Дарҳақиқат, бугун ҳар жиҳатдан омилкор, маъсулиятли, ташаббускор ва жамият тараққиёти учун онгли-фаол ижтимоий шахсни тарбиялаш, уни ўз салоҳиятига мос касбга йўналтира олиш нафақат таълим тизимининг, балки бутун бир давлатнинг ҳам келажак тараққиётига даҳлдор бўлган муҳим вазифалардан биридир.

Қолаверса, Ўзбекистонда кечаётган бугунги кенг кўламли ижтимоий-иқтисодий ислохатлар, бетўхтов шаклланаётган бозор муносабатлари, фан, техника ва ишлаб чиқаришнинг кескин ривожланишга жавоб бера олувчи жамият ва шахс эҳтиёжларининг ўзаро узвий муносабати мотивацияси тизимини шакллантиришда жамият ва жамоатчилик таъсирини кучайтириш лозим бўлади.

Зеро, бутун дунёга маълум ва машҳур бўлган Шарқ алломаларининг (Фаробий, Беруний, Инб Сино, Улуғбек, Навоий, Абдулла Авлоний ва бошқалар) ўнлаб асарларидан таъкидлаганидек, ўрта асрлардаёқ, айниқса бизнинг худудларимизда диний мактаблар, мадрасаларга толиби илмларни танлаб олиш, уларнинг ақлий тараққиёт даражасини, бирламчи билим ва малакаларини, касб ёки санъатнинг алоҳида турига мойиллиги ҳамда ички муносабатининг намоён этилишини ҳисобга олган амалга оширилган.

Мустақиллик йилларида ўқувчиларнинг касб-хунарга тўғри йўналтирилишини асослаб боришга қаратилган талайгина педагогик-психологик тадқиқотлар олиб борилди, қўлга киритилган эмпирик маълумотлар қайтадан таҳлил қилинди. Албатта, олиб борилган бу таҳлиллар кенг маънодаги ижтимоий шахсни ривожлантириш жараёнининг муҳим томони ҳисобланган “Онгли равишда касб танлашга тайёргарлик”, “Касб-хунар танлашга йўналганлик”, “Касб танлашга у ёки бу муносабатни шакллантириш” тушунчаларини илмий-назарий тадқиқ қилиш, бу борадаги муаммолар кўламига жиддий эътиборни қаратишни ҳам тақазо этади. Бундан ташқари, ўқитувчи ёшларни касбга йўналтириш фаолияти жараёнидаги ташқи ва ички таъсирларнинг ўзаро муносабати мотивациясининг маҳсули бўлган касбий ўзликни англаш жараёнини таркибий қисми сифатида мақсадга йўналтирувчи, кучайтирувчи, коррекция қилувчи, яъни унинг ижтимоий йўналиш хусусиятларини белгилаб берувчи омил сифатида ҳам хизмат қилиши мумкин. Бундай ёндашувда касбга йўналганлик фақат ташқи таъсирнинг акси эмас, балки, ички ва ташқи таъсирларнинг интеграцияси сифатида ҳам таҳлил этилади, ёхуд, С.Л.Рубинштейн таъкидлаганидек, “Ташқи таъсир доимо ички ҳолат учун билвосита бўлиб қолаверди”.

6. ПСИХОЛОГИК – ПЕДАГОГИК ФАНЛАРНИ ЎРГАНИШДА ТАЛАБАЛАРНИ КАСБ ТАНЛАШГА ЙЎЛЛАШ ИШИГА НАЗАРИЙ – МЕТОДИК ЖИҲАТДАН ТАЙЁРЛАШ.

Режа

1. Психология фанининг касб танлашга йўллашдаги назарий асослари.
2. Педагогика фанини ўқитишда касб танлашга йўллаш жараёнида методик асослар.

Таянч сўз иборалар:

Психология, педагогика, касблар.

1-саволни баёни:

Инсон ўзининг кимлигини англашга интилишдан, ўз руҳий дунёсини ва ўзгалар руҳиятини билиш истаги пайдо бўлишдан, табиат ва жамият ҳодисаларини тушунишга эҳтиёж сезишдан, ўтмиш, ҳозирги замон, келажак ҳақида мулоҳаза юритишдан эътиборан психология фан сифатида ривожлана бошлади. Психологик билимлар жуда узоқ ўтмиш тарихга эга бўлса-да, лекин у фан сифатида фалсафадан XIX асрга келиб ажралиб чиқди. Психологияни алоҳида фан сифатида ажралиб чиқишга ўша даврда кишилиқ жамиятида юз бераётган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ўзгаришлар сабаб бўлди, чунки булар ижтимоий заруриятнинг тақозоси эди. Психологик ҳолатларни тадқиқ қилиш, яъни психика моҳиятини тушуниш мақсадида ўша даврда экспериментал илмий-психологик лабораториялар вужудга кела бошлади. Илк психологик тадқиқотлар лабораторияси немис олими В. Вундт томонидан 1879 йилда Лейпциг университетида ташкил қилинди. Худди шу лаборатория андозаси бўйича бошқа мамлакатларда бир қанча мустақил лабораториялар очилди. XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларига келиб психология фани тўғрисидаги илмий тушунчаларда кескин ўзгаришлар юзага келди ва уларнинг таъсири натижасида психологиянинг тадқиқот объекти сифатида инсонга муҳитнинг таъсири, унинг хулқ-атворини ўрганиш муаммолари танлаб олинди. Шу даврда психология фанининг ривожланишига ижобий ҳисса қўшган психология мактаблари вужудга келди, жумладан, Америка (АҚШ) психологиясининг асосий йўналишларидан бўлган бихевиоризм, Германия гештальтпсихология мактаби, Венада З.Фрейднинг психоанализи ва бошқалар. Шу мактабларнинг ҳаммаси ўзининг нуқтаи назарига асосланиб, психология фанининг таркибий қисмларини ўрганишга ҳаракат қилди. Психологик концепцияларнинг ранг-баранглиги сабабли ва фан-техниканинг

ривожланиши таъсири билан психология ўзининг тадқиқот объектларига эга бўлган кўплаб соҳаларга ажрала бошланди. Ҳозирги даврда психологиянинг назарий ва амалий ютуқлари атроф-муҳит ҳамда жамиятнинг жуда кенг қирраларига татбиқ қилинмоқда. Психология фанини муайян соҳаларга бўлишда аниқ, яққол фаолиятнинг психологик томони, инсоннинг жамиятга нисбатан психологик муносабати, тараққиётининг психологик жабҳаси асос қилиб олинган. қуйида психология соҳаларининг тавсифига қисқача тўхталиб ўтамиз. Умумий психология - умумий психологик қонуниятлар, механизмлар, мураккаб ички боғланишлар, назарий ва методологик принциплар, илмий тадқиқот методлар, психиканинг фило ва онтогенетик ўзгаришларини, илмий тушунчалар ва категориялар, билиш жараёнларини амалий ва назарий жиҳатдан тадқиқот қиладиган соҳа. Умумий психология бошқа соҳалар каби шартли равишда қабул қилинган номдан иборатдир. Психология фанининг илмий тушунчаларини, категориялари(шахс, мотивация, фаолият, муомала, онг)ни, тадқиқот методларини умумий психологияда умумлаштириш учун унинг бошқа соҳаларидаги текшириш натижаларини мавҳумлаштириш мақсадга мувофиқ. Шунинг билан биргаликда умумий психологиянинг тадқиқот натижалари психологиянинг бошқа соҳалари учун асос бўлиб хизмат қилади. Умумий психология фани асосий категориялар, тушунчалар, психик жараёнлар, ҳолатлар, ҳодисалар, индивидуал-типологик хусусиятларни ўз ичига олади.

1. Психик жараёнлар: сезги, идрок, тасаввур, хотира, тафаккур, хаёл ва бошқалар.

2. Иродавий жараёнлар: мотив, мотивация, эҳтиёжлар, интилишлар, қарор қабул қилиш кабилар.

3. Ҳиссий жараёнлар: ҳис-туйғулар, эмоция, кайфият, эмоционал тон, стресс, аффект сингарилар. Психик ҳолатларга психик жараёнларнинг маълум бир сифатларининг кўринишлари киради. Масалан, ҳиссий жараёнлардан психик ҳолат сифатида кайфият, психик хусусиятларга қобилиятлар ва бошқалар киради. Умумий психологиядаги бу бўлиниш шартли равишда амалга оширилган бўлиб, унда жараён тушунчаси умумий тадқиқ қилинаётган ҳодисанинг жараёний хусусиятга эга эканлиги таъкидланади, холос. Психик ҳолат тушунчаси психик ҳолатларга нисбатан нисбий статиклигини англатади. Психик хусусият тушунчаси эса тадқиқ қилинаётган ҳодисанинг мустақкамлигини, қайтарувчанлигини акс эттиради ва бу нарса шахс тузилишида ўз ифодасини топади. Умумий психологиядан бошқа соҳалар, билимлар асос сифатида фойдаланилади, худди шу боисдан у универсал хусусият касб этади.

Экспериментал психология - экспериментал методлар ёрдамида психик ҳодисаларни тадқиқ қилишнинг умумий соҳаси. Психология фан сифатида фалсафадан ажралиб чиқишида экспериментал тадқиқотлар ўтказиш асосий роль ўйнаган. XIX аснинг ўрталарида психологик ҳодисалар устидан илк бор амалий экспериментал-психологик тадқиқотлар ўтказилган. Бу физиологик лабораторияларда элементар функцияларни ўрганиш орқали, яъни илк бор сезги ва идрокни ўрганиш билан бошланган. Бу тадқиқотлар экспериментал психологиянинг фалсафа ва физиологиядан мустақил, алоҳида фан сифатида вужудга келишига муҳим асос ва объектив шарт-шароит яратиб берган. Экспериментал психология фан сифатида ажралиб чиқишига В.Вундт ўзининг катта ҳиссасини қўшган. Илк экспериментал тадқиқотлар ўзини ўзи кузатиш методи ёрдами билан инсоннинг ички функцияларини ўрганишга қаратилган эди. Кейинчалик экспериментал ишлар турлича ҳайвонларда ўтказила бошланган. Тадқиқотларнинг кўпчилиги Т.Л.Морган, Э.Л.Торндайклар томонидан олиб борилган. Экспериментал тадқиқотлар орқали фақат психик функцияларгина эмас, балки ҳиссиётларнинг индивидуал вариантлари ҳам текширилган. Экспериментал психологиянинг тадқиқотлари психология соҳаларининг назариясига асос бўлиб хизмат қилади.

Меҳнат психологияси - инсоннинг меҳнатга муносабати, меҳнат фаолиятининг қонуниятлари ва ривожланишини тадқиқ қиладиган психология соҳаси. Меҳнат

психологиясининг объекти ишлаб чиқаришда ва меҳнатда шахсининг фаолияти, уни ишдан бўш вақтининг, дам олишининг ишлаб чиқаришга таъсирини ҳам текширган. Меҳнат унумдорлигига ишчини боқиш учун кетган сарфлар микдори кўп бўлса, унга қанча қулай шарт-шароит яратилса, шунчалик ижобий таъсир юзага келади. Шу асосда юқоридаги фанлар меҳнаткашга психологик илиқ муҳит яратиш учун меҳнат психологиясига ёрдам беради. Меҳнат психологиясини Г.Мюнстербергнинг «Психология ва ишлаб чиқариш унумдорлиги» (1913) ва «Психотехника асослари» (1914) китоблари чиққан даврдан бошлаб алоҳида соҳа сифатида вужудга келганлиги эътироф этилган. Меҳнат психологиясининг асосий вазифаси ишлаб чиқариш муносабатларини ижобийлаштириш, меҳнаткашларга зарур шарт-шароит яратиш бериш, касбий касалликларнинг, ишлаб чиқаришда жисмоний фалокатларнинг, психологик зўриқишларнинг олдини олишдир.

Авиация психологияси - авиасаноат ва авиахизматчиларнинг меҳнат фаолиятида кечувчи психологик қонуниятларни ўрганади. Авиация психологиясининг предмети мураккаб авиация тизимини бошқаришдаги инсон психикасининг ролини текширишдан иборат. Авиация психологияси объекти шахс фаолияти, жамоа тузилишини ташкил қилишнинг шарт-шароитлари ҳисобланади. Авиация психологияси субъекти учувчилар, муҳандис, техник хизмат кўрсатиш таркибини ташкил этувчи стюардессалар ва бошқалар. Авиация психологияси соҳа сифатида учувчи қурилмалар яратилиши вақтидан, яъни XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларидан вужудга келган. Авиация психологияси туғилишининг асосий сабаби учувчи аппаратлар ишлатишда ва бошқаришда инсон омили хавфсизлигига шарт-шароит яратиш эҳтиёжидир. Авиация психологияси психологиянинг бошқа соҳалари билан узвий боғлиқдир.

Муҳандислик психологияси - инсон ва машина ўртасидаги муносабатни, инсонга машинанинг психологик таъсирини ва инсоннинг машина билан муносабати жараёнининг психологик қонуниятларини тадқиқот методлари ёрдами билан ўрганувчи психология соҳаси. Муҳандислик психологияси фан-техника революцияси таъсирида вужудга келган бўлиб, қуйидаги муаммоларни текширади:

- 1) инсон ва ЭХМ каби автоматика тизими юкламасида инсон вазифасини таҳлил қилиш;
- 2) ЭХМ операторларининг ҳамкорлик фаолиятида мулоқот жараёни ва уларнинг ўзаро таъсирини тадқиқ қилиш;
- 3) оператор фаолиятининг психологик тузилишини таҳлил этиш;
- 4) оператор ишининг сифатига, тезлигига, самарадорлигига таъсир қилувчи омилларни текшириш;
- 5) инсон томонидан ахборот қабул қилишни тадқиқ этиш;
- 6) оператор фаолиятини бошқариш механизмининг ўрганиш;
- 7) ЭХМни бошқаришдаги буйруқларни инсон томонидан қабул қилиш хусусиятини аниқлаш;
- 8) операторлар учун психодиагностика ва профориентация методларини ишлаб чиқиш;
- 9) операторларни ўрганишни оптималлаштириш.

Муҳандислик психологиясининг юқоридаги муаммоларини текшириш натижасида ёлғиз оператор фаолиятидан умумий меҳнат фаолиятини ўрганишга ўсиб ўтилади.

Космик психология - вазнсизлик ва бўшлиқда аниқ мўлжал ола билмаслик шароитида, организмда жуда кўп ортиқча таассуротлар юкланган пайтда рўй берадиган нерв-психологик зўриқиш билан боғлиқ бўлган алоҳида ҳолатлар туғилганда киши фаолиятининг психологик хусусиятларини тадқиқ қиладиган психология соҳаси.

Экстремал психология - инсоннинг ўзгарган муҳит шарт-шароитларида психик фаолиятининг кечиши қонуниятларини ўрганадиган психология соҳаси. Экстремал

шароитда инсонга бир қанча факторлар таъсир қилади: монотония, макон ўзгариши, хавф омили, вақт, шахсий аҳамиятга молик ахборотнинг ўзгариши, ёлғизлик, гуруҳий изоляция ва ҳаётининг хавф. Экстремал шароитга инсон мослашишининг биологик вазифаси экстремал шароитда ишловчиларни танлаб олиш (космос, арктика, ёнғин ва ҳоказо), машқлантириш, тренинг ўтказишдан иборат.

Педагогик психология - тарбия ва таълим муаммоларини тадқиқ қиладиган психология соҳаси. Педагогик психология шахснинг мақсадга мувофиқ ривожланиши, билиш фаолиятининг ва шахсда ижтимоий ижобий сифатларни тарбиялашнинг психологик муаммоларини ўрганади. Педагогик психологиянинг мақсади - ўқитишнинг оқилона ривожлантирувчи таъсирини, шарт-шароит ва бошқа психологик факторлардан келиб чиққан ҳолда кучайтиришдир. Педагогик психология XIX асрнинг иккинчи ярмида ижтимоий тараққиётнинг таъсири натижасида вужудга келган. Экспериментал психология тадқиқотчилари педагогик психология ривожланишига катта ҳисса қўшганлар. Бундан ташқари, педагогик психологиянинг фан сифатида тараққий этишда ўша даврда юзага келган психологик йўналишлар ҳам ўзининг ижобий таъсирини ўтказган. Бихевиористик психология йўналиши педагогик психология учун асос қилиб тарбиячи ва ўқитувчига восита қилиб ташқи муҳит таъсирини олади. Ташқи муҳит қанчалик ижобий таъсир қилувчи омил бўлса, яъни қулай шарт-шароит вужудга келса, демак, шахснинг тарбияланиши шунчалик ижобий кечади.

Ҳозирги замон педагогик психология ривожланиши натижасида инсоннинг индивидуал-психологик фарқлари, ижтимоий-тарихий тажрибалар таъсири ҳамда бошқа одамлар ўртасидаги мулоқот, муомала таъсири борлигини, шунингдек, яна бир қанча факторларни ҳисобга олган ҳолда шахсни ривожлантирувчи таълим орқали ўқитиш ва тарбиялаш ётади. Педагогик психологияни шартли равишда бир неча турга ажратиш мумкин: а) таълим психологияси; б) тарбия психологияси; в) ўқитувчи психологияси; г) олий мактаб психологияси кабилар.

Тиббиёт психологияси - касалларнинг даволаниши, гигиена, профилактика, диагностика жабҳаларини тадқиқ қилувчи психология соҳаси. Тиббиёт психологиясида тадқиқотлар тизимига касалликларнинг кечиши, уларнинг шахс психологиясига таъсири қонуниятлари, инсоннинг касалликдан соғайишига микросоциал гуруҳ таъсири ўрганилади. Тиббиёт психологияси ўз ичига клиник психология, патопсихология, нейропсихология, соматопсихология каби бўлимларни қамраб олади. Тиббиёт психологияси таркибига психотерапия соҳасини ҳам киритадилар. Тиббиёт психологиясининг асосий муаммоси касалликни даволашнинг инсон психологиясига таъсирини тадқиқ қилишдир. Унинг асосий муаммоси инсоннинг психологиясига ижобий таъсир қилувчи ва шу билан даволанишни тезлаштирувчи, ижобий даволаш муҳитини ташкил қилишдир. Психик ҳодисалар билан миёга физиологик тузилишлар ўртасидаги нисбатни ўрганадиган соҳа - нейропсихология. Доривор моддаларнинг киши психик фаолиятига таъсирини текширадиган соҳа - психофармокология. Беморларни даволаш учун психик жиҳатдан саломатлигини таъминлаш чора-тадбирлари тизимини ишлаб чиқиш билан шуғулланувчи соҳа - психопрофилактика.

Юридик психология - ҳуқуқ доирасидаги муносабатлар одамларнинг психик фаолиятини ҳуқуқий бошқариш механизмлари ва қонуниятларини ўрганувчи психология соҳаси. Экспериментал психология таъсири остида XX асрнинг бошларида юридик психология соҳасида илк лаборатория тадқиқотлари ўтказилган. Бу тадқиқотчилар гувоҳларнинг кўрсатмаларини ва сўроқ олиб бориш асосларини ўрганишни мақсад қилиб қўйган эдилар. Юридик психолог сифатида ёзувчи А.К.Дойлнинг қаҳрамони Шерлок Холмсни аташ мумкин. Юридик психология бўйича тадқиқот ишлари ўша вақтларда Г.Гросс, К.Марбе, В.Штерн, К.Юнг ва бошқа психологлар томонидан олиб борилган. Кейинчалик юридик психологиянинг ўзига хос тадқиқот йўналишлари вужудга келди: жиноятчилар шахсини тадқиқ қилиш, гувоҳлик кўрсатувчилар кўрсатмаларини текшириш,

суд психологияси экспертизасининг назарий ва амалий томонлари ишлаб чиқилган. Юридик психология умумий психологиянинг методлари ва ўзига хос уларнинг шакллари қўллайди. Ҳозирги замонда унинг бир қанча билимлари мавжуддир: криминал психология, суд психологияси, жиноятчиларни қайта тарбиялаш психологияси, яъни пенитенциар психологияси ёки ахлоқ тузатиш меҳнат психологияси кабилар.

Ҳарбий психология - ҳарбий фаолиятининг инсон психикасига таъсири, ҳарбий фаолиятнинг хусусиятларини психологик қонуниятларини ўрганувчи, тадқиқ қилувчи психология соҳаси. Жангчи шахсининг психологик факторларини текшириш - ҳарбий психологиясининг асосий муаммоларидан биридир. Ҳарбий жамоаларда шахслараро муносабатлар, командирлар билан жангчилар мулоқотининг психологик хусусиятлари, фавқулоддаги ҳолатларда ҳарбий хизматдаги кишилар психикасининг ўзгариш, бўлинмаларда психологик муҳит масаласи, ҳарбий-ватанпарварлик туйғусини шакллантириш бирламчи муаммо эканлиги ва ҳоказо. Ҳарбий психология негизида социал психология, меҳнат психологияси, муҳандислик психологияси, педагогик психология соҳаларининг назарий-амалий материаллари, умумбашарий қонуниятлари ётади.

Спорт психологияси - спорт мусобақалари ва машқланиш фаолиятида инсон психикасининг ривожланиши, гуруҳий муносабатларнинг психологик қонуниятларини тадқиқ қилувчи психология соҳаси. Мазкур соҳа XX асрнинг 60-70 йилларида жадал суръатлар билан ривожлана бошлади ва унинг илк тадқиқотлари спортчиларнинг индивидуал-психологик фарқларини ўрганишга қаратилган эди. Ҳозирги даврга келиб эса спорт психологияси ўрганаётган муаммолар кўлами кенгайди, шу боисдан унинг асосий вазифаси спортчиларнинг психик ва жисмоний камолотга таъсир ўтказувчи муҳим шарт-шароитларни яратиш беришдир. Бундан ташқари, спорт психологияси спортчиларнинг шахс сифатида ривожланишига, эришган ютуқларига психологик ёрдам кўрсатиш жабҳалари билан ҳам шуғулланади.

Савдо психологияси - жаҳон мамлакатларида кенг ривожланган бўлиб, тижорат таъсирининг психологик негизлари, объектив ва субъектив шарт-шароитларини, эҳтиёжнинг индивидуал, ёшга, жинсга оид ва бошқа хусусиятларини, харидорларга хизмат кўрсатишнинг психологик омилларини аниқлайдиган соҳа. Савдо психологияси савдо-тижорат рекламалари, модалар психологияси ва шу каби масалаларни тадқиқ қилади. Айниқса, сотувчи-харидор муносабати, кишиларга таъсир ўтказиш, уларда илиқ ҳис-туйғу, ишонч уйғотиш механизмлари, мантқан уларни муомала жараёнида ишонтириш, қизиқтириш, ижтимоий аҳамиятини тушунтира билиш, низоли ҳолатларнинг олдини олиш, хизматда мулоқот маданияти ва унинг тренингларида унумли фойдаланиш, харидорларнинг психологик хусусиятларини англаган ҳолда муносабатда бўлиш қонуниятларини тадқиқ этиш ҳам мазкур соҳанинг текширув предметиға киради.

Ижодиёт психологияси - бадиий кадриятларни ўзлаштиришда, уларнинг янги кўринишларини ижод қилишда ва шу кадриятлар инсон томонидан идрок қилишда кечадиган психологик ҳолатларни ҳамда бу ҳолатларнинг шахс ҳаёти, фаолиятига таъсирини ўрганувчи психология соҳаси. Ижод психологияси бир томондан психологизм таъсири остида, иккинчи томондан эса аксилпсихологизм исқанжасида ривожланади. Психологизм тарафдорлари бадиий асарлар яратилиши индивидуал онг таъсирида вужудга келади, деб талқин қилишади. Аксилпсихологизм бу асарларга субъектнинг психик фаоллигининг таъсирини инкор қилди.

Ҳозирги замонда санъат асарларининг тарихий жиҳатдан уларни ижодкорларининг шахсий хусусиятлари бирламчи эканлигидан келиб чиқилади. Замонавий санъат психологияси санъаткорларнинг қобилиятларини асар яратишда ҳиссий кўринишларни, шахслараро муносабатларни психологик нуқтаи назардан ўрганади. Санъатда инсон рухий олами амалий жиҳатдан текшириш, баҳолаш, ўзига хос жиҳатларини гуруҳлаш,

индивидуал, гурухий, жамоавий таъсир хусусиятларини шархлаш имконияти мавжуд. Санъат психологияси ижтимоий тарбия беришнинг психологик механизмлари, йўллари, қонуниятлари, методлари кабиларни тадқиқ этувчи муҳим соҳалардан биридир. Бугунги кунда унинг куйидаги соҳалари ўз тадқиқот предмети ва объектига эгадир: ижод психологияси, санъат психологияси, бадиий таржима психологияси, бадиий ижодиёт психологияси, халқ амалий санъати психологияси, бадиий меъморлик психологияси кабилар.

Ёш психологияси - шахснинг психик ривожланиш қонуниятларини инсон туғилишидан то умрининг охиригача бўлган даврни, яъни онтогенезни ўрганадиган психология соҳаси. Ёш психологияси болалар психологияси сифатида XIX асрнинг охирида вужудга келган бўлиб, у фан ва техника тараққиёти, жамият талабига биноан болалар психологияси тараққиётида қўлланилган. Ёш психологияси ҳозирги замонда болалар психологияси, ўсмирлик ва ўспиринлик психологияси, етуклик психологияси, геронтопсихологиядан иборатдир. У инсоннинг онтогенезда ривожланиш жараёнида психик ҳолатларнинг кечиши, психик функцияларнинг роли, уларнинг ўзгариши, ҳаракатлантирувчи кучлар, механизмлар, таъсир ўтказувчи объектив ва субъектив факторлар, тараққиёт қонуниятларини тадқиқ қилади. Ёш психологияси умр ўтиши билан психологик фарқлар, индивидуал-психологик хусусиятлар ўрганишини ўрганади, тадқиқотларда маданий, ижтимоий-тарихий, миллий таъсирни ҳисобга олади. Шунинг учун ёш психологиясининг объектлари ўта мураккаб бўлиб, тараққиётлар тараққиётини текширишни тақозо қилади. Жаҳон психологиясида тўпланган барча назарий материалларга, шу жумладан генетик моделлаштириш (Л.С.Виготский) методларига, эгизаклар методига ва шунга ўхшаш ўта мураккаб жараёнларнинг лонгитюд (узлуксиз) услуги ёрдамида текширишга асосланади. Ёш психологиясининг асосий вазибаларидан бири - болани психик ривожланишининг ижобий шаклда ташкил этилиши, ёш давлари инқирози босқичлари, жараёнлари ва пайтларида психологик ёрдам кўрсатиш чоратадбирларини ишлаб чиқишдан иборатдир. Ёш психологияси педагогик психологиянинг илмий, амалий, тажрибавий асоси бўлиб ҳисобланади, лекин бошқа соҳалари билан ҳам узвий алоҳида фаолият кўрсатади, инсон камолотининг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида ижтимоий аҳамиятга молик материаллар тўплайди.

Махсус психология - нормал психик ривожланмаган туғма ёки кейинчалик орттирилган нуқсонлар, дефектлар таъсири остидаги инсонларнинг психологиясини тадқиқот қилиш соҳаси. Унинг бир неча бўлимлари ҳукм суради: патопсихология - ривожланиш жараёнида психиканинг айниши, миёдаги касалликнинг турлича кечиши, психиканинг тамоман издан чиқиши ҳолларини ўрганувчи соҳа; олигофренопсихология - психик ривожланишнинг миёдаги туғма асоратлар билан боғлиқ патологияси тўғрисида тадқиқот ишларини олиб борувчи соҳа; сурдопсихология - қулоқ эшитишнинг бутунлай қар бўлиб қолгунга қадар жиддий камчиликлари, нуқсонлари билан шуғулланувчи, болани вояга етказишнинг омилкор йўл-йўриқларини топувчи, коррекцион-тузатиш ишларини олиб борувчи соҳа; тифлопсихология - чала кўрувчи ва мутлақо кўзи ожиз одамларнинг психологик ривожланишини тадқиқ қилувчи соҳа. Махсус психологиянинг яна ўзига хос тор бўлимлари ҳам мавжуд бўлиб, инсонларнинг касаллиги, нуқсони, ақл-идрок даражаси, нутқ фаолияти патологиясига биноан тадқиқот ишлари олиб борилади.

Қиёсий психология - психологиянинг мураккаб бўлимларидан бири бўлиб, психиканинг филогенетик ҳолатлари ва уларнинг шаклларини тадқиқ қиладиган соҳаси. қиёсий психологияда ҳайвонлар психологияси одамларники билан қиёсланади, уларнинг хулқ-атворидаги ўхшашликлар ва тафовутлар сабаблари текширилади, ҳаракатлантирувчи кучлар, таъсир ўтказувчи воситалар, омиллар аниқланади. Зоопсихология қиёсий психологиянинг бўлиmidан иборат бўлиб, у турли гуруҳларга, турларга мансуб ҳайвонлар, жониворлар психикасини, уларнинг хатти-ҳаракатларини ўрганади. Этология - биологик ва психологик жабҳалар қоришмасидан иборат бўлиб, ҳайвонларнинг хатти-

ҳаракатидаги туғма аломатлар, механизмлар инсонники билан умумий негизга эга эканлигини ўрганувчи соҳа.

Дифференциал психология - шахслар ўртасидаги тафовут ва фарқларни ҳамда гуруҳ аъзолари орасидаги номутаносибликларнинг психологик томонларини, яъни психологик фарқларини ўрганувчи психология соҳаси. Дифференциал психологияга Ф.Гальтон асос солган бўлиб, у индивидуал фарқларни статистик анализ қилиш учун бир қанча усуллар ва асбоблар яратган. Дифференциал психология терминини немис психологи В. Штерн ўзининг «Индивидуал фарқлар психологияси» (1900 йил) асарида ишлатган. Дифференциал психологиянинг асосий методларидан бири - тестдир. Аввал индивидуал тестлар, кейинчалик эса гуруҳий тестлар қўлланила бошланган, улар асосан ақлий ривожланишдаги фарқларни ўрганишга қаратилган бўлиб, муайян вақт ўтгандан сўнг проектив тестлар ишлаб чиқилган. Мазкур тестлар қизиқишдаги, интилишдаги, ҳиссиётдаги тафовутларни текширишга қаратилгандир. Тестларнинг фактор анализи ёки интеллектга оид маълумот берувчи омиллари ўрганилган. Жаҳон психологиясида энг кенг ёйилган назариядан бири - бу Н.Спирменнинг икки факторли концепциясидир. Бу назарияга биноан, ҳар бир фаолият учун умумий битта фактор мавжуддир, бундан ташқари, ўша фаолиятга қаратилган хусусий фактор ҳам мавжуд. Шу соҳага оид яна бир назария Л.Тёрстон, Дж.Гильфорд ва бошқаларнинг мультифакторлик ёндашувидир. Мазкур назария умумий фактор борлигини инкор қилади, унда бошланғич ақлий қобилиятлар асосий ўринга қўйилади. Психология инсон қобилиятлари генетик, биологик омилларга асосланган, деган ғоя мавжуд бўлиб, таъкидланишича, улар гўёки наслдан наслга ўтади. Ҳозирги замон дифференциал психология диагностика, прогностика методлари ёрдами билан шахсларни қобилияти бўйича танлашда илмий принцип ва қонуниятларга асосланади.

Психофизиология - одамларнинг индивидуал-психологик ва психофизиологик фарқларини тадқиқ қилувчи, психиканинг генетикасини ўрганувчи психология соҳаси. Ҳатто дифференциал психофизиология термини мавжуд бўлиб, уни 1963 йилда В.Д.Небилицин томонидан фанга киритилган. Психофизиологиянинг иккита асосий тадқиқот ёндашуви мавжуд: а) мустақил амалий тадқиқотларда олинган физиологик ва психологик натижаларни ўзаро солиштириш, қиёслаш; б) бирон бир фаолиятда физиологик функциялар ўзгаришини ўрганиш.

Ижтимоий (социал) психология - одамларнинг ижтимоий гуруҳларга бирлашишини, бу гуруҳий тавсифни, шахснинг гуруҳий фаолияти ва хулқ-атворини, ижтимоий-психологик қонуниятлар, ҳолатлар, ҳодисалар, ижтимоий установка кабиларни тадқиқот қилувчи психология соҳаси. қадимги замондан ижтимоий-психологик воқелик фалсафий нуқтаи назардан ўрганилиб келинган, лекин шахс, гуруҳ, жамоа муносабатлари қамраб олинмаган. Ижтимоий психология фанига асос бўлиб психология, социология, антропология, этнография, криминология, фалсафа каби фанлар хизмат қилиб келган. XIX асрнинг иккинчи ярмида социал психологияни фан сифатида ривожлантиришга илк уринишлар бошланган. Жаҳон жамоатчилиги томонидан социал психология 1908 йилдан эътиборан алоҳида фан сифатида тан олинган. Бунга асос бўлиб бир вақтнинг ўзида англиялик психолог У.(В) Макдугалл ва америкалик социолог Э.Россларнинг тадқиқот натижалари хизмат қилди. Чунки бу ишларда «социал психология» термини қўлланилган эди. Урушдан кейинги йилларда АҚШда ва бошқа мамлакатларда социал психология муаммолари юзасидан тадқиқотлар ўтказиш жараёни кенг ёйилди. Айниқса, АҚШ да ўтказилган Которннинг тажрибаси, Э.Мэйонинг изланишлари социал психология тарихида асосий роль ўйнайди. Бу тадқиқотчиларнинг асосий объекти бўлиб кичик гуруҳлар хизмат қилган, тажрибалар лаборатория шароитида ўтказилган. Социал психология фан сифатида мулоқот, муомала қонуниятлари, шахслараро муносабат, индивидуал ва гуруҳий ўзаро таъсир, гуруҳларнинг ички ва ташқи тузилиши, уларнинг турлари, таснифи, оммавий ҳолатлар ва бошқаларни текширади.

Социал психология бир неча соҳаларни ўз ичига қамраб олади: дин психологияси, оила психологияси, муомала психологияси, кичик гуруҳ психологияси, катта гуруҳ психологияси, модалар психологияси, инсонни инсон томонидан идрок қилиш психологияси, этнопсихология ва бошқалар.

Дин психологияси - психологик ва ижтимоий психологик омилларнинг диний онг билан шартланганлигини, диннинг инсонга таъсирини ўрганувчи психология соҳаси. Дин психологияси XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида вужудга келган бўлиб, инсонни ибодат қилишдаги, диний анъаналарни, расм-русумларни бажаришдаги ҳиссиёт ҳолатларини ўрганишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Диний психологияни ўрганиш қуйидаги йўналишларда амалга оширилмоқда:

а) умумий назария: диний онг, унинг тузилиши, диний ҳиссиёт, диннинг шахс шаклланишидаги аҳамияти;

б) дин психологияси дифференциацияси: ижтимоий муҳит ва тарихий даврдан шаклланган онг ва ҳиссиёт тадқиқоти;

в) диний гуруҳ психологияси;

г) диний расм-русумлар психологияси;

д) хурфирлилик таълими психологияси кабидир.

Сиёсий психология - жамиятнинг сиёсий ҳаётидаги психологик хусусиятлар, ҳолатлар, қонуниятлар, таъсирчанлик ва таъсир ўтказиш жараёнлари каби жабҳаларни текширувчи психология соҳаси.

Оила психологияси - оиланинг психологиясини ўрганувчи фанлараро тадқиқот қилишга йўналган психология соҳаси саналади. Оила психологияси оиланинг психологик муаммоларини ўрганади, у оилага таъсир қилувчи омилларни, оиладаги роллар тақсимланиши, эр-хотин муносабати, шахслараро муносабат, ёш хусусиятлари, жинсий тафовутларга асосланиб мулоқотга киришиш кабиларни ўрганади. Оила психологияси томонидан тўпланган материаллар оила мустақамлигини сақлаш учун маслаҳатлар беришда, ҳар бир социологик ва психологик дастурлар тузишда қўлланилади. Шунингдек, оила типлари, тузилиши, иерархияси, уларга таъсир қилувчи объектив ва субъектив омиллар ҳам мазкур соҳанинг тадқиқот предметига киради.

Бошқарув психологияси - жамиятда фаолият кўрсатаётган шахслар, гуруҳлар ва жамоалар ўртасидаги ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган назорат, баҳолаш, муносабат қонуниятларини, раҳбар фаолияти ва характери, қобилияти хусусиятларини тадқиқ қиладиган ижтимоий психологиянинг соҳаси.

Фан психологияси - илмий тадқиқот ўтказишнинг самарадорлигини ошириш учун психологик таъсир омилларини ўрганувчи психология соҳаси. Фан психологияси фанга оид бошқа соҳалар билан узвий боғлиқ бўлиб, ишлаб чиқаришда, илмий марказларда ижтимоий ва индивидуал хусусиятларга эга бўлган психологик қонуниятларни тадқиқ қилади, инсоннинг ижтимоий қобилиятлари, ақлий имкониятлари ҳамда улардан унумли фойдаланиш омилларини текширади. Кашфиётлар амалга оширилиши негизлари, механизмлари, шарт-шароитлари ва унда инсон омилининг роли каби ҳолатларни ўрганади.

Компьютерлаштириш психологияси - компьютернинг ишлаб чиқаришдаги роли, психик акс эттиришга таъсири, шахс тузилишининг ўзгаришини ўрганувчи психология соҳаси. Мазкур соҳа компьютер ва инсон ўртасидаги диалогик муносабатни ҳам тадқиқот қилади, натижада «техника-инсон-техника» ўзаро таъсири механизмини текширади ва зарур жабҳалар ўзаро таъсирини аниқлайди. Компьютерлаштириш инсон психологиясида муайян ўзгаришларни юзага келтиради, сермахсул техника яратиш тизимини

тезлаштиришга муҳим психологик асос яратади. Компьютерлаштиришнинг бош муаммоси - унинг инсонга таъсир ўтказиш механизмларини тадқиқот қилишдир.

Парапсихология - ҳозирги замон фанининг чегарасидан ташқаридаги, тушунтириш қийин бўлган психик ҳодисаларни ўрганади. Экстрасенсорика - ўта сезувчанлик, телепатия - фикрни масофага узатиш, келажакни башорат қилиш ва ҳоказо. Парапсихологияга нисбатан қизиқиш қадимдан мавжуд бўлиб, унга нисбатан ихлос то ҳозирги кунгача камайгани йўқ, гоҳо уни психотроника деб ҳам аташади. Хиромантия-қўл кафтига қараб фол очиш, инсон келажаги ва унинг тақдири ҳақида олдиндан башорат қилишдан иборат ноилмий соҳа. Спиритизм-ўлган одамлар арвоҳлари, руҳлари билан алоқа ўрнатиш мумкин, улар ҳамisha барҳаёт ва биз билан мулоқотга муҳтож ғояни илгари сурувчи парапсихология соҳаси.

2-саволни баёни:

Ер юзида одам зоти пайдо бўлибдики, у таълим тарбия билан шуғулланиб келади, комилликка интилади. Катталар ёш авлодга ўзларининг тажрибаларини, инсоний фазилатларини, билим кўникма ва малакаларини сингдиришга ҳаракат қилади. Бу вазибалар турли усулларда турлича ҳал этилган бўлиб, уларнинг натижаси сифатида, педагогика фанининг дастлабки таълимотлари таркиб топиб борган. Инсон тафаккури, билими унинг ижтимоий тажрибаларида акс этган.

Қадимшунос олимларнинг таъкидлашларича, минглаб йиллар олдин кишилар етук онглилик асосида маданий мерос намуналарини яратганлар. Аммо уларга берилган таълим-тарбиянинг мазмуни ва моҳияти. қандай амалга оширилганлиги мукамал тарзда бизгача етиб келмаган. Айниқса кўҳна шарқ мамлакатлари Хитой, Ҳиндистон, Марказий Осиё, Арабистон, Эрон, Туркия ва бошқа жойларда ўта мукамал таълим тарбия тизими мавжуд бўлганлиги маданий-меъморий ёдгорликда турли саънат ва муҳандислик иншоатларида учратиш мумкин.

Ҳозирги кунда сақланиб қолган энг эски педагогик таълимот қадимги Юнонистон давлатлари: Спарта ва Атикада амалга оширилган. Педагогика тушунчаси ҳам ўша замонларда қўлланила бошлаган.

Авалло «*païs ageïnes*» «яъни бола етаклаш» деган маънони англатади. Қулдорларнинг болаларини қўриқлаб, ҳимоя қилиб юрадиган кишиларни шундай атаган. Кейинчалик мактабларнинг кучайиши, таълим тарбиянинг такомиллашиб бориши натижасида таълим-тарбия билан шуғулланувчи кишиларни педагоглар деб аташган.

Педагогика таълим-тарбия ҳақидаги таълимотларни ўрганадиган соҳа сифатида фалсафанинг таркибида шаклланиб борди.

Педагогиканинг предмети сифатида таълим-тарбия жараёни ва унда амалга оширишга қаратилган махсус тайёргарлик кўрган кишиларнинг фаолияти тушунилади.

Турли манбалар ва муаллифларнинг педагогикага берган таърифларидан келиб чиққан ҳолда уни қуйидагича ифодалаш мумкин:

Педагогика жамиятнинг барча аъзоларини ижтимоий эҳтиёжга мос ҳолда тарбиялаш, шахс сифатида шакллантириш, замонавий билим кўникма ва малакалар беришнинг йўл-йўриқлари қонуният ҳамда мазмун моҳиятини ўрганувчи фандир.

Бу таъриф маълум даражада «Таълим тўғрисида» қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг мазмунига мос келади. Фақат ўқувчи ёшлар эмас, жамиятнинг барча аъзолари таълим ва тарбиядан баҳраманд бўлишлари, узлуксиз таълим тизими таъсирида камолот сари интилиш зарур. Ўзбекистоннинг миллий истиқлолга эришиши педагогика фанининг мақсад ва вазибаларини янгиланишига олиб келди.

Шўролар тизими давридаги комунистик мафкурага асосланган тарбия кўп жиҳатлари билан барча халқлар ва миллатларни бир қолипда «улуғ оға» руҳига мослаштириб улғайтиришга мўлжалланган эди. Бу иллатдан воз кечиб, биринчи навбатда миллий руҳда тарбиялашга алоҳида эътибор берилди. Президент И.Каримов таъкидлаганларидек: «Буюк давлат, буюк келажакимизга эришиш учун оқил, маърифатли, айна пайтда ўзининг ўтмиши,

улуғ қадриятлари, миллати билан фахрланадиган ва келажакка ишонадиган инсонларни тарбиялашимиз керак. Бундай инсонларни тарбиялаш эса ижтимоий фанимизнинг муқаддас бурчидир».¹

Халқимиз бой миллий тарбия аňаналарига эга, унга суяган ҳолда комилликка интилувчи шахсни таркиб топтириш мумкин. Лекин педагогика фани умуминсоний тарбиянинг нодир намуналари таъсирида миллий тарбияни бойитиб боришни ҳам мақсад қилиб қўйган. Бу буюк мақсадлар ўз навбатида таълим ва тарбиянинг тажрибада синалган шакллари билан бир қаторда, жаҳондаги илғор педагогик технологиялардан қўлланиш, етук мутахассислар тайёрлаш, ёшларнинг қобилияти, қизиқиши ва имкониятларини ҳисобга олган вазифаларни ҳал этишга қаратилган.

ЛАБОРАТОРИЯ ИШЛАРИ

1-машғулот

Мавзу: Касблар таснифини, касбларда меҳнат турларининг таърифи

(одам-табиат, одам-техника, одам-одам, одам-белгили тизим, одам-бадий образ)

Дарснинг мақсади:

1) *таълимий* - ўқувчиларда, касбларни меҳнат қуроллари бўйича таснифлаш кўникмасини шакллантириш, муайян типдаги касбга бўлган мойилликни аниқлаш;

2) *тарбиявий* - касбларни типлари бўйича таҳлил қилиш орқали

ўқувчиларнинг маълум бир касбларга нисбатан қизиқишларини ошириш;

3) *ривожлантирувчи* - ўқувчиларни мактаб атрофидаги ишлаб чиқариш корхоналарида энг кўп тарқалган ҳар хил типдаги касбларни фарқлашга ва таҳлил қилишга ўргатиш.

4) *ижодий* – ўқувчиларда ўз келажagini бугун белгилаш учун касбни эркин ҳолда, унинг талабларига жавоб берадиган даражада танлаш лозимлиги ҳақида кўникма ҳосил қилиш.

5) *амалий* – ҳар бир ўқувчини қобилиятига, саломатлигига тўғри келадиган касбларни ўз хоши билан танлашларига кўмаклашиш.

Касбга йўналтирувчи мақсад: ўқувчиларни ҳар хил типдаги касбларни фарқлашга ва таҳлил қилишга ўргатиш орқали уларни касбларга бўлган қизиқишларини мутахкамлаш, бирор касбни танлашларига кўмаклашиш.

Дарснинг вазифалари:

- касбларнинг таснифлари ҳақида тушунча бериш;
- ҳар бир касбнинг масъулиятли ва шарафли эканлигини, ўз ўрни ва мавқеи борлигини тушунтириш;

- бирор касбни ўрганиш ва эгаллаш учун фақатгина хоши-истакни ўзи етарли эмаслигини, балки кишида шу касбни эгаллаш учун унинг қийинчиликларини енга оладиган, ўзига хос хусусиятларига мос келадиган қобилиятлар ҳам бўлиши зарурлигини уқтириш.

Дарс тип: Янги билимлар бериш.

Дарс тури: назарий.

Дарсда қўлланиладиган ўқитиш методлари: маъруза, суҳбат, тушунтириш, ролли ўйин.

Фанларро боғланиш: тиббиёт, биология, кимё, қишлоқ хўжалиги, техника, технология, математика, информатика, физика, иқтисодий билим асослари ва б.

Дарс жиҳози: тарқатма материаллар, компьютер, проектор, экран, ишлаб чиқариш соҳаларига оид слайдлар, кўргазмалар ва ҳ.

Дарснинг бориши:

I. Ташкилий қисм.

II. Ўтилган дарсни сўраш ва баҳолаш:

1. Ишлаб чиқариш соҳалари ҳақида гапиринг.
2. Кўп серияли ишлаб чиқариш деганда нимани тушунасиз?
3. Ижодий ғоя ва дизайн тушунчаларини гапириб беринг.
4. Ишлаб чиқаришда ишлатиладиган хом ашёлар ҳақида гапиринг.

III. Янги мавзун баён қилиш.

Режа:

1. Касблар таснифи (классификацияси).
2. Касбларнинг типлари.

Дунёда минглаб касблар бор. Мана шу ранг-баранг касблар оламида қандай қилиб мўлжал олиш керак? Ҳаёт йўлини - меҳнат фаолиятини тўғри бошлаш учун қайси касбни танлаган маъқул? Бу ишда касблар таснифи сизга яхши ёрдам бериши мумкин. Кўпгина предметларни ўрганиш чоғида сиз ҳар хил оддий ва мураккаб объектлар, фактлар, воқеа-ҳодисалар ва бошқа шунга ўхшаш нарсалар қандай тизимлаштирилишини билиб олгансиз. Масалан, ўсимлик ва ҳайвон организмлари типларга, туркумларга, турларга, оилаларга, отрядларга бирлаштирилади.

Касблар таснифи учун ҳар хил белгиларни асос қилиб олиш мумкин. Масалан, уларнинг номлари бошланадиган биринчи ҳарфлар бўйича бўлиб чиқиш мумкин. Бу худди луғатларнинг тузилишига ўхшаган бўлади. Тўғри, бундай таснифдан касб танлаш учун фойдаланиш унчалик қулай бўлмайди, чунки касб танлаш учун энг аввало ўша касбнинг номини билиш керак. Ҳамма гап шундаки, кўп ҳолларда касбнинг номи, унинг қандай аталиши касб танлаётган кишига маълум бўлмайди. Масалан, айтайлик, сиз яхши расм чизасиз, бу машғулот сизга жуда ёқади ва сиз бундан кейин ҳам ўзингиздаги мана шу расм чизиш қобилияти керак бўладиган жойда ишлашни хоҳлайсиз. Хўш, айтингчи, сиз газмол ишлаб чиқаришда расмлардан нусха кўчирувчи деган касб борлигини, полиграфияда - колорист, ретушёр касби, бадиий заргарлик буюмлари ишлаб чиқарадиган корхоналарда - инкрустатор касби борлигини биласизми? Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин.

Касбларни яна улар халқ хўжалигининг қайси соҳасига тааллуқли эканлигига қараб ҳам жойлаштириб чиқиш мумкин. Бундай тасниф корхоналар ва ўқув юртларининг раҳбарлари учун қулай бўлса ҳам, лекин касб танлаётган кишига унчалик қўл келмайди.

Чиндан ҳам, масалаҳ, биргина тикувчилик саноатининг ўзида моделтер-конструкторлар, технологик жиҳозларни созловчилар, слесарлар, газмолни саралайдиган расчётчик-подборщиклар, қирқувчилар, тикувчи-мотористлар, ҳисобчилар (бухгалтерлар), иқтисодчилар (экономистлар) сингари жуда кўп касблар мавжуд. Лекин кишининг шахсий фазилатлари (қизиқишлари, майллари, қобилиятлари, ҳосил қилган тажрибаси) билан саноатнинг бир тармоғидаги касбларни бутунлай қамраб олиш мумкинми? Албатта, йўқ. Шунинг учун ҳам тармоқ белгилари бўйича тузилган таснифдан эмас, балки одамнинг ўзидан, яъни меҳнатда бевосита иштирок этадиган кишининг ўзидан келиб чиқадиган белгиларга қараб тузиб чиқилган таснифдан фойдаланиш касб танлаётган киши учун қулай бўлади.

Чиндан ҳам одам ишлаётган вақтда унинг диққат-эътибори соҳага эмас (бу соҳа қанчалик яхши, обрў-эътиборли ва бошқа кўпгина афзалликларга эга бўлишига қарамай), балки меҳнат предмети (объекти)га қаратилган бўлади. Мана шу предметни ишлатиб, нимадир қилиш керак (бу энди меҳнатнинг мақсади бўлади). Ҳар қандай меҳнатда қуроллар, воситалар мавжуддир. Ниҳоят, одам учун унинг қандай шароитда ишлаши муҳим аҳамиятга эгадир. Касб танлашни ўйлаётган киши учун қулай бўлган касблар таснифи мана шу тўртта белгига қараб тузилади.

Схема тарзида олганда, бундай таснифни тўрт қаватли яруслардан иборат пирамида шаклида тасаввур қилиш мумкин. Унинг яруслари: касбларнинг типлари; касбларнинг туркумлари; касбларнинг бўлимлари; касбларнинг гуруҳларидан иборат бўлади. Энг юқорида бўш қолдирилган тўғри тўртбурчак сизнинг бўлажак касбингизга мўлжалланган.

Ушбу схемани сиз ўзингизнинг келажакдаги меҳнат йўлингизни танлаётганингизда ўйлаб олишингизга имкон берадиган, аста-секин пастдан юқorigа қараб чиқиб боришингиз мумкин бўлган (касб типини аниқлашдан бошлаб унинг туркумини муҳокама қилишга ўтиш ва ҳоказо) бир "пиллапоя" сифатида қараш мумкин.

Меҳнат предметига қараб барча касблар бешта типга бўлинади:

1. "Одам-табиат". Бу ерда меҳнатнинг асосий, етакчи предмети - жонли табиатдир. Бу типга, масалан, қуйидаги касблар киради: Уруғшунос, мева-сабзавотшунос, давлат уруғчилик инспекцияси лаборанти, мастер-чорвадор, кимёвий-бактериологик таҳлил лаборанти, зоотехник, агроном.

"Одам-табиат" типидagi касблардан қуйидагиларни ажратиш кўрсатиш мумкин:

- ўсимликлар организми меҳнат предмети бўлган касблар;
- ҳайвонлар организми меҳнат предмети бўлган касблар;
- микроорганизмлар меҳнат предмети бўлган касблар.

Юқорида кўрсатиб ўтилган бўлиниш "одам-табиат" типидagi касбга мансуб бўлган кишилар меҳнати фақат эслатиб ўтилган предметларгагина қаратилган бўлади, деган маънони англатмайди, албатта. Ўсимликшунослар, масалан, жамоа орасида ишлайдилар, хилма-хил техникадан фойдаланадилар, уларнинг ўз меҳнатларини ҳисобга олиш, унга иқтисодий баҳо бериш масалалари билан ҳам шуғулланишларига тўғри келади, лекин бари бир ўсимликшуносларнинг диққат-эътиборини жалб этадиган ва улар ғамхўрлик қиладиган асосий предмет - бу ўсимликлар ва улар ўсадиган муҳит ҳисобланади. Мазкур типдagi касбни танлаш вақтида сиз ўзингиз табиатга қандай муносабатда бўлишингиз жуда муҳим аҳамиятга эгадир: сиз унга дам оладиган, кўнгил ҳушлик қиладиган жой деб қарайсизми ёки ўзингизни бутун кучгайратингизни бирор маҳсулот ишлаб чиқаришга сарф этишга шайланаётган устахона деб қарайсизми? Бу саволга жавоб бериш учун одам ўзини ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган, жонли табиатга алоқадор ижтимоий фойдали меҳнат жараёнида ёки тегишли тўғараклар, қизиқиш бўйича тузилган гуруҳларнинг машғулотларида қатнашиб синаб кўриши мумкин.

"Одам-табиат" типидagi касбларни танлаш вақтида ҳисобга олиш зарур бўлган яна бир жиҳат бор. Меҳнатнинг биологик объектларининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, улар (ўз ички қонуниятларига кўра) мураккаб, ўзгарувчан ва ностандарт бўладилар. Ўсимликлар ҳам, жониворлар ҳам, микроорганизмлар ҳам дунёга келиб яшайдилар,

ўсадилар, ривожланадилар. Шунингдек касалликка чалинадилар ва ҳалок бўладилар. Бу соҳада ишлайдиган ходим тирик организмлар тўғрисида жуда кўп нарсаларни шунчаки билибгина қолмай, шу билан бирга кўпинча муқаррар равишда содир бўладиган ёки содир бўлиши эҳтимоли туғилган ўзгаришларни ҳам олдиндан кўра билиши керак. Аниқ меҳнат вазифаларини ҳал қилиш вақтида одамдан ташаббускорлик ва мустақиллик талаб қилинади, у табиатга нисбатан ғамхўр ва узоқни кўра оладиган киши бўлиши керак.

Бу иш сизга ёқадими, қуйидаги ишларни бажаришни хоҳлармидингиз:

1. Биологиядан лаборатория ишлари ва амалий машғулотларни бажаришни истайсизми?

2. Мактаб ўқув-тажриба участкасида, тирик бурчакда, ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадаси далаларида ишлаш сизга ёқадими?

3. Ўз томорқа участкангизда, боғингизда, полизингизда ишлашни истайсизми?

4. Уй ҳайвонларини боқишни истайсизми?

5. Жонли табиат тўғрисидаги илмий-оммабоп, бадиий адабиётни ўқишни севасизми?

Агар мана шу саволларнинг кўпчилигига "ҳа" деб жавоб берадиган бўлсангиз, у ҳолда "одам-табиат" типидagi касбларнинг сизга тўғри келиши эҳтимолдан узоқ эмас. Бироқ, ҳозирча бу хулосани ҳали узил-кесил хулоса деб ҳисоблаб бўлмайди. Кейинчалик сиз яна бир қанча омиллар йиғиндисини билиб оласизки, касб танлашда шу омилларни ҳисобга олмоқ зарур.

2. "Одам-техника". Шундай касблар типидa меҳнатнинг асосий етакчи предмети - техника объектлари (машиналар, механизмлар, компьютерлар ва бошқа шунга ўхшашлар), материаллар, энергия турларидан иборат бўлади. Жонсиз табиат объектлари (ер ости бойликлари, тупроқ, сув, ўрмон ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари) ҳам кўп жиҳатдан шуларга ўхшаган бўлади.

Бу ерда ходимларнинг меҳнати фақат техникагагина қаратилиб қолмайди, албатта. Чунончи, масалан, автобус ҳайдовчиси иш вақтида йўловчилар билан мулоқотга киришади, кран машинисти (кранчи) қишлоқ хўжалик ҳайвонлари қамалган қафасчани ортиш билан машғул бўлиши мумкин ва ҳ. Лекин барибир мазкур ҳолатларда ходимларнинг касб-корлик диққат-эътибори қаратиладиган ва улар ғамхўрлик қиладиган етакчи предмет — техника объектлари ва уларнинг хусусиятлари бўлиб қолаверади.

"Одам-техника" типидagi касблардан қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- қазиб олинган тупроқ, тоғ жинсларига ишлов бериш билан боғлиқ бўлган касблар: проходкачи, булдозер машинисти, бурғулаш қурилмаси дизелчиси, кон техниги, инженер-геолог ва шунга ўхшашлар;

- нометалл саноат материаллари, буюмлар, чала маҳсулотларга ишлов бериш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган касблар: дурадгор, тўқувчи, тикувчи, инженер-технолог ва бошқалар;

- металл ишлаб чиқариш ва унга ишлов бериш, машиналарни, қурилмаларни механик усулда йиғиш ва монтаж қилиш билан боғлиқ бўлган касблар: токар, дастур билан бошқариладиган станоклар оператори, слесар-асбобсоз, техник-металлург, ярим автомат машиналарда электр билан пайвандловчи ва ҳ.;

- технология машиналари, жиҳозлари, транспорт воситаларини таъмирлаш, созлаш ва уларга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган касблар: ремонтчи-слесар, технологик жиҳозлар созловчиси, инженер-механик ва б.;

- бинолар, иншоотлар, конструкцияларни монтаж, таъмир қилиш билан боғлиқ бўлган касблар: арматурачи-бетончи, қўлда ишлатиладиган асбоб билан кавшарловчи-электр пайвандловчи, слесар-кема ремонтчиси, архитектор ва б.;

- электр жиҳозларини, қурилмаларни ва аппаратларни йиғиш, монтаж қилиш билан боғлиқ бўлган касблар: кема электр монтажчиси, радиоаппаратлар ва қурилмалар монтажчиси, микросхемаларни йиғувчи, соатсоз йиғувчи, инженер-физик ва б.;

- электр жиҳозлари, қурилмалар, аппаратлар ремонтчи, созланиши ва уларга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган касблар: радио ва телевизион аппаратларга хизмат кўрсатиш

ва уларнинг таъмири бўйича радиомеханик, электрослесар, дастур билан бошқариладиган станокларни созловчи, электр алоқалари техниги, радиофизик ва б;

- юк кўтариш, транспорт воситаларини қўллаш ва уларни бошқариш билан боғлиқ бўлган касблар: автомобил ҳайдовчиси, докер-механизатор, фуқаро авиацияси учувчиси, автомобил транспортдан фойдаланиш инженери ва б;

- қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш билан боғлиқ бўлган касблар: ошпаз, новвой, озик-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича инженер-технолог ва б.

Техника объектларини қайта ишлаш, ўзгартириш, қайта жойлаштириш ёки баҳолашда ходимдан ниҳоятда аниқ ишлаш, ўз хатти-ҳаракатларида қатъиятли бўлиш талаб қилинади. Модомики, техника объектлари амалда ҳар доим одамнинг ўз қўли билан яратилар экан, техника оламида новаторлик, фикр-мулоҳаза қилиб кўриш учун, техника ижодкорлигини намойиш қилиш учун аниқса катта имкониятлар мавжуддир. Ишга ижодий ёндашиш билан бир қаторда техника соҳасида (бошқа ҳамма соҳада ҳам) одамдан юксак даражада ижрочилик интизоми талаб қилинади.

Қуйидаги саволларга жавоб беринг:

Бу ишлар сизга ёқадими, қуйидаги ишларни қилишни хоҳлармидингиз:

1. Янги материаллар, асбоблар, машиналар тўғрисида билишни истайсизми?

2. Қандайдир материалларни, буюмларни (газмолдан, ёғочдан, қоғоздан, металлдан ясалган, озик-овқат маҳсулотларидан тайёрланган ва бошқа шунга ўхшашларни) қараб чиқишни хоҳлайсизми?

3. Буюмларнинг хусусиятларини ва нималарга ишлатилишини билишни истайсизми?

4. Ўз қўлингиз билан буюмни, маҳсулотни тайёрлаш истагингиз борми?

5. Янги буюмлар ўйлаб топишга ёки мавжуд буюмларни бошқачароқ қилиб ясашга хоҳишингиз қалай?

6. Ҳар хил предметларни йиғиб ишлаш сизга ёқадими?

7. Кундалик турмушга керак бўладиган нарсаларни, маиший техникани, кийим-кечакларни тартибга солиш (таъмирлаш, қайтадан ясаш)ни яхши кўрасизми?

8. Техник чизмаларни, схемаларни тушуна оласизми?

9. Ўлчов воситаларидан фойдаланишни биласизми?

10. Чизмалар чизишни биласизми?

Борди-ю, сиз кўп саволларга "ҳа" деб жавоб берар экансиз, чамаси, сизга "одам-техника" типдаги касб тўғри келади.

3. "Одам-одам". Бу ерда асосий меҳнат предмети одамлардир. Мазкур меҳнат соҳасида майллар, қизиқишлар қай даражада эканини аниқлашда ўқув предметларидан ташқари, сиз шахсан ўзингиз жамоат ишларида, жамоада ўтказиладиган тадбирларни ташкил этишда иштирок этиб орттирган тажрибангиз ҳам ёрдам беради. Мазкур типга кирадиган касбларни қуйидагича ажратиб кўрсатиш мимкин:

- одамларни ўқитиш ва тарбиялаш билан, болалар жамоаларини уюштириш билан боғлиқ бўлган касблар: мактабгача тарбия муассасаси тарбиячиси, ишлаб чиқариш таълими мастер, ўқитувчи ва б.;

- ишлаб чиқаришни бошқариш, одамларга, жамоага раҳбарлик қилиш билан боғлиқ бўлган касблар: автотранспорт корхонасининг диспечери, ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича инженер-иқтисодчи ва б;

- маиший хизмат, алоқа, савдо хизмати билан боғлиқ бўлган касблар: сартарош, шаҳарлараро алоқа телефонистикаси, справкалар бюросининг ходими, экскурсовод, сотувчи ва б.;

- одамларга информацион-бадний хизмат кўрсатиш ҳамда маданий жамоаларга раҳбарлик қилиш билан боғлиқ бўлган касблар: клуб ходими, Дирижёр ва б.;

- тиббий хизмат кўрсатиш билан боғлиқ касблар: фелдшер, ҳамшираси, шифокор (врач) ва б.

"Одам-одам" типдаги касбларга оид меҳнатнинг асосий мазмуни одамларнинг ўзаро бир-бирига таъсир кўрсатишидан иборатдир. Шундай бир-бирига таъсир кўрсатишнинг муҳим қисми ўзаро муносабатлар ҳисобланади. Мазкур типдаги касб бўйича муваффақиятли ишлаш учун одамлар билан алоқага киришиш ва улар билан доимий равишда мулоқотда бўлишни, одамларни тушунишни, уларнинг ўзига хос хусусиятларини билиб муомала қилишни ўрганиб олиш керак, шунингдек, ишлаб чиқариш, фан, техника, санъат ва бошқа шу сингари тегишли соҳага оид билимларни эгаллаб олиш лозим.

Одамлар билан ишлаш унчалик осон ишлардан эмас. Мисол учун сотувчилик касбини олиб кўрайлик. Сотувчи иш вақтида минут сайин янги-янги одамлар билан муомала қилиши керак. Харидорлар ҳар хил бўлади: улар орасида ўта синчковлари ҳам, мол танлашда иккиланиб турадиганлари ҳам, ҳаддан ташқари кўп гапирадиганлари ҳам учраб туради ва ҳ. Харидорлар билан муомала қила олиш эса сотувчининг вазифасидир. Бу ерда сотувчига ўзига хос истеъдод: оғир-вазмин, хушмуомала, хушфёъл бўлиш маҳорати зарур бўлади.

"Одам-одам" типдаги касбни танлаш учун жуда муҳим ва зарур бўлган шахсий фазилатларнинг қисқача рўйхати қуйидагилардан иборат:

- одамлар билан ишлаш жараёнида барқарор яхши кайфиятда бўлиш;
- одамлар билан муомалада бўлишга ўзида эҳтиёж сезиш, жамоатчилик ишларида сидқидилдан иштирок этиш;
- бошқа кишиларнинг ниятини, ўй-фикрларини, кайфиятини тушуна олиш, фикран ўзини бошқа кишининг ўрнига кўйиб кўриш қобилияти;
- одамлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни тезда билиб олиш, кўпчилик кишиларнинг шахсий фазилатларини яхши тушуниш ва билиш маҳоратига эга бўлиш;
- турли кишилар билан тил топишаолиш.

Қуйидаги саволларга жавоб беринг:

1. Бошқа одамлар сизни муомалада тез хафа бўладиган, табиати нозик ва сал гапни кўнгли кўтармайдиган киши, деб ҳисоблайдиларми (танқидга, танбеҳга жавоб беришда)?
2. Муомала вақтида пайдо бўлган кайфият (қувонч, хафагарчилик, қайғу)дан кўнглингизда қолган нарсалар узоқ муддат сақланиб қоладими?
3. Сизнинг кайфиятингиз гоҳ кўтарилиб, гоҳ тушиб, яхши-ёмон кайфиятлар тез-тез алмашилиб турадими?
4. Сиз ўз номингизга айтилган танқидий фикрларни кўнглингизга оғир олиб, узоқ вақт изтироб чекиб юрасизми?
5. Сершовқин, қувноқ одамлар орасига тушиб қолганда қаттиқ чарчамайсизми?
6. Янги одамлар билан танишишга тўғри келиб қолган вақтларда қийналиб, истиҳола қилиб юрмайсизми?
7. Сиз бирор янги гапни бошқа кишилардан сўраб билишдан кўра уни китобдан ўқиб билиб олиш осон ва қулай деб ҳисоблайсизми?
8. Сизда ёлғиз ўзингиз қолиб, тинч-осойишта бир жойда дам олиш истаги тез-тез бўлиб турадими?
9. Биров билан гаплашаётган вақтингизда керакли сўзларни топиб айтиш учун узоқ вақт ўйламайсизми?
10. Сиз жуда кўп янги танишлар орттиришдан кўра кичик бир даврадаги доимий дўстларни афзал кўрасизми?

Башарти, мана шу саволларнинг кўпчилигига сиз "ха" деб жавоб берадиган бўлсангиз, у ҳолда, афтидан, одамлар билан боғлиқ бўладиган касблар сизга унчалик тўғри келмайди. Ҳар ҳолда бу соҳада муваффақиятга эришиш учун ўз устингизда кўпроқ ишлашингизга тўғри келади.

4. "Одам-белгили тизим". Касбларнинг бу типда шартли белгилар, рақамлар, кодлар, табиий ёки сунъий тиллар асосий етакчи меҳнат предмети ҳисобланади. Ҳозирги замон кишиси белгилар ва белги тизимлари дунёсида -текстлар, чизмалар, схемалар,

карталар, жадваллар, формулалар, йўл белгилари ичида яшайди. Бинобарин, буларнинг ҳаммасини биладиган тегишли мутахассислар ҳам зарур.

"Одам-белгили тизим" типдаги касблар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ҳужжатларни (она тилида ёки чет тилида) расмийлаштириш, иш юритиш, текстлар ва уларнинг қайта ёзилиши, қайта кодлаштирилиши билан боғлиқ бўлган касблар: таржимон, секретар-машинистка, телеграфчи, техник редактор ва б.;

- сонлар, микдорий нисбатлар меҳнат предмети ҳисобланган касблар: ҳисоблаш машиналарининг оператори, назоратчи, ғазначи, дастурчи, ҳисобчи, техник-режаловчи ва б.;

- шартли белгилар тизими, объектларнинг схематик тасвири кўринишидаги маълумотларни қайта ишлаш билан боғлиқ бўлган касблар: чизмакаш, топограф, техник-геодезист, инженер ва б.

Мазкур типдаги касбларнинг бирортасида муваффақиятли ишлаш учун мана шу белгилар оламига, сиртдан қараганда қуруқ белги бўлиб кўринадиган одамга ҳаёлан шўнғиб кетадиган, теварак-атрофни ўраб олган ҳаётдаги предметли хусусиятларни бирдан унута оладиган ва бутун диққат-эътиборини у ёки бу белгидан иборат маълумотларга қарата оладиган даражадаги алоҳида қобилият зарур бўлади. Шартли белгилар шаклидаги маълумотларни қайта ишлаш вақтида бу маълумотларни назорат қилиш, текшириш, ҳисобга олиш, қайта ишлаш вазифаси, шунингдек, янги-янги белгилар белги тизимларини яратиш вазифаси пайдо бўлади.

5. "Одам-бадий образ". Касбларнинг бу типда бадий образлар, уларнинг тузилиш усуллари етакчи меҳнат предмети ҳисобланади. Бу ерда қуйидаги касбларни ажратиш кўрсатиш мумкин:

- тасвирий фаолият билан боғлиқ бўлган касблар: бадий мебеллар ишлаб чиқариш бўйича дурадгор, тошга ўйиб гул солувчи, ёритиш электротехниги (театрда), поябзал конструктор-моделери, график-рассом ва б.;

- мусиқа фаолияти билан боғлиқ бўлган касблар: пионино ва роялларни созловчи, оркест артисти, бастакор ва б.;

- адабий-бадий фаолият билан боғлиқ бўлган касблар: бадий адабиёт муҳаррири, адабий ходим ва б.;

- актёрлик-сахна фаолияти билан боғлиқ бўлган касблар: театр артисти, эстрада артисти ва б.

"Одам-бадий образ" типдаги касбларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири шундан иборатки, ходим амалга оширган, сарф қилган меҳнатининг анчагина қисми ташқи томондан қараган кишининг кўзига кўринмай, яширинча қолади. Бундан ташқари, меҳнатнинг сўнги натижасига эришиш учун, яъни ижронинг энгил, зўриқмасдан бажарилиши ва ўйналаётган ролнинг табиий чиқиши учун кўпинча махсус куч-ғайрат сарф қилишга тўғри келади. Чунончи, сахнада бор-йўғи бир неча минут давом этадиган томошани кўрсатиш учун артист ҳар куни бир неча соатлаб меҳнат қилиши керак. Мазкур типдаги касбни танламоқчи бўлсангиз меҳнатнинг мана шу яширин томони тўғрисида ўйлаб кўринг, эҳтимол, бу ишни бажариш сизнинг қўлингиздан келмай қолиши ҳам мумкин.

IV. Янги ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш ва баҳолаш:

1. Касблар таснифи ҳақида гапиринг.

2. Касбларнинг типлари ҳақида гапириб беринг.

3. "Одам-табиат" типига кирувчи касбларни айтиб беринг.

4. "Одам-техника" типига кирувчи касблар ҳақида гапиринг.

5. "Одам-одам" типига кирувчи касблар ҳақида айтиб беринг.

6. "Одам-белгили тизим" типига кирувчи касблар ҳақида гапириб беринг.

7. "Одам-бадий образ" типига кирувчи касблар ҳақида гапиринг.

V. Дарсни яқунлаш (хулосалаш) ва уйга топшириқ бериш.

2-машғулот

Мавзу: Касб-хунар эгаллашда инсон саломатлигига қўйилган талаблар,

Дарсинг мақсади:

1) *таълимий* - ўқувчиларга касб танлашда ўз саломатлигини ҳисобга олиш зарурлигини тушунтириш;

2) *тарбиявий* - ўқувчиларда ўз-ўзини тушуниш, саломатлигини танлаётган касб талабларига мувофиқлигини тўғри англаш кўникмаларини шакллантириш;

3) *ривожлантирувчи* - ўқувчиларнинг касб-хунар эгаллаш ҳақидаги билимларини кенгайтириш.

4) *ижодий* – ўқувчиларга қобилият ва саломатлик барча касбларга тўғри келмаслиги ҳақида тушунча бериш.

5) *амалий* – ҳар бир ўқувчига саломатлигига тўғри келадиган касбни танлаши зарурлиги тавсия этилади, сабаблари тушунтирилади.

Касбга йўналтирувчи мақсад: ўқувчиларга касб танлашда ўз саломатлигини ҳисобга олиш зарурлигини тушунтириш; уларда ўз-ўзини тушуниш, саломатлигини танлаётган касб талабларига мувофиқлигини тўғри англаш кўникмаларини шакллантириш орқали уларнинг касб-хунар турлари ва уларни эгаллаш ҳақидаги билимларини кенгайтириш.

Дарсинг вазифалари:

- инсон саломатлигига мос келувчи касб-хунар эгаллаш ҳақида тушунча бериш;

- давлатнинг меҳнаткашлар саломатлигини сақлаш тўғрисидаги ғамхўрлигини кўрсатиш.

Дарс типи: Янги билимлар бериш.

Дарс тури: назарий.

Дарсда қўлланиладиган ўқитиш методлари: маъруза, суҳбат, тушунтириш, ролли ўйин.

Фанлараро боғланиш: тиббиёт, биология, иқтисодий билим асослари.

Дарс жиҳози: тарқатма материаллар, компьютер, проектор, экран, ишлаб чиқариш соҳаларига оид слайдлар, кўرғазмалар ва ҳ.

Дарсинг бориши:

I. Ташкилий қисм.

II. Ўқилган дарсни сўраш ва баҳолаш:

1. Касбларга оид меҳнат турларини айтинг.
2. "Одам-табиат" типига кирувчи касбларга мисол келтиринг.
3. "Одам-техника" типига кирувчи касбларга мисол келтиринг.
4. "Одам-одам" типига кирувчи касбларга мисол келтиринг.
5. "Одам-белгили тизим" типига кирувчи касбларга мисол келтиринг.
6. "Одам-бадий образ" типига кирувчи касбларга мисол келтиринг.

III. Янги мавзунини баён қилиш.

Режа:

1. Касб танлашда ўз саломатлиги, аҳволини ҳисобга олиш.
2. Меҳнат шароитини одам организмга кўрсатадиган таъсири.
3. Касбга яроқлилик.
4. Касбга яроқсизлик.

Бирор касбни танлашда инсон саломатлиги катта аҳамиятга эгадир. Агар кишининг саломатлиги яхши бўлмаса, у муайян касбда ишлаши учун врачлар хулосаси бўйича яроқли эмас, деб топилган бўлса ўша киши мазкур касбга яроқсиз деб ҳисобланади. Бунинг маъноси шуки, киши мазкур ишни ё мутлақо бажара олмайди ёки бу иш унинг соғлигидаги (ҳозирча, балки, унча сезилмайдиган) ўзгаришларни кўпайтириб, дардини кучайтиради.

Кишининг саломатлиги муҳим бир касб талабларига мувофиқ келиш-келмаслигини аниқлаш - врачнинг вазифасидир. Шунинг учун ҳам ишга ёки ўқув юртига кираётган ҳар бир киши, албатта, тиббий кўрикдан ўтади. Лекин кўпинча шундай бўладикки, киши ўзининг назарида касб танлаб бўлганидан кейин бундай тиббий кўрик амалга оширилади. Кейин афсусланиб ёки изтироб чекиб юрмаслик учун ўз вақтида врач билан маслаҳатлашиб олиш муҳим аҳамиятга эгадир. Касб танлаётган ҳар бир киши ўз организми учун ноқулай деб

ҳисобланадиган омилларни билиб олмоғи керак. Бу ҳол унга ўз имкониятларини тўғри баҳолашга ёрдам беради. Хўш, булар қандай омиллар? Баъзи ҳолларда булар - катта жисмоний нагрузкалар, оптимал микроиклимдан чекинилган вақтлар (ҳароратнинг паст ёки юқори бўлиши) ҳисобланса, бошқа ҳолларда бу омиллар ортиқ даражадаги чанг-тўзондан, шовқин ва тебранишдан, учинчи бир ҳолларда эса захарли моддаларни ишлатишдан иборат бўлади ва ҳ.

Меҳнат шароитини одам организмига кўрсатадиган таъсири бўйича касбларни тўрт гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳга меҳнат шароити маиший касбларга яқин бўлган касблар киради. Мисол тариқасида соат ишлаб чиқариш билан, маиший хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган касбларни келтириш мумкин. Бу ишчи касблари ичида энг кўп сонли гуруҳдир. Иккинчи гуруҳ касблари, масалан, ошпазлик каби ишлаб чиқариш омилининг мўтадил ёки нотекис таъсир этиши билан боғлиқ бўлган касблардир. Бундай касблар бўйича ишлаган вақтда организмга вақтинча юқори даражадаги ҳаво ҳарорати, намлик ва бошқа шу сингари омиллар таъсир кўрсатади. Бу эса томир уришининг тезлашиб кетишига, тер ажралиб чиқишининг кучайишига сабаб бўлади. Бинобарин, бундай касбларни фақат терморегуляцияси яхши бўлган кишиларгагина, шунингдек, юрак-томир тизимида, нафас органларида касаллиги бўлмаган кишиларгагина тавсия этиш мумкин. Учинчи гуруҳга ҳар хил ноқулай ишлаб чиқариш омилларининг йиғиндиси характерли бўлган касблар киради. Тўқимачилик касбини бунга мисол қилиб келтириш мумкин. Юраги, ўпкаси, эшитиш органлари, таянч ҳаракат аппарати касал бўлган (ёки касаллик аломатларига мойиллик сезилган), кўзи яхши кўрмайдиган кишилар учун бу касб тўғри келмайди. Тўртинчи гуруҳ оғир ва зарарли меҳнат шароити билан боғлиқ бўлган касблардан иборатдир. Масалан, электр пайвандчи, пўлат қуювчи ва бошқалар ана шундай касблар қаторига киради.

Бизнинг давлатимиз ҳар бир кишининг соғлиғи тўғрисида ғамхўрлик қилади, касб касалликларининг олдини олиш бўйича тадбирлар тизимини амалга оширади. Ишчиларга бир қатор енгилликлар яратиб берилган ишлаб чиқариш корхоналари ҳамда касб-хунарларнинг рўйхати белгилаб чиқилган ва тасдиқланган. Мана шу рўйхатга кирган касбда ишловчи кишилар тегишли имтиёزلардан фойдаланадилар: улар учун қисқартирилган иш куни, қўшимча таътил, парҳез таомлар, 45-50 ёшдан бошлаб нафақа билан таъминланиш ҳуқуқи ва бошқа шу сингари имтиёзлар берилган.

Бирор касб танланаётган вақтда тиббий кўрсаткичларининг тўғри келмаслиги энг аввало касаллик характери билан белгиланади. Танланган касбга сизнинг соғлигингиз тўғри келиш-келмаслиги ҳақидаги хулосани фақат врач бериши мумкин. Бироқ шуни ҳам назарда тутиш керакки, турли касалликларга организмнинг қаршилиқ кўрсатиш имкониятлари жуда катта бўлиб, одам ўзи севган касбини эгаллаш учун бутун ирода кучини ишга солиб касалликни енгиши мумкин. Ҳар бир киши ёшлигидан бошлаб ўз саломатлиги тўғрисида ўйлаши, гигиена соҳасидаги билимларини, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш малакаларини эгаллаб олиши, соғлом турмуш тарзи билан яшашни ўрганиб олмоғи керак.

Организмни чиниқтириш, спорт билан шуғулланиш, меҳнат ва дам олиш, овқатланиш режимига риоя қилиш, ўз бўш вақтини оқилона ташкил этиш ва бошқа шунга ўхшаш тадбирлар жисмоний жиҳатдан бақувват ва соғлом бўлиб ўсишнинг зарур шартларидир. Соғлом бўлиб ўсишни истаган киши спиртли ичимликлар ичиш, чекиш ва гиёҳвандлик қилиш сингари ярамас одатлардан батамом воз кечиши керак, албатта. Чунки булар организмга ниҳоятда зарарли таъсир кўрсатади: соғлиқни издан чиқаради, қизиқиш доирасини торайтиради, ақлий фаолликни пасайтиради ва ниҳоят, шахсни таназзулга олиб келади.

Касбга яроқлилик - одам билан унинг иши, касби ўртасидаги ўзаро мувофиқликдир. Айни мана шу мувофиқлик бўлган тақдирдагина "одам - касб" формуласини рўёбга чиқариш имкони туғилади. Мана шундай ўзаро муносабат хусусида тўхталиб ўтамиз.

Ҳар қандай кишининг ўзигагина хос бўлган муайян шахсий фазилатлар, хусусиятлар мавжуд бўлади. Танланаётган касбнинг шахсга нисбатан қўядиган талабларига мана шу шахсий сифатлар қай даражада мос келишига қараб одамнинг у ёки бу касбга яроқлилиги

тўғрисида бир қарорга келиш мумкин. Касбга яроқлилиқни тўрт хил даражага бўлиб, уларни бир-биридан фарқ қилиш мумкин.

1. Яроқсизлик (мазкур касбга яроқсизлик). У вақтинча ҳам бўлиши мумкин ёки амалий жиҳатдан рўёбга чиқмайдиган бўлиши ҳам мумкин. Кишининг саломатлиги ёмон бўлганда, у ёки бу соҳадаги ишга ўша кишининг соғлиғи, врачларнинг нуқтаи назарига қараганда тўғри келмайди, деб топилган ҳолларда касбга яроқсизлик тўғрисида гапириш мумкин.

Танланган касбга соғлиқнинг тўғри келмаслиги хусусида биз юқорида тўхталиб ўтган эдик. Лекин танланган касбга фақат соғлиқ эмас, балки бундан бошқа омиллар ҳам монелик қилиши мумкин. Гап шундаки, бутун бир гуруҳни ташкил этувчи бир қатор касблар одамга нисбатан жуда катта талаблар қўяди. У касбларга фақат махсус қобилиятга эга бўлган кишиларгина мувофиқ келиши мумкин. Агар кишида мана шундай махсус қобилият йўқ бўлса, унинг ўрнини ҳеч нарса билан тўлдириб бўлмайди. Бундай ҳолларда кишидан ўз касбига нисбатан мутлақо яроқли бўлиш талаб қилинади, деб айтадилар.

Бажарадиган ишлари жараёнида одамларнинг соғлиғи ва ҳаёти учун хавфли бўлган, қутилмаган вазиятлар содир бўлиши эҳтимоли қутилган касблар (учувчи, денгизчи, кончи, энерготизимлар оператори ва б.) вакиллари учун ўз касбига ана шундай мутлақо яроқли бўлиш шарт қўлланилади. Санъат билан боғлиқ бўлган касблар тўғрисида ҳам худди мана шу гапларни айтиш мумкин: масалан, агар кишининг тасвирий санъат соҳасида ишлаш учун қобилияти бўлмаса, рассом, архитектор, ҳайкалтарош бўлиб етишиши амри-маҳолдир.

2. Яроқлилиқ (у ёки бу касб ёхуд гуруҳга яроқлилиқ). Касбга яроқлилиқнинг ушбу даражаси шу билан ажралиб турадики, бунда бирор соҳадаги меҳнатга нисбатан монелик қилувчи омиллар бўлмайди, лекин айти маҳалда кишида мазкур касбга яққол кўзга ташланиб турган майллар ҳам бўлмайди. "Сиз мана шу касбни танлашингиз мумкин. Ажаб эмас, сиз шу соҳада яхши мутахассис бўлиб етишарсиз" - деб тасалли берилади бу касбни танлаган кишиларга. Бу жиҳатдан касбга яроқлилиқ даражасини ҳам юқоридаги таърифдан билиб олиш мумкин.

3. Мос келиш (у ёки бу фаолият соҳасига одамнинг мос келиши). Бундай ҳолларда одамнинг айрим шахсий фазилатларини кўрсатиб ўтиш мумкин. Бу фазилатар муайян касб ёки касблар гуруҳи талабларига аниқ (шубҳасиз) мос келади. Масалан, бирор кишида муайян бир соҳада у ёки бу меҳнат объектига масалан, биология, техника ва ҳоказо объектларга нисбатан қизиқиш бўлиши ёхуд бирор соҳада ўзини амалий ишда синаб кўриш вақтида баъзи бир ютуқларни қўлга киритган кишилардаги мувофиқлик, ўз касбига мос келиш бунинг мисолидир. Касбга яроқлилиқнинг бу даражасидаги кишиларга нисбатан шундай деб мурожаат қилиш мумкин: "Сиз мана шу касбни танласангиз бўлади, сиз яхши мутахассис бўлиб етишингиз мумкин".

4. Ҳавас (мазкур касбга, фаолият соҳасига). Ишга ҳаваси (рағбати) бўлган бундай кишини меҳнатчи сифатида инсон тараққиётининг мазкур босқичида касбга яроқлилиқнинг олий даражаси деб ҳисоблаш мумкин. Бу ерда гап одамни бошқалардан ажратиб турадиган сифатлар тўғрисида бормоқда. Киши тахминан ўзи билан бир хил шароитда ишлаётган ва ўқийётган тенгдошларидан яққол ажралиб туради. Касбга яроқлилиқнинг бундай даражасига қўйидагича таъриф бериш мумкин: "Сиз фаолиятнинг шу соҳасида, ҳа, айти мана шу соҳада яхши мутахассис бўлиб етишарсиз".

Касбга яроқлилиқ - туғма сифат эмас. У меҳнат фаолиятида шаклланиб боради. Меҳнат жараёнида фақат профессионал идрок, хотира ва тафаккур ривожланибгина қолмай, одамда муайян хулқ-атвор типи ҳам, унинг жамоатчиликка хос йўналиши ҳам, талабчанлиги ҳам, бурчни англаш ҳисси ҳам, шахснинг бошқа шу сингари фазилатлари ҳам ривожланиб боради. Кўпчилик касбларда уларга яроқлилиқ масаласида одамга мутлақ талаблар қўйилмайди; унда етишмайдиган зарур фазилатиар, хусусиятлар, қобилиятлар ўрнини бошқаларини ривожлантириш ҳисобига қоплаш мумкин.

Одамда мавжуд бўлган барча фазилатларни касбий жиҳатдан қимматли, зарарли ёки нейтрал (холис) сифатлар деб бир неча турга ажратиш мумкинми? Йўқ. Гап шундаки, ҳатто

энг оддий бирор касб тўғрисида гап кетганда ҳам касбий жиҳатдан ягона ва шубҳасиз қимматли фазилатлар тўғрисида гапириб бўлмайди. Мисол учун, кўп станокчи-тўқувчилар касбини олиб кўрайлик. Уларнинг бир хиллари тез ҳаракат қилиш ҳисобига юксак натижаларга эришадилар, бошқалари эса эҳтиёткорлик, пухта ишлаш, ишнинг кўзини билиш ҳисобига ютуққа эришадилар, учинчи бир хиллари, эса ишни бир маромда, бир хил суръатда ташкил этиш ҳисобига муваффақиятга эришадилар. Ходим қанчалик малакали бўлса, у ўзининг кучли томонларидан шунчалик кўпроқ, максимал даражада фойдаланади ҳамда ўзининг заиф томонларини енгиб, ҳар хил воситалар билан уларнинг ўрнини қоплайди. Натижада ишда такрорланмас индивидуал услуб вужудга келади. Шунинг учун ҳам: "Иш устасидан кўрқар" - деган доно мақол тўқилган.

Одамнинг ўз касбига яроқли эканини қуйидаги асосий фазилатларига қараб белгиланади: фуқаролик фазилатлари (масалан, ватанпарварлик, жамоатчилик, умумий фойда учун меҳнат қилиш эҳтиёжи ва б.); меҳнатсеварлик, меҳнатга ҳалол муносабатда бўлиш, мазкур соҳадаги фаолиятга нисбатан ижобий қизиқиш ва майлларнинг мавжудлиги, ақл-идрокнинг кенг ва теранлиги, пухталиқ, интизомлиқ, ўз-ўзини назорат қилишнинг ривожланганлиги, ташаббускорлик, саломатлигининг яхшилиги ва бошқа шунга ўхшаш сифатлар махсус қобилиятлар (масалан, пианино ва роялларни созловчи киши учун мусиқани тинглай олиш қобилиятининг яхши ривожланган бўлиши, етакчи учун кўпчилик билан мулоқотга киришиб, тезда тил топишиб кета олиш қобилияти зарур ва ҳ.). Ўз касбингизга яроқлилик учун зарур бўладиган айрим фазилатларни ўзингиз мунтазам равишда шакллантириб боришингиз мумкин ва лозим.

Биз ҳозир "одам - касб" формуласидаги ўзаро алоқадорликнинг бир томонини қараб чиқдик. Энди одам учун касбнинг ўзи яроқсиз бўлиб қолиши мумкин бўлган ҳолат тўғрисида гаплашамиз. Буни қуйидаги мисолни кўриб қараб чиқиш орқали тушунтириш мумкин. Конструкторлар кудратли юк кўтариш машинаси яратдилар, лекин буни қарангки, бу машинани бошқариш жуда оғир экан (тушириш, тормозлаш, тўхтатиш ричагини босиш, уни бир жойдан иккинчи жойга суриш учун ҳаддан ташқари катта жисмоний куч талаб қилинар экан). Бундай ҳолда кишининг, масалан, аёл кишининг бу машинада машинист бўлиб ишлаши бу касбга лойиқ эмаслиги тўғрисида гапириб ўтирмаса ҳам бўлади, машинани бошқариш усулини ўзгартириш керак бўлади.

Юқорида айтилганлардан шундай хулоса келиб чиқадики, одамнинг касбига яроқлилиги ўзгарувчан омилдир. Касбга яроқлиликни шакллантириш - бу фақат одамдаги муайян фазилатларни (масалан, ўз-ўзини тарбиялаш воситалари билан) ривожлантиришдангина иборат бўлиб қолмай, шу билан бирга меҳнат шароитини, ишлаб чиқариш воситаларини ўзгартиришни ҳам тақозо этди.

IV. Янги ўтилган мавзунини мустаҳкамлаш ва баҳолаш:

1. Касб танлаш вақтида нима учун саломатликни ҳисобга олиш керак?
2. Организм учун қандай ишлаб чиқариш омиллари ноқулай омиллар ҳисобланади?
3. Кишининг касбга яроқлилиги тўғрисидаги унинг қандай фазилатларига қараб баҳо бериш мумкин?
4. Касбга яроқлиликнинг қандай турларини биласиз?
5. Сиз ўзингиз танлаган касб учун қандай фазилатларни муҳим деб ҳисоблайсиз?
6. Сиз танлаган касбдаги мутахассислар қандай меҳнат шароитида ишлайди?

V. Дарсни яқунлаш ва уйга топшириқ бериш.

3-машғулот.

Мавзу: Ўзбекистонда узлуксиз таълим тизими. Академик лицейлар ва касб-хунар коллежларининг йўналиши, уларнинг бир-биридан фарқи, умумий томонлари. Ўқувчи ёшларни касб-хунарга йўналтириш тизими

Ўқитувчига методик тавсия

Бунга ўхшаш мавзу юқорида, яъни "Кадрларни тайёрлаш, малакасини ошириш йўналишлари, тартиби ва стандартлари" деб номланган машғулотда қисман кўриб чиқилган.

Мазкур мавзунинг ўқишда ўша ўтилган мавзуларни такрорлаш, унда айтилмай қолган маълумотларни айтиш зарур бўлади.

Мазкур машғулотни ташкил этишнинг яна бир кўриниши - ўқувчиларни бирор академик лицей ёки касб-ҳунар коллежига саёҳатга олиб бориш, у жойдаги фан хоналарини кўриш, ўқувчилар ва ўқитувчилар билан учрашиш, суҳбат ўтказишдан иборат.

Бу ҳолда ҳам ўқувчиларнинг тўплаган материалларини ва таассуротларини ўрганиш мақсадида уларга юқорида олиб борган ишлари бўйича эркин мавзуда реферат, иншо, ҳикоя каби ёзма ишларни бажаришни таклиф этиш мақсадга мувофиқдир.

4-машғулот.

Мавзу: Амалий мустақил ишлар: Касбларни таснифлаш бўйича топшириқлар бажариш. Танланган касб-ҳунар турини эгаллашда инсон саломатлигига қўйилган талаблар ҳақида реферат тайёрлаш

Ўқитувчига методик тавсия

Бу мавзу ҳам умумий кўринишга эга бўлиб, ундан кўзланган мақсад ўқувчиларнинг касбларнинг турлари ва таснифи бўйича олган билимларини аниқлаш ва мустаҳкамлашдан иборатдир. Шу билан бирга танланган касбни ўша инсон саломатлигига, лаёқатига мос келиш-келмаслигини таҳлил қилишни ўргатишдир. Шу мақсадда ўқитувчи муайян шароитдан келиб чиқиб, ўқувчиларга яшаш жойлари атрофларида жойлашган корхоналар, фермер хўжаликлари ва бошқаларда мавжуд бўлган касбларни ўрганишни, у жойларда ишлаётган ишчи-мутахассислар билан учрашиб, суҳбатлашишни вазифа қилиб топшириши мумкин.

Ўқувчиларнинг тўплаган материалларини ва таассуротларини ўрганиш мақсадида уларга юқорида олиб борган ишлари бўйича эркин мавзуда реферат, иншо, ҳикоя каби ёзма ишларни бажариш таклиф этилади.

5-машғулот

Мавзу: Касб танлашга доир режа тузиш. Касб танлашдаги хатолар ва қийинчиликлар

Дарснинг мақсади:

1) *таълимий* - ўқувчиларга касбга доир режа тузишни ўргатиш, касб танлашда йўл қўйиладиган хатоларни тушунтириш;

2) *тарбиявий* - ўқувчиларда ўзларининг касбий жиҳатдан муҳим сифатларини баҳолашда ўзини ўзи танқид қила олиш ва касб танлашга объектив ёндошиш хислатини тарбиялаш;

3) *ривожлантирувчи* - ўқувчиларнинг касбга бўлган қизиқишини ривожлантириш, уларни тўғри касб танлашга ўргатиш.

4) *ижодий-ўқувчиларга* касб танлашга доир режа тузишни ва касб танлашдаги хатолик ва қийинчиликлар тўғрисида билимлар бериш, мустақил тарзда ўрганишларига эришиш.

5) *амалий-ўқувчиларни* мустақил ва эркин ҳолда касб танлашларига ўргатиш.

Касбга йўналтирувчи мақсад: ўқувчиларни касб танлашда ўз имкониятларини тўғри ҳисобга олишни ўргатиш.

Дарснинг вазифалари:

- ўқувчиларга ўзларининг касб танлаш режасини таҳлил қилиш кўникмасини шакллантиришда кўмаклашиш;

- ўқувчиларни касбларни онгли равишда танлашга йўналтириш.

Дарс тип: янги билимлар бериш.

Дарс тури: назарий.

Дарсда қўлланиладиган ўқитиш методлари: маъруза, тушунтириш, суҳбат, тақдирот, баҳс-мунозара, савол-жавоб.

Фанлараро боғланиш: ишлаб чиқариш соҳалари.

Дарс жиҳози: тарқатма рнтериаллар, компьютер, проектор, экран, слайдлар ва бошқа кўргазмалар.

Дарснинг бориши:

И. Ташкилий қисм.

ИИ. Ўтилган дарсни сўраш ва баҳолаш.

ИИИ. Янги мавзунини баён қилиш.

Режа:

1. Касбга доир режа тузиш.

2. Касб танлаш вақтидаги **хатолар**.

3. Касб танлашдаги қийинчиликларнинг асосий сабаблари.

Биз юқорида сизлар билан бир қатор касблар, айрим касб эгаларининг фаолиятлари билан танишдик. Энди сиз ўз меҳнат фаолиятингизни яқин келажакда ва узоқ истиқболда қандай тасавур этишингизни қоғозга туширишга, яъни шахсий касбга доир режангизни тузиб чиқишга ҳаракат қилинг. Албатта касбга доир режанинг ягона бир шаклини тавсия этиш қийин — унинг мазмуни ҳам, тузилиш йўли ҳам кишининг ақл-идрокига, унинг умумий билим савиясига, эътиқоди ва бошқа кўп нарсаларга боғлиқ бўлади. Шунинг учун биз мана шу айтилган омилларнинг фақат энг асосийси устида - режада, албатта, кўрсатилиши шарт бўлган омил тўғрисида тўхталиб ўтамиз. Кўзда тутилган асосий мақсад режанинг негизини ташкил этиши керак, яъни унда нима иш билан шуғулланиш, кирн бўлиб этишиш, умумхалқ ишига қандай ҳисса қўшиш, бу ишда кимларга тенглашиш ўз аксини топмоғи керак. Шундан кейин мазкур мақсадга эришмоқ учун ҳар бир киши ўз имкониятларига: қизиқишлари, майллари ва қобилиятларига, саломатлигига, иродавий сифатларига реал баҳо беришга ҳаракат қилиб кўриши зарур. Касбга доир режа тузиш. вақтида мақсадга еришиш йўллари ва воситаларини: ўз кучини қаерда ва қандай қилиб синаб кўриш мумкинлигини, керакли маълумотаи қайси ўқув юртларида олиш мумкинлигини, касб маҳоратини қандай қилиб ошириш мумкинлиги ва ҳоказоларни белгилаб олиш керак.

Ўз мақсадингизга етишиш йўлида учраши мумкин бўлган қийинчиликларни ҳам олдиндан кўра билиш керак, бу беҳуда изтироб чекишнинг олдини олиш ва мабодо зарур бўлиб қолса, танланган касбни бошқаси билан алмаштириш имконини беради. Шунинг учун бир нечта заҳира кўринишларни ҳам назарда тутиш мақсадга мувофиқдир.

Касбга доир режада кишининг ўз-ўзини тарбия қилиш дастури: касбга оид муҳим бўлган қандай фазилатларни шакллантириш ва ривожлантириш, ўз соғлигини қандай қилиб мустаҳкамлаш мумкинлиги ва бошқа шу сингари тадбирлар ҳам ўз ифодасини топиши керак. Ўз билиминини мустақил ошириб бориш - ўз устида ишлаш масалаларига ҳам: қандай адабиётни ўқиш, қандай тўғаракларда ёки қизиқиш бўйича тузилган гуруҳларда шуғулланиш, қандай кўргазмаларни бориб кўриш сингари масалаларга ҳам алоҳида эътибор бериш лозим. Шундай қилиб, ўзингиз кўриб турганингиздек, шахсий касбга доир режалар яхши ва-ҳар томонлама ўйланган бўлиши керак, улараи тузиш вақтида ҳар бир киши мустақиллик кўрсатиши ва масъулий ами ҳис етиб туриши лозим.

Тузилган касбга доир режага вақт-вақти билан мурожаат қилиб туриш керак бўлади. Қизиқишлар чуқуришиб, касб тўғрисидаги билимлар ортиб, амалий фаолият соҳасида муайян тажриба тўпланишига қараб режа ҳам ўзгариб бориши, у анча реал режага айлантирилиши мумкин.

Касб танлаш вақтдаги хатолар ва қийинчиликларнинг асосий сабаблари. Тўғри танлаш - бу осон ишлардан эмаслигини энди ўзингиз ҳам биласиз. Демак, касбни шундай танлаш керакки, келгусида бажарадиган ишингиз ўзингизда қониқиш ҳосил қилсин ва жамиятга фойда келтириш. Қуйида биз касб танлаш вақтида ҳаммада кўпроқ учраб турадиган хатоларнинг сабаблари устида муфассалроқ тўхталиб ўтамиз. Бирданга юксак ёки олий малакали касбни назарда тутиб иш кўриш. Ҳар қандай фаолият соҳасида

махоратнинг дастлабки босқичларидан муваффақиятли ўтган кишилар меҳнатда юксак натижаларга эришадилар. Масалан, кимки дастлаб ишчи, бригадир бўлиб ишлаган бўлса, у яхши инженер бўлиб этишиши мумкин; кимки ўз вақтида тиришқоқ бўлган бўлса ва ишининг барча нозик томонларини билса, ўша киши яхши раҳбар бўлиши мумкин. Сиз Ибн Сино, А.Темур, А.Навоий, З.Бобур каби алломаларимизни, ўз маҳаллангиздаги айрим машхур кишиларнинг номларини яхши биласиз. Лекин улар ўз ҳаёт йўлларини шогирдликдан, машаққатли меҳнат фаолиятидан бошлаганликларини ҳам биласизми? Бундай мисоллами кўплаб келтириш мумкин. Мана шунинг учун ҳам сизнинг ҳар бирингиз келгусида ўз ишининг ҳақиқий устаси бўлган кишилар бўлиб этишиш учун ўз меҳнат фаолиятингизни нимадан бошлаб тўғрисида жиддий ўйлаб кўрмоғингиз керак.

"Шериклардан орқада қолмаслик учун" касб танлаш. Мактабни битирган болаларнинг кўпчилик қисми ўртоқлик ёки дўстлик принципи бўйича касб танлайдилар, фақат бирга бўлишни мақсад қилиб ўқишга, ишга кирадилар. Хўш, бу яхшими ёки ёмонми? Агар дўстларнинг қизиқишлари, майллари, қобилиятлари бир хил касб соҳасидаги фаолиятга мос келиб қолган ҳолларда бу яхши, албатта. Лекин уларнинг бирортаси "шериклари шу касбни танлагани учун" бундай қилган бўлса, у ҳолда ёмон, албатта. Бундай ҳолларда одатда киши афсусланиб қолади ва орадан узоқ вақт ўтгач, баъзан эса машаққатли сарсонгарчиликдан кейин дастлабки танлаган касбини ўзгартиришга мажбур бўлади. Албатта, бирор жойда ўртоғинг билан ёнма-ён ишлашга нима ецин. Лекин ҳар бир киши ўз меҳнат йўлини танлар экан, энг аввало, шу касб, мен ишлай оладиган соҳамикан, бу ишни еплай олармикиман, шу касбга мос келармикиман, шу соҳада ишласам қандай натижаларни қўлга киритаркиман? - деган саволлар тўғрисида ўйлаб кўрмоғи керак.

Бирор касб эгаси бўлган кишига қаратилган муносабатни касбнинг ўзига кўчириш. Кўпинча шахсан бир кишига иззат-ҳурматда бўлиш ёшларда шу кишининг касбини егаллаш истагини пайдо қилади. Хўш, шундай қилиш тўғрими? Йўқ, ҳар доир ҳам шундай қилиш ўзини оқлайвермайди. Масалан, сизга ўртоғингизнинг катта акаси жуда ёқади. У ақлли, зукко, қувноқ ва епчил йигитнинг касби геолог ва сиз ҳам бир ишда унга ўхшашга ҳаракат қиласиз ва ўзингиз ҳам геолог бўлмоқчисиз, Эҳтимол, бундай қилиш, яъни геолог бўлиш ёмон емасдир. Бироқ, бир одамга тақлид қилиб, ўшанга ўхшаган киши бўлиш орзусини касб танлаш учун етарли даражадаги асос деб ҳисоблаб бўлмайди. Бу ерда энг аввало геолог меҳнатининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олмоқ керак. Бу эса анча қийин ишдир. Геолог узоқ муддат зўр машаққат чекиб қидирув, кузатиш ишларини олиб боради, ўз уйидан узоқда бўлган жойларда ойлаб қолиб кетиб ишлашга, ишлаганда ҳам баъзан ниҳоятда оғир иқлим шароитларида ишлашга, ниҳоятда нозик ўлчаш, ҳисоблаш ишлари билан шуғулланишга, битта қидирув ишини ҳар хил жойларда такрорлашга тўғри келади. Худди мана шу иш шароитини унутмаслик, касб танлаётганда энг аввало у ёки бу касб вакилига бўлган шахсий ҳурмат-еҳтиромгагина асосланмасдан, энг аввало, ўша касбнинг юқорида айтилган ўзига хос хусусиятларига асосланиш керак.

Касбнинг фақат ташқи ёки хусусий бир томонига қизиқиш. Сизларнинг кўпчилигингиз, масалан, учувчилик касбини кўпинча жасоратлар билан, одатдан ташқари катта тезликда парвоз қилиш билан, қахрамонона қидирув экспедициялари билан боғлиқ ҳолда тасаввур қиласиз. Учувчининг кундалик меҳнатига хос бўлган хусусиятлар тўғрисида жуда оз нарса биласиз, албатта. Учувчи, энг аввало, ўзини қатъий режимга бўйсундира олиши, узоқ муддат давом етадиган асосий нагрузкаларга чидамли бўлиши зарур, авария ҳолатига тушиб қолган кезларда ўзини йўқотиб қўймаслиги, ўзига ишониб топширилган техникани аъло даражада билмоғи лозим. Шунинг учун касб танлашга жиддий муносабатда бўлиш ўша касб тўғрисида ҳар томонлама билимга эга бўлишни тақозо этади.

Ўқув предметини касбга тенглаштирилиши. Ҳар бир ўқув предмети заминда жуда катта ва кўп миқдордаги муайян ишлар ётади ва касб танлаётганда бунинг унутмаслик керак. Масалан, агар сиз адабиёт фанига қизиқсангиз ва ўзингизнинг бутун ҳаётингизни шунга бағишлаш" истасангиз, у ҳолда сиз мазкур предмет заминда қандай реал касблар, машғулотлар туришини билиб олмоғингиз керак. "Умуман адабиётчи" деган тушунча

бўлмайди, балки адабиёт ўқилувчиси, газетанинг адабий ходими, нашриёт редактори, тадқиқотчи-адабиётшунос, кутубхона китоб фондининг ходими, кутубхоначи, библиограф ва бошқа шунга ўхшаш касблар мавжуд. Сиз мазкур касб вакилларининг меҳнати билан муфассал танишиб чиққанингиздан кейин, еҳтимол, адабиётга бўлган муҳаббатингиз - бу фақат шунчаки китобхон қизиқиши экан, деган хулосага келишингиз мумкин. Бу қизиқиш юқорида санаб ўтилган касблардан бирортасини реал тарзда егаллаб олиш билан мутлақо боғлиқ бўлмаслиги мумкин, Ҳар қандай касбдаги киши ҳам китобни севиши, ўзининг бўш вақтларида китоб ўқиши мумкин ва лозим. Агар сиз математикани севсангиз, яна бари-бир тегишли ўқув юртини тамомлаганингиздан кейин ушбу ўқув предмети билан қандай машғулотлар боғлиқ бўлиши тўғрисида ўйлаб кўрмоғингиз керак. Жумладан, бу соҳадаги кишилар ҳисобловчи-дастурчи, математика ўқитувчиси, инженер, илмий ходим бўлиб ишлашлари мумкин.

Моддий ишлаб чиқариш соҳасидаги меҳнатнинг характери теъғрисидаги эски тушунчалар. Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш даврида кўпгина касблар бўйича меҳнатнинг мазмуни тез ўзгариб бормоқда. Касблар, айниқса, ишчи касблар моддий жиҳатдан мураккаб техника билан қуролланмоқда. Бу эса меҳнат унумдорлигини ва меҳнат маданиятини анча юксак даражага кўтаради. Ишчилар меҳнати кўл меҳнатида, жисмоний меҳнатдан, куч ишлатадиган меҳнатдан тобора кўпроқ озод бўлиб бормоқда. Шунинг учун ишчи фан асосларини, техникани, технологияни, иқтисодни ва ишлаб чиқаришни ташкил этишни билиши, бу соҳада яхшигина илм олган бўлиши керак. Мана, фақат биргина мисол. Ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштириш, поток автомат линиялар, рақамли дастур билан бошқариладиган станоклар, робот техникаси мажмуаларининг жорий этилиши таъмирловчи чилангар (ремонтчи-слесар) меҳнатининг характерини сезиларли даражада ўзгартириб юборди. Автомат линиялар ва агрегат станокларининг созловчилари эндиликда айрим станокларни эмас, балки хилма-хил машиналардан иборат мураккаб мажмуани созлаб ишга туширишлари керак. Бу улар меҳнатини инженер меҳнатига яқинлаштиради (албатта, ишчи ўз устида ишласа, ишлаганда ҳам доимий равишда ишлаб, ўз малакасини муттасил ошириб борган тақдирдагина шундай бўлади). Амалий жиҳатдан олганда, вақти келиб барча касблар ҳам ўз қиёфасини ўзгартиради. Гоҳо шундай ҳам бўладики, касбнинг номи эскича қолгани билан унинг мазмуни мутлақо янги касб меҳнати характерига эга бўлади. Мана шунинг учун ҳам касбнинг айна ҳозирги замон қиёфаси тўғрисида имкони борича кўпроқ билимга эга бўлишга ҳаракат қилиш лозим.

Касб танлаш вақтида ўзининг жисмоний хусусиятларини, муҳим камчиликларини билмаслик ёки уларга йетарли баҳо бермаслик. Сиз биласизки, организмнинг у ёки бу хусусиятлари туфайли соғлиғи унча яхши бўлмаслиги сабабли кишига бир қатор касблар тўғри келмаслиги мумкин. Бунда ўша одам касбни егаллаб олишга қодир бўлмаганлиги учун эмас, балки ўша касбда ишлаш унинг соғлиғига ёмон таъсир қилиш мумкинлиги учун ҳам унга шу касб тўғри келмайди.

Ўз қобилиятларини ва касб танлаш сабабҳими яхши билмаслик. Ўз-ўзини, ўз шахсий хусусиятларини билиш, ўз қобилиятларига реал баҳо бера олиш мураккаб вазифадир. Уни қандай қилиб яхшироқ амалга ошириш мумкин? Биринчидан, киши ўз қобилиятларини ўрганишга уриниб кўриши керак. Иккинчидан, мана шу қобилиятларини ўзининг бўлажак касби талаблари билан таққослаб кўриши керак. Ўз қобилиятларини бўрганиш билан чекланиб қолмай, уларни турли йўналишдаги фаолиятда синаб кўрмоғи лозим, Бунда хулоса чиқаришга шошилмаслик керак. Бинобарин шуни эсда тутиш керакки, ҳар қандай касбни егаллаш ва унда ишлаш ақлий ва жисмоний меҳнациз, ирода кучини сарф қилмасдан туриб амалга ошмайди; ҳар қандай касбда ишлаш ҳам ўзига хос бўлиб, бунда сабр-тоқатли бўлишни, зўр бериб ишлашни, мураккаб, қутилмаган вазиятлардан йўл топиб чиқиб кетиш учун ҳаракат қилишни, уринишни талаб қилади.

Дарсни яқунлаш.

1. Янги ўтилган мавзунини мустақамлаш ва баҳолаш.

1. Касбга доир режа деганда сиз нимани тушунасан?

2. Касбга доир режа тузиш вақтида қандай талабларга амал қилиш шарт.
 3. Касб танлашда қандай сабаблар хатоларга олиб келади?
 4. Сиз ўз меҳнат йўлингизни белгилаб олиш вақтида қандай қийинчиликларга дуч келмоқдасиз?
2. Уйга вазифа бериш ва иш жойини йиғиштириш.

6-машғулот

Мавзу: Касбни тўғри танлашнинг моҳияти ва истиқболи. Касб танлашда шахс, шахсий қизиқиш, мойиллик ва қобилиятларни эътиборга олиш

Дарснинг мақсади;

- 1) таълимий- ўқувчиларга касбни тўғри танлаш моҳияти ва истиқболи ҳақида, касб танлашда қизиқиш, мойиллик ва қобилиятлар тўғрисида маълумотлар бериш;
- 2) тарбиявий- ўқувчиларни тоғри танланган касб фаровон ҳаёт манбаи эканлигини англаш руҳида тарбиялаш;
- 3) *ривожлантирувчи* - ўқувчиларни касбларнинг аҳамияти ва келажагини таҳлиллар асосида ўрганишга қизиқтириш.
- 4) ижодий- ўқувчиларни касб танлашнинг моҳияти ва истиқболи, касб танлашда шахсий қизиқиш ва мойилликларини, қобилиятни аҳамияти тўғрисида мустақил ўрганишларини ташкил этиш.
- 5) амалий- ўқувчиларга тўғри танланган касб келажак учун зарурлиги тўғрисидаги маълумотларни бериш.

Касбга йўналтирувчи мақсад: ўқувчиларни касб танлашда ўз имкониятларини тўғри ҳисобга олишни ўргатиш.

Дарснинг вазифалари:

- ўқувчиларга касбни тўғри танлашнинг моҳияти ва истиқболи тўғрисида маълумотлар бериш;
- касб танлашда шахс, шахсий қизиқиш, мойиллик ва қобилият тушунчалари билан таништириш; .

Дарс типи: янги билимлар бериш.

Дарс тури: назарий.

Дарсда қўлланиладиган ўқитиш методлари: маъруза, тушунтириш, суҳбат, тақдирот, баҳс-мунозара, савол-жавоб, "Зинама-зина".

Фанлараро боғланиш: ишлаб чиқариш соҳалари ва барча умумтаълим фаналари.

Дарс жиҳози: тарқатма материаллар, компьютер, проектор, экран, слайдлар ва бошқа кўргазмалар.

Дарснинг бориши:

I. Ташкилий қисми.

II. Ўтилган дарсни сўраш ва баҳолаш.

III. Янги мавзунини баён қилиш.

Режа:

1. Касбни тўғри танлашнинг моҳияти ва истиқболи.
2. Касб танлашда шахс, шахсий қизиқиш, мойиллик ва қобилиятларни эътиборга олиш.

Бугунги кунда мамлакатимизда юз бераётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг қабул қилиниши ўқувчи ёшларни касб танлашга йўналтириш тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш вазифаларини қўймоқда. Касб танлашга йўналтириш тизимини такомиллаштириш иш ўринларини бўшаб қолиш жараёнлари жадаллашадиган ва ишчиларнинг малакаларига қўйиладиган сифат талаблари ошиб бораётган бозор иқтисодиёти шароитида янада муҳим аҳамият касб этади.

Аҳолини рационал ва самарали бандлигини таъминлашдаги касб-хунарга йўналтиришнинг асосий роль шундан иборатки, ёшлар ва аҳоли томонидан касбнинг онгли ва илмий асосланган танлови уларни меҳнат фаолиятида юқори натижаларга эришишга

замин яратади, иқтисодиёт соҳаларидаги касб-хунарларга бўлган мавжуд эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда меҳнат ресурсларини оқилона тақсимлайди ҳамда инсонларнинг иш қидириш, таълим ва касбий фаолият турини танлашларидаги зўриқиш ҳолатларини олдини олишга ёрдам беради.

Касбга йўналтириш-бу ҳар бир шахснинг ўзига хос индивидуал хусусиятлари ва меҳнат бозорининг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, ўз касбий ўрнини топиши учун шахсга таъсир этишнинг илмий асосланган шакл, усул ва воситалар тизимидир. У инсоннинг касбий қизиқиши ва имкониятлари ҳамда жамиятнинг аниқ бир касбий фаолият турига эҳтиёжларининг мутаносиблигига эришишга йўналтирилган.

Касбга йўналтириш-моҳият ва самарадорликни баҳолаш кўрсаткичларига кўра ижтимоий-иқтисодий категориядир. Касбга йўналтириш ҳал этиш вазибалари бўйича ижтимоий-иқтисодий, тиббий-физиологик ва психологик-педагогик моҳиятга эга муаммодир. Касбга йўналтириш инсоннинг қобилияти ва иқтидорини мақсадли ривожлантиришда, билимнинг касб маҳорати, иш қобилияти ва саломатлигини асрашга имкон яратади ҳамда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва бандлиги соҳасидаги давлат сиёсатининг муҳим элементларидан бири сифатида намоён бўлади. Касбга йўналтириш шахснинг меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланиш, унинг ижтимоий ва касбий фаоллигини ошириш ҳамда мажбурий ишсизликни олдини олишда муҳим рол ўйнайди. Касбга йўналтириш тадбирлари инсон томонидан ўз касбий малакасини оширишнинг қулай шакллари излаш, ижтимоий-иқтисодий ташаббускорлик, интеллектуал ва меҳнат мустақиллигини ривожлантиради.

Ёш авлодни онгли равишда касб танлашга тайёрлашга, унинг ҳар томонлама ва баркамол ривожлантиришнинг шарт-шароити сифатида қаралади. Бу шахснинг маънавий, ақлий, меҳнат, естетик ва жисмоний тарбияси, яъни барча ўқув-тарбия жараёни билан узвий бирликда амалга оширилади.

Касбга йўналтириш қуйидаги қисмларни ўз ичига олади:

Касбий ахборот, касбий маслаҳат, касбий танлов ва саралаш, касбий мослашиш.

Касбий ахборот - маълум бир касбни егаллаш ҳоҳиши бўлган шахсга, турли мутахассисликларни егаллашнинг шакл ва шароитларига, касбий малакаларнинг ўсиш имкониятларига, меҳнат бозорининг ҳолати ва эҳтиёжига, касбий қизиқишларинг шаклланишига, шахснинг истак ва кўникмаларига қўйилган талаблар ҳамда замонавий касбларнинг истиқболи ва мазмуни тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, тарғибот қилиш чора-тадбирларидир.

Касбий маслаҳат - касб танлаш, касбни ёки фаолият турини ўзгартиришда ёрдамга муҳтож бўлган шахснинг индивидуал-психологик хусусиятлари, шахсий фазилатлари, касбий қизиқишлари, мойиллиги, соғлиги ва меҳнат бозори эҳтиёжларини ўрганиш асосида психолог-маслаҳатчи билан "илмий ташкил этилган ўзаро мулоқот тизимидан иборат.

Касбий танлов ва саралаш - касбий фаолиятнинг алоҳида турларига яроқлилик даражасини аниқлашга йўналтирилган шахснинг психофизиологик хусусиятлари (танлаш) ёки аниқ бир касбга бўлган психофизиологик меъёрий талаблар (саралаш) асосида шахсни ҳар томонлама ўрганиш тизимидир.

Касбий мослашиш - ишлаб чиқаришда касбий фаолиятнинг ижтимоий-психологик ва ташкилий-техник шароитларига шахсни мослаштиришга, уни мувоффақиятли равишда касбни егаллаши учун шарт шароитларни яратишга йўналтирилган чораламинг комплекс тизимидир.

Профессиография (ахборот, ташхис, коррексияловчи, шакллантирувчи) ва касбий ташхис (шахсни ОТганишнинг психологик, психофизиологик, тиббий ва бошқа усуллариинг мажмуи) касбга йўналтиришнинг ахборот услубий кетма-кетлигининг асоси ҳисобланади.

Шахсни касбга йўналтириш тизимини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- касб-хунарга йўналтиришнинг давлат тизимини ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, услубий-ахборот, моддий-техник ва молиявий имкониятларини ривожлантириш, фаолиятнинг илмий-методик ва меъёрий ҳужжатлар билан таъминланганлигига эришиш;
- давлат ва худудлар босқичида касб-хунарга йўналтириш тизими тузилмалари фаолиятини бошқаришни такомиллаштириш;
- касб-хунарга йўналтириш тизими фаолиятига комплекс ёндошиш, унинг ижтимоий-иқтисодий йўналганлигини кучайтириш;
- касбга йўналтириш хизматини амалга оширувчи давлат тизимини мустаҳкамлаш ва нодавлат ташкилотлар тизимини ташкил етиш;
- касбга йўналтириш соҳаси мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакаларини ошириш;
- ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган меъёрлар ва стандартлар мажмуасини ишлаб чиқиш, касб-хунарга йўналтириш ишларининг шакл ва усулларини доимий янгилаб бориш;
- ўқувчи-ёшларни касб-хунарга йўналтириш тизимини ривожлантириш Концепциясини амалга ошириш учун зарурий ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, амалдаги қонунчилик актларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар киритиш;
- касбга йўналтириш соҳасида тажрибалар алмашиш мақсадида халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш;
- амалдаги таълим тизими бўлинмаларида, ёшларнинг ижтимоий хизмат, давлат бандлик хизмати, ишлаб чиқариш ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ташкилотларида касб-хунарга йўналтириш ишларини ташкил қилиш, кенгайтириш ва такомиллаштиришда фаол иштирок етиш;
- касб-хунарга йўналтириш ишлари билан банд бўлган мутахассисларнинг меҳнат самарадорлигини ошириш, уларнинг моддий ва маънавий манфаатдорлигини оширишнинг амалий шакллари жорий етиш.

Касб-хунарга йўналтириш ишларини ривожлантиришнинг асосий босқичлари куйидагича:

Биринчи босқич (мактабгача таълим ёши) - мактабгача таълим ёшидаги болаларда (катта гуруҳ) меҳнат билан банд бўладиган инсонларга, уларнинг рнашғулотларига, шунингдек қўлларидан келадиган фаолият турлари бўйича дастлабки меҳнат кўникмаларини ижобий, ҳиссий-таъсирчан шакл лантириш;

Иккинчи босқич (1-4 . синфлар) - кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда билишга оид ва ўйин кўринишидаги ижтимоий-фойдали меҳнат фаолиятини амалга тадбиқ қилиш орқали, меҳнатга ҳурмат, унинг инсон ҳаётида ва жамиятда тутган ўрнини англашини, оналарининг касбларига ҳамда оммавий касбларга бўлган қизиқишини ривожлантириш;

Учинчи босқич (5-7 синфлар) - ўсмирларда касбий йўналганлик бўйича касб танлаш ва жамиятдаги ўз ўрнини топиш билан боғлиқ бўлган қизиқиши. қобилияти, ижтимоий кадриятларнинг изланувчан-синчков кўринишларини шакллантириш;

Тўртинчи босқич (8-9 синфлар) - ўқувчиларда касбий ўзликни англашни шаклланиш даври, яъни ўқувчиларни аниқ бир касбни танлашнинг шахсий маънога эгалигини тушуниб этиши, кадриятлар тўғрисидаги ўз тасаввурларини, фаолият соҳасини танлашнинг жамият мақсадлари билан қиёслаб олишини шакллантириш даври;

Бешинчи босқич (академик лисей ва касб-хунар коллежларининг биринчи курс ўқувчилари) - ижтимоий-касбий мақомни аниқланиш, яъни аниқ бир меҳнат фаолияти соҳасидаги билим ва кўникмалар ҳақида ҳар тарафлама тасаввурларни шакллантириш, уларни ўзлаштиришга киришиш, ишлаб чиқариш меҳнат жамоасининг тартиб-қоида ва кадриятларига қўшилишни шакллантириш даври;

Олтинчи босқич (касб-хунар коллежларининг охириги курс ўқувчилари, олий ўқув юртлари талабалари)-касбий фаолиятга киришиш. Бу касбий фаолиятга жиддий тайёргарлик ҳамда меҳнат жамоасидаги иш ва тажрибанинг шаклланиш даври.

Еттинчи босқич (катта ёшдаги меҳнат билан банд бўлган одамлар, ишсизлар) - шахсий имкониятлар ва олдинги касбий-ижтимоий тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда, зарурат бўлганда бошқа касбий фаолиятга қайта йўналтириш.

Қизиқиш ва майллар. Қизиқиш деганда одамнинг у ёки бу предметга қаратилган актив билиш фаолияти тушунилади. Касб танлашга нисбатан олганда қизиқишлар бу одамнинг муайян меҳнат соҳасига ижобий муносабати, унинг билишга ва фаолият кўрсатишга бўлган интилишидир.

Қизиқишлар ўзининг мазмуни, кўлами, узоқ давом этиши ва теранлигига қараб бири-биридан фарқ қилади. Қизиқишларнинг мазмуни ва кўлами одамнинг билим старажасини ҳамда ҳар нарсага қизиқувчанлигини акс эттиради. Қизиқишларнинг теранлиги ва узоқ вақт давом этиши уларнинг барқарорлигини кўрсатади.

Қизиқишлар ўз тараққиёти мобайнида бир нечта босқичдан ўтади. Дастлаб улар вақтинча, эпизодик характерда бўлади ҳамда муайян бир предметга нисбатан ижобий муносабатда намоён бўлади. Бундай қизиқишлар ривожлантириб борилмаса, улар тез орада сусайиб кетади ёки мутлақо сўнади. У ёки бу предметнинг чуқур ва мунтазам равишда ўрганиб борилишига, меҳнат фаолиятининг қизиққан соҳасига синчковлик билан киришиб кетилишига қараб қизиқишлар мустаҳкамланиб, кучайиб бориши ва аста-секин барқарор қизиқишга айланиб қолиши мумкин (8-шакл). Бундай қизиқишлар кўпинча ўсиб, улғая бориб, майлга-кишининг муаян фаолият билан шуғулланишга бўлган интилишига ҳамда мазкур фаолият турига мувофиқ келадиган маҳорат ва малакаларни такомиллаштириб, доимий равишда ўз билимини ошириб бориш учун интилишига айланади.

Қобилиятлар. Булар қизиқиш ва майллар билан маҳкам боғлиқ бўлади ҳамда одамнинг касбга лаёқатини кўрсатувчи белгиларнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Хўш, қобилиятнинг ўзи нима? Одамнинг бирор фаолият соҳасида муваффақият қозонишига ёрдам берадиган ҳар қандай индивидуал психологик хусусиятни қобилият деб ҳисоблаш мумкин. Қобилиятни фақат билим ва малакалардан иборат деб ҳисоблаб бўлмайди. Масалан, агар одам ҳидларнинг бир-биридан фарқини яхши билса ва уларни есда сақлаб қола олса, у ҳолда бундай фазилат химик учун, дегустатор учун, ошпаз ва бошқа шунга ўхшаш касбдаги кишилар учун жуда зарур бўлган қобилият ҳисобланади. Башарти, кишининг хотирасида жуда кўп рақамлар, ҳарфлар, сўзлар ёки ташқи аломатлар яхши (ниустаҳкам) сақланиб қоладиган бўлса, у киши мана шу ўз хотирасидаги маълумотларни керак пайтда ишлата олса, у ҳолда бу ҳам жуда зарур фазилат, математика, дастурчига, конструкторга ва бошқа шунга ўхшаш касбдаги кишилар учун зарур бўлган қобилият ҳисобланади.

Ҳар қандай фаолият муайян қобилиятлар жамини ишлатишни тақозо этади. Масалан, ветеринария фелдшери ёки шифокор кузатувчан ёки ташаббускор киши бўлиши, чуқур ақл идрокка эга бўлган чаккон-эпчил одам бўлмоғи, ўз ишига ғоят ҳалол муносабатда бўлиши керак.

Ҳамма учун зарур бўлган умумий қобилиятлар (масалан, ижодкорликка бўлган қобилият) ёки жуда кўп касблар ва фаолият турлари учун зарур бўлган қобилиятлар (ташкilotчилик қобилиятлари) айрим касблар ёки нисбатан тор доирадаги касблар учун муҳим ҳисобланган махсус қобилиятлар бўлади. Электромеханик релени регулировка қилувчи кишининг қўлларида сезилувчанлик жуда яхши ривожланган бўлиши керак, бир хил оҳангдаги кўзғатувчиларга нисбатан бардошлик-транспорт воситаларини ҳайдовчи киши учун зарур, чизмаларга қараб мураккаб буюмлар тайёрлайдиган кишилар учун эса жисмларнинг фазодаги ҳолатини тасаввур қила олиш қобилияти яхши ривожланган бўлмоғи керак. Ҳар қандай касбда ҳам умумий ва махсус қобилиятлар бирга қўшилиб келган тақдирдагина ишнинг муваффақияти таъминланиши мумкин.

Махсус қобилиятларнинг касб танлашга таъсири

Техник қобилият - техникани эгаллашга ва техника фанларини ўзлаштиришга бўлган қобилият. Техникага, техника ижодиётига бўлган қизиқиш, машина ва станокларда асбоблар

билан ишлашга интилиш, физика, химия, математика, чизмачилик ва шу каби фанларни муваффақият билан ўзлаштириш.

Математик қобилият - фикрлашнинг математик методларини эгаллаш қобилияти. Математикага бўлган қизиқиш, мантикий фикрлаш, анализ қилиш ва умумлаштириш қобилияти, математик билимларни муваффақиятли эгаллаш ва шу қабилар.

Педагогик қобилият - ўқитиш ва таълим-тарбия бериш мақсадида бошқа бир кишига таъсир кўрсатади. Педагогик фаолиятга қизиқиш, болаларни севиш, болалар жамоасини уюштира билиш маҳорати, нутқнинг равон ва ишонтира оладиган бўлиши, талабчанлик, хушмуомалалик, адолатлилик, холис ниятли бўлиш ва шу қабилар.

Ташкилотчилик қобилияти - қандайдир бир ишни қила олиш ва одамларни уюштира олиш маҳорати. Одамлар билан тезда тил топиб кетиш, одам психологиясини тушуниш, одамлар ўртасида меҳнатни тўғри тақсимлай олиш, ўз вазифасини ҳалол бажариш, тиришқоқ бўлиш, ўз хатти ҳаракатларига танқидий қараш ва шу қабилар.

Адабий-лингвистик қобилият - адабий фаолиятга, тилларни ўрганиб олишга бўлган қобилият. Нутқнинг яхши ўсганлиги, луғат бойлиги ривожланганлиги, тилларни эгаллашга, адабиётни ўрганишга қизиқиши, эшитиб эслаб қолиш хотирасининг кучлилиги, кузатувчанлик, ассоциацияларнинг бой бўлиши ва бошқа шунга ўхшашлар.

Санъатга бўлган қобилият - ижодий тасаввурга эга бўлиш, образли фикрлаш қобилияти. Рассом учун кўриб тасаввур қилишнинг ёрқинлиги, ранг ва шаклни ҳис қилиш, актёр учун - диксия (талаффуз), мимика (имо-ишора), бошқалар қиёфасига кира олиш қобилияти, нутқнинг ифодали бўлиши, табиатдаги ва теварак-атрофдаги ҳаётда гўзал нарсаларни кўра билиш.

Хўш, агар кишида танланган касб учун зарур қобилиятларнинг ҳаммаси бўлмасачи? Сундай ҳолда икки йўл бўлиши мумкин: ё танланган касбни ўзгартириш ёхуд этишмаётган ёки кам намоён бўлган қобилиятлар ўрнини қоплаш йўллари қидириб кўриш керак бўлади. Масалан, хотирада камчилик бўлса, мунтазам равишда ҳар хил ёзувлар олиб бориш, картотека тузиш ва бошқа шунга ўхшаш тадбирлар билан ўша этишмовчилик ўрнини қоплаш мумкин. Жисмнинг фазодаги тасвирини тасаввур этишдаги камчиликларни тўлдириш учун ҳажмли моделлардан фойдаланилади ва ҳоказо. Қобилиятнинг бўш ривожланган ўрнини қоплаш -бу одатдаги ва зарур ҳодиса бўлиб, агар киши ўз иши соҳасида чиндан ҳам юксак маҳоратни эгаллаши керак бўлса, кўшимча машғулотлар унинг ҳаётида катта ўринни эгаллаши керак.

Мактабда олиб бориладиган актив ўқув фаолияти сизнинг ҳар бирингизга ўз ақлий қобилиятингизни ва энг аввало тафаккур тиниқлигини, мантиқан тўғри фикрлашни, тафаккурнинг мустақил ва оригинал бўлишини, топқирликни, чуқур мулоҳа қилишни, ақлий теранлик ва ўзига танқидий муносабатда бўлишни ривожлантириш имконини беради.

Иродавий сифатларни, яъни: дадиллик, қатъият, интизомлилик, ўзига ва ўз кучига ишониш, ўзини идора қила билиш, оғирвазмин бўлиш сингари фазилатларни ривожлантиришга ҳам ҳаракат қилиш керак. Мана шу сифатларнинг ҳаммаси бирга қўшилиб меҳнатга бўлган қобилиятни таъминлайди.

Шундай қилиб, ҳар бир киши аниқ фаолият соҳасида ўз қизиқишлари, майллари ва қобилиятларини шакллантириб ҳамда ривожлантириб, танланадиган касбга яхши тайёргарлик кўриб бормоғи керак.

Дарсни яқунлаш.

1. Янги ўтилган мавзунини мустақамлаш ва баҳолаш.

1. Касб танлашда қизиқишлар, майллар, қобилиятлар қандай роль ўйнайди?
2. Қобилиятлар умумий ва махсус. турларга бўлинади, шуларнинг фарқини тушунириб беринг ва мисоллар келтиринг.
3. Қобилият ўрнини қоплаш деганда сиз нимани тушунасиз?
4. Ўзингиз танлаган касб бўйича муваффақиятли фаолият кўрсатиш учун зарур бўлган умумий ва махсус қобилиятларни ажратиб кўрсатишга ҳамда уларнинг номини айтиб беришга ҳаракат қилиб кўринг!

Ўқитувчига дарсни самасали ташкил етишга оид методик тавсия

"Зинама-зина" методи асосида маррага кирн биринчи чиқиш технологиясининг схематик тузилиши асосида ўтилган мавзуни мустақамлаш самарали ҳисобланади. Саволлар кетма-кетлик асосида оддийдан мураккабга қараб тузилади. Саволлар ўқитувчи томонидан тузилиб, зиналарга жойлаштириб қўйилади.

2. Уйга вазифа бериш ва иш жойини йиғштириш.

7-машғулот

Мавзу: Касб танлашда онглилик ва мустақиллик

Дарсининг мақсади:

1) *таълимий* - ўқувчиларга касб танлашда онглилик ва мустақиллик ҳақида тушуинча бериш;

2) *тарбиявий* - ўқувчиларга касб танлашда онглилик ва мустақиллик ўз қизиқиши, қобилиятлари ва иродавий сифатларига боғлиқ эканлигини англатиш;

3) *ривожлантирувчи*- ўқувчиларнинг касб танлашда онглилик ва мустақиллик ҳақидаги билимларини ривожлантириш.

4) *ижодий* - ўқувчиларга касб танлаш ишларида онглилик ва мустақилликни (онгли ва мустақил равишда танланган касб ҳақида) ижодий ўрганиб касб танлашларига ёрдам бериш.

5) *амалий* - ўқувчиларни онгли ва мустақил равишда касб танлашларига эриштириш.

Касбга йўналтирувчи мақсад: ўқувчиларга касб ва инсон саломатлиги, қобилияти ўзаро боғлиқлигини уқтириш.

Дарсининг вазифалари:

- ўқувчилари мустақил ва онгли равишда касб танлашга ўргатиш:

- ўқувчиларга касб ва инсон саломатлиги, қобилияти ўзаро боғлиқлигини тушунтириш.

Дарс тип: янги билимлар бериш.

Дарс тури: назарий.

Дарсда қўлланиладиган ўқитиш методлари: маъруза, тушунтириш, тақдимот, баҳс-мунозара, савол-жавоб, "Кластер".

Фанлараро боғланиш: тиббиёт, физиология, иқтисод ва б.

Дарс жиҳози: тарқатма материаллар, компьютер, проектор, экран, слайдлар, халқ хунарамандчилигига оид кўргазмали қуроллар, асбоб-ускуналар.

Дарсининг бориши:

Ташкилий қисм.

Ўтилган дарсни сўраш ва баҳолаш:

1. Касбни тўғри танлашнинг моҳияти.

2. Касбни тўғри танлашнинг истиқболи.

3. Касб танлашда қизиқиш ва майлликни эътиборга олишнинг аҳамияти.

4. Сизда кўпроқ қандай касбларга қизиқиш ва майллар мавжуд эканлиги ҳақида гапириб бериш.

Янги мавзуни баён қилиш.

Режа:

1. Касб танлашдаги онглилик.

2. Касб танлашдаги мустақиллик.

3. Касб танлашдаги меҳнат шароитлари.

Онг узок эволюцион тараққиёт натижаси сифатида ривожланган бўлиб, фақат инсонгагина хосдир. Онгнинг биринчи таърифи унинг турли билимлар йиғиндисидан иборат эканлигидадир. Онг одамнинг ўз-ўзини англаш жараёнида намоён бўлади. Инсонда онг фикр юритади, онг ости бошқаради. Мустақил фикрга эга бўлган инсонгина ҳаётда ўз йўлини тўғри танлай олади. Бугунги ёшларимиз учун ҳам айнан шу хислат жуда муҳимдир. Эндиликда ҳеч бир кишининг ҳаётини касб-хунарсиз тасаввур этиб бўлмайди. Чунки ҳар

қандай меҳнат фаолиятида мустақил ҳаётнинг дастлабки босқичларидан муваффақиятли ўтган ўсмирларгина касб-ҳунар эгаллашда юқори натижаларга эришадилар. Масалан, ўсмир ҳаётининг дастлабки йилларида оддий ишчи ёки қишлоқ хўжалигининг бирор соҳасида оддий ходим бўлиб ишлаган бўлса, шу ишнинг нозик томонларини билса, ўрганиб борса у келажакда ўзининг мустақил фикри билан ўша соҳанинг ажойиб мутахассиси бўлиб этишиши мумкин.

"Меҳнат фаолиятини бошлаш учун, - деб ёзади психолог А.Климов, - касб танлашда бу ишга онгли равишда ёндашмоқ ва уни мустақил равишда ҳал қилмоқ керак. Мавжуд иқтисодий туманнинг, давлатнинг кадрларга бўлган эҳтиёжи, танланадиган касб талабларига ўсмирнинг қизиқиши, майллари, қобилияти, соғлиғи мувофиқ келиши, меҳнат соҳасида орттирган амалий фаолият тажрибаси, меҳнат шароити каби муҳим психологик омиллар ҳисобга олинсагина касбни онгли ва мустақил равишда танлаган деб ҳисоблаш мумкин".

Инсон табиатига мансуб қонунлар қанчалик хилма-хил ва мураккаб бўлмасин, ҳаммасининг ўзига хос ўхшашлик томонлари бор: уларнинг ҳар бири вақти-вақти билан эртами-кечми, лекин албатта, онгли, иқтидорли, масъулиятли тадбиркор шахслар томонидан кашф этила боради. Шундай экан, инсон зотигагина мансуб бўлган онглилик, мустақилликни, хусусан, аждодларимиз фикрларига суянган ҳолда ўрганишнинг мақсадга мувофиқлигини англаб борамиз.

Оннинг маҳсулдорлиги хотиранинг танлаш қобилиятида ифодаланади. Ўсмир ўзи дуч келадиган ўта хилма-хил касблардан ўз эҳтиёжларини қондириш учун меҳнат фаолияти талаб қилган касбларни танлаш учун у ёки бу даражада керакли ҳисобланган касбни онгли равишда танлаб ола билиш зарур. Оннинг саралаш қобилияти қандай касбни танлаш зарур ва у нима учун кераклигини аниқлаштиради, агарда ўсмир танлаган касб ўзининг психологик имкониятларига мос келишига ишонч ҳосил қилмаса, танлаган касбидан келажакда самара кўра олмайди. Ҳатто ўқувчи ўзини мажбурий тайёрласа ҳам меҳнат фаолиятининг натижаси яхши бўлмайди. Шунинг учун ўқувчи қобилиятига мос касб танлаши зарур. Бу касбнинг йилдан-йилга мураккаб сирларини қийналмасдан ўзлаштириб бориши талаб қилинади.

Ота-она, мактаб жамоасининг амалий йўл-йўриқлари бу борада катта аҳамиятга эга. Ўзининг шаклланган онги ва мустақил фикрлари ҳамма нарсани ҳал қилади. Энг керакли касбни танлаш пайтида ўқувчиларда шу касбга нисбатан чуқур ҳиссиётни, меҳрни уйғотиш жуда муҳим. Айниқса, пахтачилик механизатори касби кўп қиррали. Мураккаб психологик жараёнларни талаб этувчи касбга ёшларни тайёрлашда касбнинг мантикий тузилишини ўқувчига ёшлигидан дастлабки машғулотларда бошлаб тушунтириб бориш муҳимдир.

Қадимги юнон донишмандларидан бири Сукротнинг бундан йигирма беш аср муқаддам айтган "Ўзлигини бил, шунда сен оламни ҳам била оласан!" деган машҳур фикри бугунги кунимизда ҳам аҳамиятини йўқотгани йўқ. Инсон табиатдаги психологик қудрат ва имкониятлар, аслида, бениҳоя улкан. Лекин бу психологик имкониятлар кўринишларини. (турли қобилият, иқтидор, идрок, тафаккур, ижтимоий онг, мустақиллик, дадиллик) ўз вақтида илғаб, шакллантириб, такомиллаштириб борилсагина кутилган натижани беради.

Маълумки, ўқувчи психологиясидаги баъзан номақбул деб топилган томонларни мақбул томонга ўзгартириш жараёни ўзликни англашга қўйилган илк қадам саналади. Ўз-ўзини кузатиш, англаш, назорат қилиш ўз фаолиятига танқидий кўз билан қарай билиш, мустақил фикрлаш қабилар номақбулликни мақбулликка айлантиришда таянч вазифани ўтайди.

Касб танлашдаги мустақиллик деганда кишининг бу соҳадаги тўла даҳисизлиги, ўз ташаббускорлигининг тўла намоён бўлиши тушунилади. Бу дегани ишни яхши биладиган, тажрибали кишиларнинг кўрсатган йўл-йўриқларига, панду насиҳатларига кулоқ солмаслик керак, деган маънони англамайди. Бунда, албатта ўқувчи танлаган касбида фаолият кўрсатаётган катта ёшдаги тажрибали кишиларнинг касбий малакаси назарда тутилади.

"Мустақиллик тушунчасини ўжарлик билан аралаштириб юбормаслик керак, - деб ёзади психолог А.Климов, - мустақил одам ўжар кишидан фарқли ўлароқ кимнингдир унга

берадиган маслахатлари ўзини тўғри йўлдан адаштириб қўяди деб кўркмайди; у ўша маслахатларнинг фойдасини тушунади, тажрибада синалган фикрларни ўзига қабул қилади, шоша-пиша бир хулосага келишга интилмайди".

Касб танлашда онглилик ва мустақиллик боланинг ўз қизиқиши, қобилиятлари ва иродавий сифатларига ўзи оқилона баҳо беришни тақозо этади. Ўзи-ўзига баҳо бериш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Шунинг учун мактаб ўқувчилари, ўрта махсус касб-ҳунар таълими талабалари фан ўқитувчилари, синф раҳбарлари, касбга йўлловчи ташхис марказлари раҳбарларининг фикрларига кулоқ солиши ва амал қилиши муҳим аҳамиятга эга. Чунки ҳар бир педагог ўқувчининг хулқ-атворини, қизиқишларини, майлларини, қобилияти ва меҳнатга қай даражада тайёр эканлигини ҳаммадан кўра яхшироқ англайди. Бу борада уларнинг маслаҳати ёшларга фойдали эканлиги аниқ. Онгли равишда касб танлаш деган гапнинг маъноси шуки, ҳар бир ўқувчи ўз имкониятларини жамиятимиз эҳтиёжлари билан, унинг ахлоқий тамойиллари билан таққослаб кўриши керак. Бунда фақат жамиятнинг бугунги кундаги эҳтиёжлари ва имкониятларини ҳисобга олиш билан чекланиб қолмай, шу билан бирга, Ватанимизнинг иқтисодий ривожланишини жадаллаштиришга қаратилган тадбирларни назардан кочирмаслик керак. Демак, ҳар бир ўқувчи ўзини-ўзи онгли равишда бошқара олиши зарур. Бунинг учун, биринчи галда кўп нарсаларни ўзи билмоғи керак. Энг аввало, ўз эҳтиёжлари ва қобилияти, қизиқишлари ва хулқ-атворига, изтироблари, ички кечинмалари ва фикр-ўйларига онгли муносабатда бўлмоғи керак. Киши ўзини-ўзи фақат меҳнат шароитидагина яхши англаши мумкин, яъни касб талабларига ўзидаги билим, маҳорат ва малакалар мос келиш-келмаслигини текшириб кўриши зарур. Ўзининг жисмоний имкониятларига, ирода сифатларига, жамоа ичида ишлай олиш маҳоратига, одамлар билан муомала қилиш маданиятига аниқ баҳо бермоғи керак.

Шундай қилиб, ҳозирги замон ишлаб чиқаришида фан-техниканинг тараққиёти натижасида техника, янги технология доимий равишда янгиланиб туриши натижасида махсус билимлар ҳам тезда эскириб қолмоқда. Шунинг учун янги билимлар ҳар қандай мутахассис учун кундалик талабга ва ҳаётий эҳтиёжларга айланиб бормоғи керак. Сиз бирор касбни, масалан, токарлик, пахтачилик механизатори ёки тикувчилик касбини танлар экансиз, аввало, Ватанимизда ҳар қандай касб эъзозланишини унутманг. Қолаверса, одамнинг обрўси унинг лавозимига ва касбига қараб эмас, балки унинг касбига бўлган ижтимоий онгига, мустақил муносабатига ва меҳнатнинг натижаларига қараб белгиланади.

Дарсни яқунлаш.

1. Янги ўтилган мавзунини мустақамлаш ва баҳолаш.

1. Касб танлашда онглилик деганда нимани тушунасиз?
 2. Касб танлашда мустақиллик деганда нимани тушунасиз?
 3. Меҳнат шароитларини айтиб беринг.
 4. Нима учун киши ўзининг бутун меҳнат фаолияти давомида ўз билиминини такомиллаштириб, ўз қобилиятини ривожлантириб бориши лозим?
 5. Ўзингиз танлаган касбингиз ҳақида гапириб беринг.
2. Уйга вазифа бериш ва иш жойини йиғиштириш.

8-машғулот

Мавзу: Касбларнинг мураккаблик омилларини таҳлил қилиш

Ўқитувчига услубий кўрсатма

Юқорида биз касбни тўғри танлашнинг моҳияти ва истиқболи. Касб танлашда шахс, шахсий қизиқиш, мойиллик ва қобилиятларни эътиборга олиш. Касб танлашда онглилик ва мустақиллик каби мавзулар билан танишган едик. Шу боис касбларнинг мураккаблик омилларини таҳлил қилиш мавзусини ўтишда ўқувчиларни кичик гуруҳларга бўлиб Технология ва дизайн ва Сервис ҳизмати йўналишлари бўйича касблар номини ёзиш вазифаси берилди(3-жадвал).

3-жадвал.

№	Технология ва дизайн йўналиши.	№	Сервис хизмати йўналиши.
1	Дурадгорлик	1	Тикувчилик

Сиз ёзиб чиққан ушбу касблар ичидан эскирган, янги ва миллий хунармандчиликка оид касбларни ажратинг (4-жадвал).

4-жадвал

эскирган касблар	Янги касблар	Миллий хунармандчиликка оид касблар

4-жадваллар гуруҳлар томонидан тўлдирилгандан сўнг ҳар бир гуруҳ аъзолари келишган ҳолда битта касб турини танлайди ва уларга танланган касб таснифи, касбнинг афзаллик ва камчилик ҳамда мураккаблик томонларини ёзиш вазифаси топширилади (5-жадвал).

5-жадвал

Касбга тасниф	Касбнинг афзаллик томонлари	Касбнинг камчилик томонлари	Касбнинг мураккаб томонлари

Юқоридаги маълумотларни таҳлил қилиш асосида ўқувчиларда таҳлил қилиш кўникмаси шаклланади. Ушбу кўникма ўқувчиларнинг касбларнинг мураккаблик омилларини ўрганиш ва таҳлил қила олиши билан баҳоланади (6-жадвал).

6-жадвал

№	Саволлар	Жавоблар
1	Сиз танлаган касб номи ?	
2	Нима учун шу касбни танладингиз?	
3	Танлаган касбингиз бўйича дўстларингиз фикри?	
4	Танлаган касбингиз бўйича устозингиз фикри?	
5	Танлаган касбингиз бўйича ота-оангиз фикри?	
6	Танлаган касбингизни мураккаблик томонларини аниқлай олдингизми?	
7	Танлаган касбингизни мураккаблик томонларини билгач фикрингиз ўзгардимми?	
8	Танлаган касбингиз бўйича фикрингиз?	
9	Сиз танлаган касб қайси касб турига киради?	
10	Шу касб бўйича қайси касб-хунар коллежини танламоқчисиз. Бу ҳақда қандай маълумотларга эгасиз?	

9-машғулот

Мавзу: Касбга яроқлиликни белгилаш ва касбга мойилликни тарбиялаш усуллари

Дарснинг мақсади:

- 1) таълимий - ўқувчиларга касбга яроқлилик ва уни моҳияти ва касбга мойилликни тарбиялаш усуллари бўйича маълумотлар бериш;
- 2) *тарбиявий*-ўқувчиларда ўз-ўзини тушуниш, саломатлигини танлаётган касб талабларига мувофиқлигини тўғри англаш кўникмаларини шакллантириш;
- 3) *ривожлантирувчи*-ўқувчиларнинг касб-хунар эгаллаш ҳақидаги билимларини кенгайтириш.
- 4) ижодий- ўқувчиларда касбга яроқлилик ва мойилликни таркиб топтириш.

5) амалий- ўқувчиларни танлаган касбига саломатлиги тўғри келадими, шу касбга мойиллиги борми англаб этишишларига эришиш.

Касбга йўналтирувчи мақсад: ўқувчиларга танланган касбнинг яроқлилигини ва унга мойилликни тарбиялаш усулларини бир-бирига боғлиқлигини уқтириш.

Дарснинг вазифалари:

- ўқувчиларга касбга яроқлилик ва уни моҳияти тўғрисидаги маълумотлар билан таништириш;

- касбга мойилликни тарбиялаш усулларини ўргатиш.

Дарс тип: янги билимлар бериш.

Дарс тури: назарий.

Дарсда қўлланиладиган ўқитиш методлари: маъруза, тақдимот, баҳс-мунозара, савол-жавоб.

Фанлараро боғланиш: тасвирий санъат, чизмачилик, математика, физика, иқтисодий билим асослари ва б.

Дарснинг жиҳози: компьютер, проектор, экран, слайдлар, кўргазмали қуроллар.

Дарснинг бориши:

Ташкилий қисм.

Сўраш. Ўтилган мавзу юзасидан савол-жавоб ўтказиш.

Янги мавзу баёни.

Режа:

1. Касбга яроқлилик ва уни моҳияти.

2. Касбга мойилликни тарбиялаш усуллари.

Касбга яроқлилик-инсон билан унинг касби ўртасидаги ўзаро мувофиқликдир. Айни мана шу мувофиқлик бўлган тақдирдагина: "Инсон-касб" формуласини рўёбга чиқариш имкони туғилади.

Ҳар қандай инсоннинг ўзигагина хос бўлган муайян шахсий фазилатлар, хусусиятлар мавжуд бўлади. Танланаётган касбнинг шахсга нисбатан қўядиган талабларига мана шу шахсий сифатлар қай даражада мос келишига қараб одамнинг у ёки бу касбга яроқлилиги тўғрисида бир қарорга келиш мумкин.

Касбга яроқлиликни тўрт хил даражага бўлиб, улар бир-биридан фарқ қилиш мумкин.

1. Яроқсизлик (мазкур касбга яроқсизлик). У вақтинча ҳам бўлиши мумкин ёки амалий жиҳатдан рўёбга чиқмайдиган бўлиши ҳам мумкин. Кишининг саломатлиги ёмон бўлганда, у ёки бу соҳадаги ишга ўша кишининг соғлиғи, шифокорларнинг нуқтаи назарига қараганда тўғри келмайди, деб топилган ҳолларда касбга яроқсизлик тўғрисида гапириш мумкин.

Танланган касбга соғлиқнинг тўғри келмаслиги хусусидаги ушбу гуруҳ тўғрисида биз бундан олдинги параграфда муфассал тўхталиб ўтган эдик. Лекин танланган касбга фақат соғлиқ эмас, балки бундан бошқа омиллар ҳам монелик қилиши мумкин. Гап шундаки, бутун бир гуруҳни ташкил этувчи бир қатор касблар одамга нисбатан жуда катта талаблар қўяди. У касбларга фақат махсус қобилиятга эга бўлган кишиларгина мувофиқ келиши мумкин. Агар кишида мана шундай махсус қобилият йўқ бўлса, унинг ўрнини ҳеч нарса билан тўлдириб бўлмайди. Шундай ҳолларда кишидан ўз касбига нисбатан мутлақо яроқли бўлиш талаб қилинади, деб айтадилар.

Бажарадиган ишлари жараёнида одамларнинг соғлиғи ва ҳаёти учун хавфли бўлган, қутилмаган вазиятлар содир бўлиши эҳтимол қутилган касблар (учувчи, хирург, энергосистемалар оператори ва бошқалар) вакиллари учун ўз касбига ана шундай мутлақо яроқли бўлиш шarti қўлланилади. Санъат билан боғлиқ бўлган касблар тўғрисида ҳам худди мана шу гапларни айтиш мумкин: масалан, агар кишининг тасвирий санъат соҳасида ишлаш учун қобилияти бўлмаса, рассом, архитектор, ҳайкалтарош бўлиб етишиши амри-маҳолдир.

2. Яроқлилик (у ёки бу касб ёхуд гуруҳга яроқлилик). Касбга яроқлиликнинг ушбу даражаси шу билан ажралиб турадики, бунда бирор соҳадаги меҳнатга нисбатан монелик қилувчи омиллар бўлмайди, лекин айни маҳалда кишида мазкур касбга яққол кўзга ташланиб

турган майллар ҳам бўлмайди. "Сиз мана шу касбни танлашингиз мумкин. Ажаб эмас, сиз шу соҳада яхши мутахассис бўлиб йетишарсиз" - деб тасалли беришади, бу касбни танлаган кишиларга. Бу жиҳатдан касбга яроқлилиқ даражасини ҳам юқоридаги таърифдан билиб олиш мумкин.

3. Мос келиш (у ёки бу фаолият соҳасига одамнинг мос келиши). Шундай ҳолларда одамнинг айрим шахсий фазилатларини кўрсатиб ўтиш мумкин. Бу фазилатлар муайян касб ёки касблар гуруҳи талабларига аниқ (шубҳасиз) мос келади. Масалан, бирор кишида муайян бир соҳада у ёки бу меҳнат объектига масалан, биология, техника ва ҳоказо объектларга нисбатан қизиқиш бўлиши ёхуд бирор соҳада ўзини амалий ишда синаб кўриш вақтида баъзи бир ютуқларни қўлга киритган кишилардаги мувофиқлик, ўз касбига мос келиш бунинг мисолидир. Касбга яроқлилиқнинг бу даражасидаги кишиларга нисбатан шундай деб мурожаат қилиш мумкин: "Сиз мана шу касбни танласангиз бўлади, сиз яхши мутахассис бўлиб етишишингиз жуда мумкин".

4. Ҳавас (мазкур касбга, фаолият соҳасига). Ишга ҳаваси (рағбати) бўлган бундай кишини меҳнатчи сифатида инсон тараққиётининг мазкур босқичида касбга яроқлилиқнинг олий даражаси деб ҳисоблаш мумкин. Бу ерда гап одамни бошқалардан ажратиш турадиган сифатлар тўғрисида бормоқда. Киши тахминан ўзи билан бир хил шароитда ишлаётган ва ўқиётган тенгдошларидан яққол ажралиб туради. Касбга яроқлилиқнинг бундай даражасига қуйидагича таъриф бериш мумкин: "Сиз фаолиятнириг шу соҳасида, ҳа, айти мана шу соҳада яхши мутахассис бўлиб етишарсиз".

Касбга яроқлилиқ туғма сифат эмас. У меҳнат фаолиятида шаклланиб боради. Меҳнат жараёнида фақат касбий идрок, хотира ва тафаккур ривожланибгина қолмай, одамда муайян хулқ-атвор типи ҳам, унинг жамоада ишлашга хос йўналиши ҳам, талабчанлиги ҳам, бурчни англаш ҳисси ҳам, шахснинг бошқа шу сингари фазилатлари ҳам ривожланиб боради.

Кўпчилик касбларда уларга яроқлилиқ масаласида одамга мутлоқ талаблар қўйилмайди; унда йетишмайдиган зарур фазилатлар, хусусиятлар, қобилиятлар ўрнини бошқаларини ривожлантириш ҳисобига қоплаш мумкин. Одамда мавжуд бўлган барча фазилатларни касбий жиҳатдан қимматли, зарарли ёки нейтрал (халис) сифатлар деб бир неча турга ажратиш мумкинми? Йўқ. Гап шундаки, ҳатто энг оддий бирор касб тўғрисида гап кетганда ҳам касбий жиҳатдан ягона ва шубҳасиз қимматли фазилатлар тўғрисида гапириб бўлмайди. Мисол учун, кўп станокчи тўқувчилар касбини олиб кўрайлик. Уларнинг бир хиллари тез ҳаракат қилиш ҳисобига юксак натижаларга эришадилар, бошқалари эса эҳтиёткорлик, пухта ишлаш, ишнинг кўзини билиш ҳисобига ютуққа эришадилар, учинчи бир хиллари, эса, ишни бир маромда, бир хил суръатда ташкил этиш ҳисобига муваффақиятга эришадилар. Ходим қанчалик малакали бўлса, у ўзининг кучли томонларидан шунчалик кўпроқ, максимал даражада фойдаланади ҳамда ўзининг заиф томонларини енгиб, ҳар хил воситалар билан уларнинг ўрнини қоплайди. Натижада ишда такрорланмас индивидуал услуб вужудга келади. Шунинг учун ҳам: "Иш устасидан кўрқар"- деган доно мақол тўқилган.

Одамнинг ўз касбига яроқли эканини қуйидаги асосий фазилатларига қараб белгиланади: фуқоралик фазилатлари (масалан, диний эътиқод, ватанпарварлик, жамоатчилик, умумфойдаси учун меҳнат қилиш эҳтиёжи ва бошқалар); меҳнацеварлик, меҳнатга ҳалол муносабатда бўлиш, мазкур соҳадаги фаолиятга нисбатан ижобий қизиқиш ва майлларнинг мавжудлиги, ақл-идрокнинг кенг ва теранлиги, пухталиқ, интизомлилик, ўз-ўзини назорат қилишнинг ривожланганлиги, ташаббускорлик, саломатлигининг яхшилиги ва бошқа шунга ўхшаш сифатлар махсус қобилиятлар (масалан, пианино ва роялларни созловчи киши учун мусиқани тинглай олиш қобилиятининг яхши ривожланган бўлиши, Камолот ЁИХ етакчиси учун кўпчилик билан мулоқотга киришиб, тезда тил топишиб кета олиш қобилияти зарур ва ҳоказо).

Ўз касбингизга яроқлилиқ учун зарур бўладиган айрим фазилатларни ўзингиз мунтазам равишда шакллантириб боришингиз мумкин ва лозим (эътиқод, ҳалоллик, бурч

ҳисси, жамоа бўлиб ишлаш ана шундай мунтазам равишда шакллантириб боришни талаб қиладиган фазилатлар ҳисобланади).

Биз ҳозир "Инсон-касб" формуласидаги ўзаро алоқадорликнинг бир томонини қараб чиқдик. Энди одам учун касбнинг ўзи яроқсиз бўлиб қолиши мумкин бўлган ҳолат тўғрисида гаплашамиз. Буни куйидаги мисолни қараб чиқиш орқали тушунтириш мумкин.

Конструкторлар қудратли юк кўтариш машинаси яратдилар, лекин буни қарангки, бу машинани бошқариш жуда оғир экан (тушириш, тормозлаш, тўхтатиш ричагини босиш, уни бир жойдан иккинчи жойга суриш учун ҳаддан ташқари катта жисмоний куч талаб қилинар экан). Бундай ҳолда кишининг, масалан, аёл кишининг бу машинада машинист бўлиб ишлаш касбига лойиқ эмаслиги тўғрисида гапириб ўтирмаса ҳам бўлади, машинани бошқариш усулини ўзгартириш керак бўлади.

Юқорида айтилганлардан шундай хулоса келиб чиқадики, одамнинг касбга яроқлилиги ўзгарувчан характеристикадир. Касбга яроқлилиқни шакллантириш бу фақат одамдаги муайян фазилатларни (масалан, ўз-ўзини тарбиялаш воситалари билан) ривожлантиришдангина иборат бўлиб қолмай, шу билан бирга меҳнат шароитини, ишлаб чиқариш воситаларини ўзгартиришни ҳам тақозо этар экан.

Сиз ўзингизнинг бўлғуси касбингизни танлаш тўғрисида ўйлар экансиз, ўз қизиқишларингиз, майлларингиз, имкониятларингизга баҳо бера бошлайсиз. Хуллас, сиз ўз фазилатларингизнинг мураккаб оламини таҳлил қилишни ўрганасиз. Зеро ҳар бир киши ўзининг бўлғуси меҳнат йўли тўғрисида ўйлаётган вақтда бу фазилатларни эътиборга олмай иложи йўқ.

Киши ўз устида ишлашни, ўз характерини, ирода кучини шакллантиришни, ўз касбий қобилиятларини ривожлантиришни истаса, ҳеч қачон кеч бўлмайди, лекин бу ишни ёшлиқ пайтидан бошлагани маъқул.

Абдулла Орипов ўз характери ва иродаси устида зўр бериб ишлашнинг ажойиб намунаси бўлиши мумкин. Доҳий ёшлиқ йилларида кишини ҳайратга соладиган даражада аниқ мақсадни кўзлаб ишлаганлиги ва ниҳоятда зўр иш қобилиятига эга бўлганлиги тўғрисида Э.Воҳидов бундай ҳикоя қилади: "У жуда ёш пайтидан бошлаб, ҳали мактабда ўқиб юрган йилларидаёқ қаттиқ меҳнат қилишга ўрганган ва умуман ҳар бир кунни ўзи тузиб чиққан қатъий жадвал асосида ўтказишга ўрганган эди. Бу жадвалга ўқиш ҳам, дарс тайёрлаш ҳам, китоблар мутолаа қилиш ҳам, дам олиш ҳам, сайр қилиш ҳам, турли ўйинлар билан машғул бўлиш ҳам киритилган эди. У ёки бу машғулот қанча вақт, яъни соат нечадан нечагача давом этиши жадвалда аниқ кўрсатилар эди. Ҳеч қандай куч ёки сабаб унинг ўзи томонидан белгилаб қўйилган иш тартибини ўзгартиришга мажбур қила олмас эди. Фақат янгидан пайдо бўлган оқилона ишларгина, унинг ўзига боғлиқ бўлмаган муҳим шароитларгина машғулотларни ўтказишдаги белгиланган изчилликни ўзгартириши мумкин эди".

Бу ишдаги биринчи қадамни ўзидаги мустаҳкамланиши ва ривожлантирилиши зарур бўлган фазилатлар рўйхатини тузиб чиқишдан бошлаш керак. Шунингдек, ҳар бир киши фақат ўзигагина хос бўлган баъзи бир хусусиятларни йўқотишни ҳам, ўзгартиришни ҳам режалаштириши, ўзидаги салбий сифатлар ўрнига ижобий сифатларини ривожлантириши, кўп машқ қилиши, меҳнатни ташкил этишнинг яна ҳам такомиллаштирилган усулларида, янгича иш режаларидан фойдаланмоғи керак ва ҳоказо.

Демак, киши ўзини-ўзи бошқаришни ўрганиб олиши учун биринчи галда ўзини билмоғи керак. Ўз еҳтиёжлари ва қобилиятига, қизиқишлари ва хулқ-атвори мотивларига, изтироблари кечинмалари ва фикр-ўйларига онгли муносабатда бўлмоғи керак. Киши ўзини-ўзи фақат конкрет меҳнатдагина билиши мумкин, яъни меҳнат фаолиятининг талабларига ўзидаги билим, маҳорат ва малакалар мос келиш-келмаслигини текшириб кўриши, ўзининг жисмоний имкониятларига, ирода сифатларига, коллектив ичида ишлай олиш маҳоратига, одамлар билан муомала қилиш маданиятига чуқур баҳо бермоғи керак ва ҳоказо. Бундай ўз-ўзини назорат қилиш, ўз-ўзини таҳлил қилиш натижаларини шахсий кундалик дафтарга ёзиб

бориш фойдалидир, бу ҳар ким ўзига объектив баҳо бериш ҳамда ўз-ўзини такомиллаштириб камолга етказиб бориш реал режасини тузиб олиш имконини беради.

Мана, масалан, улуғ ўзбек ёзувчиси Муҳаммад Юсуф тутган кундаликдан олинган куйидаги баъзи бир фикрларни ўқиб кўринг: "Сен ҳар куни эрталаб туриб бутун кун бўйи нима ишлар қилишинг кераклигини ўзинг учун топшириқ тарзида ёзиб чиқ ва белгиланган ишларнинг ҳаммасини бажар. Ўз сўзингга амал қил. Башарти, сен бирор ишни қилишга киришган бўлсанг, ўзингдаги бутун куч-қувват ва қобилиятни мана шу ишни бажаришга қарат".

Ҳар ким ўзига, ўз қобилиятларига, ахлоқий сифатларига, хатти-ҳаракатларига танқидий баҳо бериши ўзи танлаётган касб талабларига ўз имкониятлари қанчалик мувофиқ келишини таққослаб кўриш имконини беради. Киши ўзига-ўзи паст баҳо қўядиган бўлса, бу унинг ўз имкониятларини рўёбга чиқаришига ҳалал беради, агар киши ўзига-ўзи ортиқ баҳо берадиган бўлса, бу аянчли оқибатларга, жамоа ўртасида келишмовчиликлар келиб чиқишига сабаб бўлади.

Ҳар бир киши ўз устида муваффақиятли иш олиб бориши учун интизомли бўлмоғи керак, яъни у белгиланган ахлоқ-одоб қоидаларига, машғулот тартибига бўйсунмоғи, олдиндан белгилаб қўйилган яшаш ва меҳнат қилиш тартиби талабларига қатъий риоя қилмоғи лозим. Мана, масалан, машҳур ўзбек педагоги С.Р.Ражабов ўз ҳаётида қандай қоидаларга амал қилганлигини ўқиб кўринг:

"Мукамал даражада вазминликка, жуда бўлмаганда, сиртдан вазмин бўлиб туришга эришиш; сўзда ва амалий ишларда ростгўй бўлиш; ҳар бир хатти-ҳаракатни пухта ўйлаб кўриш; қатъиятли бўлиш; агар зарурат бўлмаса, ўз ҳақингда бир оғиз ҳам сўз айтмаслик; вақтни беҳуда ўтказмаслик, дуч келган ишни эмас, балки ўзи хоҳлаган ишни қилиш; ҳар куни кечкурун ўз хатти-ҳаракатлари тўғрисида ҳалоллик билан ҳисобот бериш; қилинган ишлар билан ҳам, ҳозир қилинаётган ишлар билан ҳам, энди қилинажак ишлар билан ҳам ҳеч қачон "мақтанмаслик".

Характернинг, ирода кучининг аниқ мақсадга йўналтирилган ҳолда шакллантирилиши, бу сиз қандай касбни танлашингиздан қатъий назар, бозор иқтисодиётининг истаган бир соҳасида муваффақиятли равишда ишлаш учун зарур бўлган шахсий сифатларни ривожлантиришнинг таркибий қисмидир".

Дарсни яқунлаш.

1. Янги ўтилган мавзунини мустақамлаш ва баҳолаш.

1. Кишининг касбга яроқлилиги тўғрисида унинг қандай фазилатларига қараб баҳо бериш мумкин?

2. Сиз касбга яроқлилигининг қандай турларини биласиз? Мутлақо яроқлилиқни талаб қиладиган касбларни санаб беринг?

3. Касбга яроқлилиқни шакллантириб бўладими? Мисоллар келтиринг.

4. Сиз ўзингиз танлаган касб учун қандай фазилатларни муҳим деб ҳисоблашингизни айтиб беринг?

2. Уйга вазифа бериш ва иш жойини йиғиштириш.

10-машғулот

Мавзу; Амалий мустақил ишлар; Касбга доир режа тузиш. Танланган касб-ҳунарга доир маълумотлар тўплаш ва таҳлил қилиш

Ўқитувчига услубий кўрсатма

Бунга ўхшаш мавзу юқорида, яъни 27-машғулот. Касб танлашга доир режа тузиш. Касб танлашдаги хатолар ва қийинчиликлар мавзуси мисолида кўриб чиқилган эди. Бу мавзунини ўқишда амалий мустақил иш сифатида ўқувчиларга танланган касбга доир шахсий режа тузиш топширилади. Тузилган шахсий режалар муҳокама қилинади ва ўқитувчи томонидан керакли тавсиялар берилади.

Танланган касб-ҳунарга доир маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш ишларини бажарадилар.

Ўқувчилар танланган касбларига оид маълумотларни жадвал асосида тақдим этишлари мақсадга мувофиқ ҳисобланади

Т. р.	Ўқувчининг Ф.И.Ш.	Танланган касб тури	Танланган касб тўғрисидаги маълумот		Касбга доир шахсий режа	Танланган касбга нисбатан қобилияти.
			афзаллиги	камчилиги		

7-машғулот

Мавзу: Касбий қизиқиш ва мойилликларни аниқлаш бўйича амалий машқлар бажариш

Дарсинг мақсади:

1) таълимий - ўқувчиларнинг касбга қизиқиш, майл ва қобилиятини ўрганишга оид ҳужжатлар, касбий маслаҳат ва касб танлаш варақасини тузилиши ва уни тўлдириш тўғрисида маълумот бериш.

2) *тарбиявий* - ўқувчиларда умуммехнат маданияти ва мехнат ва касб кишисига нисбатан ҳурматни шакллантириш.

3) *ривожлантирувчи* — ўқувчиларнинг касбга қизиқиш, майл ва қобилиятини аниқлаш бўйича турли амалий машқларни бажариш.

4) ижодий- ўқувчиларда касбий қизиқиши мойилигини аниқлаш бўйича амалий машғулотлар бажариш ва аниқлаш.

5) амалий- ўқувчиларни танлаган касбига қизиқиши ва мойиллигини аниқлашларига доир амалий иш бажаришга ўргатиш.

Касбга йўналтирувчи мақсад: ўқувчиларга касб ва инсон саломатлиги, қобилияти ўзаро боғлиқлигини уқтириш.

Дарсинг вазифалари:

- ўқувчиларнинг касбга қизиқиш, майл ва қобилиятини ўрганишга оид ҳужжатлар билан таништириш;

- касбий маслаҳат ва касб танлаш варақасини тузилиши ва уни тўлдиришни тўғрисида маълумот бериш.

Дарс типи: янги билимлар бериш.

Дарс тури: назарий, амалий.

Дарсда қўлланиладиган ўқитиш методлари: Тақдимот, баҳс-мунозара, савол-жавоб.

Фанлараро боғланиш: тасвирий санъат, чизмачилик, математика, физика, иқтисодий билим асослари ва б.

Дарсинг жиҳози: компьютер, проектор, экран, слайдлар, касб танлаш варақаси намунаси.

Дарсинг бориши:

Ташкилий қисм.

Сўраш. Ўтилган мавзу юзасидан савол-жавоб ўтказиш.

Янги мавзу баёни. Амалий мустақил топширик:

Бажариладиган ишлар:

1. Ўқувчиларнинг касбга қизиқиш, майл ва қобилиятини ўрганишга оид ҳужжатларни ўрганиш.

2. Касбий маслаҳат ва касб танлаш варақаси намунаси билан танишиш.

3. Касб танлаш варақасини тўлдиришни машқ қилиш.

Касбий маслаҳат варақаси.

1.Тиббий маълумотнома

- саломатлигининг умумий ҳолати;

- нуқсонлар ва нормадан четга чиқиш;

- сурункали каслликлар;
- келгусида эгалланадиган касб юзасидан шифокорнинг тавсиялари.

2. Ота-оналар ҳақидаги маълумотнома:

- ота-она қандай касбни тавсия қилади;
- болани мазкур касбни эгаллашга тайёрлаш бўйича оила қандай ёрдам бераётир;
- бола бўш вақтида нима билан шуғулланишни яхши кўради;
- бола 5 ва 8 синфларда ўқиётганда мактабда ва мактабдан ташқари муассасаларда

қандай тўғаракларда қатнашган.

3. Ўқувчилар уюшмасининг маълумотномаси кўрсатилиши керак:

- боланинг ахлоқий сифатлари;
- бола қандай жамоатчилик ва меҳнат вазифаларини ёмон бажаради, қандай вазифаларни бажаришдан бош тортади;
- боланинг касб танлаши муносабати билан мураббийнинг тавсияси.

4. Меҳнат таълими ўқитувчисининг маълумотномаси:

- боланинг меҳнатга муносабати;
- бола нима билан бажонидил шуғулланади, нимадан бош тортади;
- интизомлилик даражаси, хавфсизлик техникаси қодаларини қандай бажаради;
- боланинг зеҳни ўткирлиги, топқирлиги, тадбиркорлиги қай даражада;
- бола психомоторикасининг хусусиятлари: ҳаракатнинг аниқлиги, тезлиги ва мувофиқлиги, вазиятлардан таъсирланишнинг тезлиги;

- узоқ давом этадиган қизгин меҳнатга қобилияти;
- болага маслаҳат.

5. Жисмоний тарбия ўқитувчисининг маълумотномаси:

- боланинг жисмоний тайёргарлиги ва спортга яроқлилиги;
- спортнинг у севган тури;
- жисмоний чидамлилиги;
- болага маслаҳат.

6. Мусиқа ўқитувчисининг маълумотномаси:

- боланинг мусиқий қобилияти;
- унинг хушовозлиги;
- болага маслаҳат.

7. Тасвирий санъат ўқитувчисининг маълумотномаси:

- боланинг расм чизишга ва чизмачиликка қобилияти;
- болага маслаҳат.

8. Бошқа фан ўқитувчиларининг маълумотномалари:

- боланинг фанни ўзлаштириши;
- фанга қизиқиши;
- ижодкорлик нимада пайдо бўлади;
- фан бўйича синфдан ташқари ишларда қатнашадими;
- дастурдан ташқари фанни билиши;
- ўқитувчиларнинг маслаҳатлари.

9. Тўғарак раҳбарларининг маълумотномалари:

- боланинг тўғаракда қачондан буён шуғулланиши;
- болага маслаҳат.

Синф раҳбарининг ҳулосалари.

Касбга йўналтириш бўлими ва мактаб раҳбарининг тавсиялари.

Варақа тўлдирилган вақт.

Касб танлаш варақаси

1. Исм ва фамилиянгиз, туғилган йилингиз _____
2. Ким бўлишни хоҳлайсиз ва нима учун? _____
3. Жисмоний маълумотлар: бўйингиз _____ (оғирлигингиз _____)

_____, заиф сезги органларингиз (таги чизилсин): кўриш, эшитиш, хид билиш, таъм билиш, пайпаслаб хис этиш, мувозанат _____

Бошқа заиф органларингиз(таги чизилсин ва ёзиб тўлдирилсин): ўпка, юрак, мушаклар, кўллар, оёқлар. Кейинги 4 йил ичида бошдан кечирган кўнгилсиз воқеалар ва оғир касалликлар, уларнинг оқибатлари _____

4. Қизиқиш ва майлингиз:

Қайси фанлами ёқтирасиз? _____

Қайси фанларни ёқтирмайсиз? _____

Бўш вақтдаги машғулотингиз? _____ Ўқув йили давомида нечта китоб ўқидингиз? _____

Қайси тў гаракда қатнашдингиз? _____

5. Кузатувчанлик, фикрлаш ва ҳаракатнинг аниқлиги, бошқаларни ишонтира билиш, гапга чечанлик, бардошлилик каби хусусиятларингиз (таги чизилсин ва ёзиб тўлдирилсин) _____

6. Энг маъқул кўрган машғулотинг аниқ чизилсин ва ёзиб тўлдирилсин): одамлар билан ҳамкорлик (буюмлар яшаш); жамоада ёки якка ҳолда ишлаш; ўтириб ишлаш, тинч ҳолатда ишлаш; кўтаринкиликни, қизиқишни, курашишни талаб қилувчи ишларни бажариш; жавобгарликсиз ёки жавобгарли, тез ҳаракат қилишни ёки секин ҳаракат қилишни тақазо этувчи, табиий шароитда, бино ичида бажариладиган ишлар, жисмоний куч сарфлашни талаб қиладиган ёки талаб қилмайдиган ишлар _____

7. Ўз мактабингизда ёки яқин атрофдаги мактабнинг 9 синфида қандай касб ва ихтисосликни ўрганишни хоҳлайсиз? _____

8. Қайси касб ўзингиз хоҳлаган ихтисосга энг яқин? _____

9. Қайси касбни танлашга қарор қилдингиз ва нима учун? _____

10. Танланган касбингиз бўйича қўшимча нималарни билишни хоҳлайсиз? _____

11. Касбни танлашингизга ота-онангиз қандай қарайди? _____

12. Ўқиш учун қайси академик лицей ёки касб-хунар коллежига киришни хоҳлайсиз? _____

13. Бошқа қайси касбларни мамнуният билан ўрганар эдингиз? _____

14. Қайси касб ёки ихтисосликни бутунлай ёқтирмайсиз? _____

15. Келажакда танлаган касбингизни ўрганиб олгандан кейинги режаларингиз? _____

_____ (мактаб)

_____ (ўқувчининг ФИШ)

Синф раҳбарининг изоҳ ва хулосалари _____

20 _ йил" _ "

Дарсни яқунлаш.

1. Янги ўтилган мавзун мустаҳкамлаш ва баҳолаш.

1. Касбий маслаҳат варақасида қандай маълумотномалар мавжуд бўлади?

2. Касб танлаш варақасида қандай бўлимлар мавжуд?

3. Касб танлаш варақаси нима мақсадида тўдирилади?

2. Уйга **вазифа бериш ва иш жойини йиғиштириш.**

Ўтилган мавзунини такрорлаш ва касб танлаш варақасини тўлдириш ҳамда ўз хулосаларини ёзиб келиш.

11-машғалот

Мавзу: Касб эгаллаш ва ишга жойлашишга доир шахсий режани реферат шаклида тайёрлаш ва ҳимоя қилиш
Ўқитувчига услубий кўрсатма

Касб эгаллаш ва ишга жойлашишга доир шахсий режани реферат шаклида тайёрлаш куйидаги тавсиялар асосида амалга оширилади:

1. Амалга ошириладиган ишлар кетма-кетлиги.
2. Ишлар кетма-кетлигининг бир-бирига узвий боғлиқлиги.
3. Бажариладиган ишларни амалга ошириш учун вақтларни кўрсатилганлиги.
4. Ишлар кетма-кетлиги асосида берилган режалар асосидаги маълумотлар баёни
5. Хулосалар.
6. Фойдаланилган манбалар рўйхати.
7. Бажарилган иш тақдироти.

Касб танлашга оид тузилган шахсий режа асосида ёки профессиограмма асосида ҳам реферат тайёрлаш мумкин. Профессиограмма тўғрисида қисқача маълумот.

Касб профессиограммаси - тўғри касб танлаш меҳнатнинг мазмуни ҳарактерини иложи борица кўпроқ билишни ҳамда бўлғуси меҳнат фаолияти жараёнидаги муносабатлар тўғрисида, иложи борица тўлароқ маълумотга эга бўлишни тақозо этади.

Касб тўғрисида энг муҳим манбалардан бири профессиограмма ҳисобланади. Профессиограмма касбга берилган ҳарактеристика бўлиб унга касб одамнинг шахсий фазилатлари, ақлий психологик жисмоний ва бошқа фазилатларига куйдаги асосий талабларни ўз ичига олади.

Барча профессиограммалар тахминан куйидаги кўринишда тузилади.

1. Касбнинг номи.
2. Касбнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти ва ўрни.

Меҳнатнинг тури: Қўл меҳнати механизациялаштирилган, автоматлаштирилган меҳнат.

1. Меҳнат предмети ва маҳсулоти.
2. Иш бажариш учун зарур бўлган билим ва маҳорат.
3. Иш шароити ва иш жойи.
4. Меҳнат режими ва дам олиш режими.
5. Касбнинг соғлиққа тўғри келмаслиги ҳақида медицина хулосаси.
6. Шахснинг иродавий ишчанлик ва бошқа фазилатларига кўйиладиган талаблар.
7. Касбнинг шахснинг умумий маданият даражасини шаклланишига, ақлий қобилиятларининг ривожланиши, ҳарактерига ва шу каби сифатларига кўрсатадиган таъсири.
8. Касб ўрганиш йўллари, академик лицей ва касб-хунар коллежи йўналишлари ва уларга кириш шароитлари.
9. Професионал ўсиш иқболлари.
10. Турдош касблар.

Ҳар бир ўсмир, бар бир меҳнат йўли қандай бошланиши тўғрисида ўйлар экан ўзи учун мўлжалланган касбнинг профессиограммасини тузиш лозим бўлган касб жиҳатидан муҳим сифатларни белгилаб олишга ёрдам беради. Масалан, Станоклар ва автомат линиялари созловчиси касбига оид профессиограмма.

Созловчилик касби-енг янги истиқболли касблардан биридир. У саноатда мураккаб автомат қонунлар билан бир вақтда пайдо бўлди.

Созловчининг ишлаб чиқаришдаги асосий вазифаси-станокларни ва автомат линияларни маълум бир турдаги махсулотга ишлаб беришга тайёрлашдан иборат. Созловчи деталларига синов тариқасида ишлаб бериш тадбири амалга оширилади ва асбоб ускуналарини ишини кузатиб боради.

Берилган параметрлардан қандайдир чекинишни сезганда созловчи машинанинг қаери бузилганлигини аниқлайди. Ҳамда ўз билимини маҳоратини ва малакаларига, тажрибаларига таянган ҳолда у камчиликларини йўқотиб машинани тузатади.

Станоклар ва автомат линияларини созловчиси юксак даражада техник билим олган ва кўриб эслаб қолиш ҳотирасига эга бўлган киши бўлмоғи керак.

Турли туман техник вазифаларини ҳал қилиш зарурияти билан боғлиқ бўлган ишларни бажараётган созловчи учун мантиқий жиҳатдан тўғри ўйлаш ва ижодий фикрлаш ғоят муҳим.

Созловчилар машинасозлик, металлга ишлов бериш корхоналарида ва бошқа шунга ўхшаш жойларда меҳнат қиладилар.

Бу касбни касб-ҳунар коллежларида эгаллаш мумкин. Машина ва ускуналарини созловчи программа билан бошқариладиган станокларнинг операторлари техник-механик касблари турдош касблар ҳисобланади.

Шундан сўнг "Мен танлаган касб" мавзусида давра суҳбати ўтказилади.

Ўқувчилар томонидан реферат шаклида тайёрланган касб танлашга доир шахсий режа ҳимоя қилинади, фикр-мулоҳазалар баён қилинади.

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАШҒУЛОТЛАРИДА:

- Касб типлари, гуруҳлари, синфлари, ўқувчиларнинг хусусиятларини ўрганиб ташхис ўтказадилар ва тавсиялар берадилар.
- Касблар классификацияларининг умумий тарифи:
- Касб тушунчасининг ёритиб бериш:
- Касбларнинг классификациялари билан таништириш:
- Касбларнинг жамиятда тутган ўрни билан маълумотлар бериш:
- Касблар мазмунини тушунтириш, фикрлаш доирасини кенгайтириш:

Мустақил ишни бажаришда:

Дарслик ва ўқув кўлланмаларнинг боблари ва мавзуларини ўрганиш, тарқатма материаллар бўйича маъруза қисмларини ўзлаштириш. Фаннинг боблари ва мавзулари устида ишлаш “Меҳнат таълимини ўқитиш методикаси” фанидан назарий ва лаборатория машғулотлар ўтиш давомида, талабаларни ижодий жараёнга йўналтириш, уларни таҳлил қилиш, мустақил ишлашга ўргатиш, машқлар бажариш.

- касб типлари, гуруҳлари синфлари, ўқувчиларнинг хусусиятларни ўрганиб ташхисдан ўтказадилар ва тавсиялар берадилар;

- касблар классификацияларининг умумий таърифиди;

- талабаларга «касб» тушунчасининг маъносини ёритиб бериш;ларни касбларнинг классификациялари билан таништириш;

- талабаларга ҳар бир соҳа касбларининг жамиятда тутган ўрни ҳақида маълумот бериш;

- касблар мазмунини тушунтириш талабаларнинг фикрлаш доирасини

Мустақил иш мавзулари

1. Ўқувчиларни касбга йўналтириш назарияси ва методикаси. «Таълим тўғрисида»ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури
2. Касбга йўналтириш ишининг педагогик асослари. Касбга йўналтириш ишининг педагогик асослари.
3. Касбга йўналтириш ишининг мактаб тизими Ўқитувчининг шахси, фан ўқитувчилари, синф раҳбари; ўқув ишлари бўйича илмий мудир;
4. Ўқув муассасаларида касб танлашга йўллаш услубиёти. Касбга йўналтиришнинг тарбиявий йўналиши
5. Мактабда тарбиялаш дарсларда касб танлашга йўллаш; бошқа соҳа мутахассисликлар билан таништириш; Синф раҳбари. Синф раҳбарини касб танлашдаги ўрни.
6. Касбга йўналтиришнинг ижтимоий ва психофизиологик асослари. Касбга йўналтириш ишларида ижтимоий асослари..

Академия - кадрлар тайёрлаш ва билимларнинг кенг соҳалари бўйича олий ва олий ўқув юртидан кейинги таълим дастурларини амалга оширишга имкон берувчи, юридик мақомга эга таълим муассасаси.

Академик лицей - ўқувчиларнинг имкониятлари ва қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг жадал интеллектуал ривожланиши чуқур, соҳалаштирилган, табақалаштирилган, касбга йўналтирилган таълим олишларини таъминлаш мақсадида давлат таълим стандартларига мувофиқ ўрта махсус таълим берувчи, юридик мақомга эга таълим муассасаси

Амалий ишлар методи – ўзлаштирилган билимларни амалиётда қўллаш кўникмаларини шакллантирувчи усул.

- Аномалия** (юнонча – *anomal*) - меъёрдан, умумий қонуниятлардан четланиш, нотўғри ривожланиш.
- Ахлоқ** (лотинча «*moralis*» - хулқ-атвор маъносини билдиради) - ижтимоий муносабатлар ҳамда шахс хатти-ҳаракатини тартибга солувчи, муайян жамият томонидан тан олинган ва риоя қилиниши зарур бўлган хулқ-атвор қоидалари, мезонлари йиғиндиси.
- Ахлоқий онг** – шахсга ахлоқий меъёрлар ва хулқ-атвор қоидалари тўғрисидаги назарий билимларни бериш асосида ҳосил қилинувчи онг шакли.
- Ахлоқий тарбия** – муайян жамият томонидан тан олинган ва риоя қилиниши зарур бўлган тартиб, одоб, ўзаро муносабат, мулоқот ва хулқ-атвор қоидалари, мезонларини ўқувчилар онгига сингдириш асосида уларда ахлоқий онг, ахлоқий фаолият кўникмалари ва ахлоқий маданиятни шакллантиришга йўналтирилган педагогик жараён; ижтимоий тарбиянинг муҳим таркибий қисми.
- Ақлий тарбия** - шахсга табиат ва жамият тараққиёти тўғрисидаги билимларни бериш, унинг ақлий (билиш) қобилияти, тафаккури ва дунёқарашини шакллантиришга йўналтирилган педагогик жараён; ижтимоий тарбиянинг муҳим таркибий қисми.
- Бакалаврият** - мутахассисликлар йўналиши бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, таълим олиш муддати камида тўрт йил давом этадиган таянч олий таълим.
- Баҳо** – таълим олувчиларга уларнинг таълим олиши, билимларни ўзлаштиришга нисбатан ижодий ёндошишини рағбатлантириш мақсадида таъсир кўрсатиш воситаси.
- Билим** – шахснинг онгида тушунчалар, схемалар, маълум образлар кўринишида акс этувчи борлиқ ҳақидаги тизимлаштирилган илмий маълумотлар мажмуи.
- Билим олиш** – борлиқни идрок этиш, ўрганиш, машқ қилиш ва муайян тажриба асосида хулқ-атвор ҳамда фаолият кўникма, малакаларининг мустаҳкамланиб, мавжуд билимларнинг такомиллашиб, бойиб бориш жараёни.
- Билиш** - объектив борлиқнинг инсон онгида акс этиш шакли; илмий билимларни ўзлаштириш жараёни.
- Ватанпарварлик** (лотинча «*patriotes*» – ватандош, «*patris*» – ватан, юрт) - шахснинг ўзи мансуб бўлган миллат, туғилиб ўсган ватани тарихидан ғурурланиши, бугуни тўғрисида қайғуриши ҳамда унинг порлоқ истикболига бўлган ишончини ифода этувчи юксак инсоний фазилят.
- Гносеология** (юнон тилидан *gnosis* – билим, онг, ўрганиш) – билиш, илмий билимларнинг шаклланиши, хусусиятлари, қонуниятлари, услублари, илмий тафаккур шакллари, шунингдек, инсонга хос бўлган борлиқни англаш қобилияти ҳақидаги назария, таълимот.
- Гулдўзи** - гулларни тикмоқ
- Давлат таълим стандарти** – 1) таълим олиш шаклидан қатъий назар битирувчилар эришишлари зарур бўлган таълим даражасини белгиловчи асосий ҳужжат; 2) ўқув фани бўйича таълимнинг якуний натижаларини белгиловчи асосий ҳужжат; 3) таълим дастурлари мазмунининг минимуми, ўқувчилар томонидан бажариладиган ўқув ишларининг максимал ҳажми, шунингдек, битирувчиларнинг тайёргарлик даражаларига қўйилувчи талаблар.
- Дарс** - бевосита ўқитувчи раҳбарлигида муайян ўқувчилар гуруҳи билан олиб бориладиган таълим жараёнининг асосий шакли.

Дарслик – муайян фан бўйича таълим мақсади, ўқув дастури ва дидактик талабларга мувофиқ белгиланган илмий билимлар тўғрисидаги маълумотларни берувчи манба.

Дидактика (таълим назарияси) – (юнонча «didaktikos» “ўргатувчи”, «didasko» – “ўрганувчи”) - таълимнинг назарий жиҳатлари (таълим жараёнининг моҳияти, тамойиллари, қонуниятлари, ўқитувчи ва ўқувчи фаолияти мазмуни, таълим мақсади, шакл, метод, воситалари, натижаси, таълим жараёнини такомиллаштириш йўллари ва ҳоказо муаммолари)ни ўрганувчи фан.

Дидактика тамойиллари (лотин тилидан «principium» - ҳар қандай назариянинг асосий, бошланғич, дастлабки ҳолати) – таълимни ташкил этишга қўйилган меърий талабларни ифодаловчи, шунингдек, таълим жараёнининг асосий мақсади ва қонуниятларига мувофиқ унинг дастлабки ҳолатини белгиловчи қарашлари.

Дидактик ташхис мақсади – ўқув жараёнининг самарадорлигини аниқлаш, баҳолаш ва таҳлил қилиш.

Дидактик тизим (юнонча «systema» – яхлит, қисмларда ташкил топган, бирлаштириш) – маълум мезонлари асосида таълим жараёнининг яхлит ҳолатини белгилаш, ажратиш кўрсатиш.

Дидактик ўйин – ўрганилаётган объект, ҳодиса ва жараёнларни моделлаштириш асосида ўқувчининг билишга бўлган қизиқиши ва фаоллик даражасини рағбатлантирувчи ўқув фаолияти тури.

Дунёқараш - табиат, жамият, тафаккур ҳамда шахс фаолияти мазмунининг ривожланиб боришини белгилаб берувчи диалектик қарашлар ва эътиқодлар тизими.

Ёш хусусиятлари - муайян бир ёш даврига хос бўлган анатомик, физиологик (жисмоний) ва психологик хусусиятлар.

Жамоа (лотинча «коллективус» сўзининг таржимаси бўлиб, йиғилма, омма, биргаликдаги мажлис, бирлашма, гуруҳ каби маъноларни англатади) - бир неча аъзо (киши)лардан иборат бўлиб, ижтимоий аҳамиятга эга умумий мақсад асосида ташкил топган гуруҳ.

Жамоа анъаналари – жамоа аъзолари томонидан бирдек қўллаб-қувватланувчи барқарорлашган одат.

Жорий назорат – таълим жараёнида ўқувчилар томонидан ўқув дастурида белгиланган муайян мавзуларни ўзлаштирилиш бўйича билим, кўникма ва малакалари даражасини аниқлаш, баҳолаш шакли.

Жизза - Кубик қилиб қирқилган думба ёғини қизартириб олингани

Зардўзи –заминдўзи –ёппасига зар тикиш

Идрок – аниқ мақсадга йўналтирилган англаш жараёни.

Ижтимоийлашув – ижтимоий муносабатлар жараёнида фаол иштирок этиши асосида шахснинг ҳаёт ва ишлаб чиқариш жараёнига мослашуви.

Ижтимоий онгни шакллантирувчи методлар - ўқувчиларда маънавий-ахлоқий сифатлар, эътиқод ҳамда дунёқарашни шакллантириш мақсадида уларнинг онги, ҳис-туйғуси ва иродасига таъсир кўрсатиш усуллари.

Изоҳлаш (тарбия методи сифатида) – тарбияланувчига ҳиссий-оғзаки таъсир этиш усули.

Илмий дунёқараш - узлуксиз, изчил равишда мавжуд фанлар асосларини пухта ўзлаштириб бориш, ижтимоий муносабатлар жараёнида фаол иштирок этиш натижасида барқарорлашган дунёқараш шакли.

Илмий тафаккур – инсон ақлий фаолиятининг юксак шакли саналиб, ижтимоий воқеа-ҳодисалар, жараёнларга нисбатан илмий ёндашув.

Илмий қараш (юнонча «idea» - ғоя, тасаввур, тушунчалар йиғиндиси) - муайян ҳодиса, жараённинг моҳиятини ёритувчи, илмий жиҳатдан асосланган фикр, ғоя.

Иқтисодий тарбия - ўқувчиларга иқтисодий билимларни бериш, уларда иқтисодий фаолият (оила бюджетини шакллантириш, хўжаликни юритиш, мавжуд моддий бойликларни асраш, кўпайтириш, савдо-сотик муносабатларини тўғри ташкил этиш ва ҳоказолар)ни ташкил этиш кўникма ва малакаларини шакллантиришдан иборат педагогик жараён.

Иқтисодий таълим - ўқувчиларга хўжалик юритиш тизими (оила бюджетини шакллантириш, хўжаликни юритиш, мавжуд моддий бойликларни асраш, кўпайтириш, савдо-сотик муносабатларини тўғри ташкил этиш ва ҳоказолар) тўғрисидаги назарий билимларни беришга йўналтирилган педагогик жараён.

Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш - мутахассисларнинг касб билимлари ва кўникмаларини янгилаш ҳамда чуқурлаштириш мақсадида ташкил этилувчи таълим босқичи.

«Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» - «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларига мувофиқ, миллий тажрибанинг таҳлили ҳамда таълим тизимидаги жаҳон миқёсидаги ютуқлар асосида тайёрланган ҳамда юксак умумий ва касб-ҳунар маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаолликка, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил равишда мўлжални тўғри ола билиш маҳоратига эга бўлган, истиқлол вазифаларини илгари суриш ва ҳал этишга қодир кадрларнинг янги авлодини шакллантириш мазмунини белгилаб берувчи юридик ҳужжат.

Кадрлар тайёрлаш миллий модели - шахс, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан ва ишлаб чиқариш каби таркибий қисмларнинг ўзаро ҳамкорлиги, улар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик асосида «юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрларни тайёрлаш Миллий тизими» моҳиятини ақс эттирувчи андоза, лойиҳа Унинг таркибий қисмлари қуйидагилардан иборат:

Конбайн - ҳосилни йиғиш машиналари

шахс – кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва объекти, таълим соҳасидаги хизматларнинг истеъмолчиси ва уларни амалга оширувчи;

давлат ва жамият – таълим ва кадрлар тайёрлаш тизими фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишни амалга оширувчи кадрларни тайёрлаш ва уларни қабул қилиб олишнинг кафиллари;

uzlukсиз таълим – малакали, рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг асоси бўлиб, таълимнинг барча турларини, давлат таълим стандартларини, кадрлар тайёрлаш тизимининг тузилмаси ва унинг фаолият кўрсатиш муҳитини ўз ичига олади;

фан – юқори малакали мутахассислар тайёрловчи ва улардан фойдаланувчи, илғор педагогик ва ахборот технологияларини ишлаб чиқарувчи;

ишлаб чиқариш – кадрларга бўлган эҳтиёжни, шунингдек, уларнинг тайёрғалик сифати ва савиясига нисбатан қўйиладиган талабларни белгилайдиган асосий буюртмачи, кадрлар тайёрлаш тизимини молиявий ва моддий-техникавий жиҳатдан таъминлаш жараёнининг фаол иштирокчиси.

Иш харакати - ишчининг бирор технологик ўтишни бажариши учун, масалан болға билан зубилани уришкаби меҳнат харакатлари мажмуасидир

Иш усули - ишчининг технологик операцияда айрим технологик ўтишларни бажаришида хараклари мажмуаси

Ихтисос - шахс томонидан мукамал эгаллаб олинган тор меҳнат фаолияти

- Касб-хунар коллежи** - ўқувчиларнинг касб-хунарга мойиллиги, билим ва кўникмаларини чуқур ривожлантирувчи, танлаб олинган касб-хунар бўйича бир ёки бир неча ихтисосни эгаллаш имконини яратиш мақсадида тегишли давлат таълим стандартлари доирасида ўрта махсус, касб-хунар таълимини берувчи, юридик мақомга эга таълим муассасаси.
- Касб** - инсоннинг доимий такрорланиб ишлаб чиқариш фаолияти
- Кўникма** – инсонни ўзидаги билимларига таяниб ва маълум талабларга риоя қилиб меҳнат жараёнларини бажара олиши
- Кўргазмали методлар** - предмет, ҳодиса ёки жараёнлар моҳиятини табиий ҳолатда намойиш қилиш, уларнинг макетларини кўрсатишда қўлланилувчи усуллар.
- Лицей (коллежда) маъруза** – ўқув материални ўқувчиларнинг идрок этиш фаолиятларини фаоллаштириш услублари билан биргаликда давомли оғзаки баён этиш (80-90 минут), берилаётган материалнинг схематик моделини тузиш (асосий фикрни тезис ёки лойиҳа кўринишида ёзиб олиш) ва бошқалар.
- Магистратура** - аниқ мутахассислик бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, бакалаврият негизида таълим муаддати камида икки йил давом этадиган олий таълим.
- Маданият** («cultura» сўзидан олинган бўлиб, парвариш қилиш, ишлов бериш маъносини билдиради) – ижтимоий тараққиёт давомида инсонларнинг фаолияти туфайли қўлга киритилиб, уларнинг ижтимоий эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилувчи моддий ва маънавий бойликлар тизими.
- Мазмун** (таълим (билим олиш) мазмуни) – таълим жараёнида шахс томонидан ўзлаштирилиши зарур бўлган илмий билим, амалий кўникма, малака, фикрлаш ҳамда фаолият усуллари тизими.
- Мактабдан ташқари таълим** - маданий-эстетик, илмий, техникавий, спорт ва бошқа йўналишларда йўлга қўйилувчи, болалар ҳамда ўсмирларнинг таълимга бўлган, яқка тартибдаги, ортиб борувчи талаб-эҳтиёжларини қондириш, уларнинг бўш вақти ва дам олишини ташкил этиш мақсадида ташкил этиладиган таълим босқичи.
- Малака** – муайян ҳаракат ёки фаолиятни бажаришнинг автоматлаштирилган шакли. Онгли равишда бажариладиган ишнинг кўп марта такрорланиши, кишининг касб маҳоратини ва ҳунарни эгаллаш даражаси
- Материални оғзаки баён қилиш методлари** – ўқув материали моҳиятини оғзаки (ҳикоя, тушунтириш, мактаб маърузаси каби шаклларда) ёритишда қўлланилувчи усуллар.
- Машқ ва ўргатиш (фаолиятда машқлантириш) методлари** – муайян машқёрдамида болалар фаолиятини оқилона, мақсадга мувофиқ ва ҳар томонлама пухта ташкил қилиш, уларни ахлоқ меъёрлари ва хулқ-атвор қоидаларини бажаришга одатлантириш усуллари.
- Маъруза** – йирик ҳажмдаги ўқув материални оғзаки баён қилиш шакли.
- Менежмент** – мавжуд минимал имкониятлардан максимал натижаларга эришиш учун шахс (ходим) ёки гуруҳга таъсир ўтказиш асосида уларнинг фаолиятини ташкил этиш тамойиллари, шакллари, методлари ва усуллари.
- Метод** - юнонча таржимаси «тадқиқот, усул, мақсадга эришиш йўли» каби маъноларни англатади.
- Методика** (фан сифатида)– хусусий фанларни ўқитишнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганади.
- Меҳнат тарбияси** - шахсга меҳнатнинг моҳиятини чуқур англашиш, уларда меҳнатга онгли муносабат, шунингдек, муайян ижтимоий-фойдали ҳаракат ёки касбий

кўникма ва малакаларини шакллантиришга йўналтирилган педагогик фаолият жараёни; ижтимоий тарбиянинг таркибий қисми.

Мунозара (тарбия методи сифатида) - тарбияланувчиларга ҳиссий-оғзаки таъсир кўрсатиш асосида уларда маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантиришга йўналтирилган баҳс-мунозара усули.

Мехнат ҳаракати – ишчининг бирон технологик ўтиш элементини бажариш.

Маркер - Рангли қалин фламастер

Назорат (таълим жараёнида) – таълим олувчининг билим, кўникма ва малакалари даражасини аниқлаш, ўлчаш ва баҳолаш жараёни.

Оила – кишиларнинг никоҳ ёки қон-қариндошлик ришталари, умумий турмуш тарзи, ахлоқий масъулият ҳамда ўзаро ёрдамга асосланувчи кичик гуруҳи.

Оилавий муносабатлар – ота-оналар (ёки боланинг камолоти учун масъул бўлган шахслар) ҳамда фарзандлар ўртасида турли йўналишларда ташкил этилувчи муносабатлар.

Оила тарбияси – ота-оналар (ёки бола камолоти учун масъул шахслар) томонидан ташкил этилувчи ҳамда фарзандларни ҳар томонлама етук, соғлом этиб тарбиялашга йўналтирилган педагогик жараён.

Олий таълим - ўрта махсус, касб-ҳунар таълими негизига асосланиб, икки босқич (бакалаврият ҳамда магистратура)да ташкил этиладиган ҳамда мутахассисликлар йўналишлари бўйича халқ хўжалигининг турли соҳаларига олий маълумотли мутахассисларни тайёрлаб берувчи таълим босқичи.

Олий ўқув юртидан кейинги таълим - жамиятнинг олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларга бўлган эҳтиёжларини қондириш, шахснинг ижодий таълим – касб-ҳунар манфаатларини қаноатлантиришга қаратилиб, олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот муассасаларида аспирантура, адъюнктура ва докторантурада таълим олиш, шунингдек, мустақил тадқиқотчилик фаолиятини ташкил этиш асосида амалга ошириладиган таълим босқичи.

Оралиқ назорат – ўқувчилар томонидан ўқув материалнинг муайян боб ёки бўлимлари бўйича ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакалари даражасини аниқлаш, баҳолаш шакли.

Педагогик талаб - турли хатти-ҳаракатларни бажариш ҳамда фаолиятда иштирок этиш жараёнида ўқувчи томонидан амал қилиниши зарур бўлган ижтимоий хулқ-атвор меъёрлари.

Педагогик технология– таълим ва тарбия жараёнида замонавий педагогик технологияларни қўллаш, технологик ёндашув асосида таълим ва тарбия жараёнининг самарадорлигини ошириш муаммоларини ўрганади.

Педагог кадрлар таркиби – ўқитувчи, методист, тарбиячи, психолог, дефектолог, логопед, спорт инструктори, мусиқа, бадий ижодиёт, радиотехника, спорт ва бошқа йўналишларда фаолият кўрсатувчи тўғарақларнинг раҳбарларидан иборат мутахассислар.

Педагогик маҳорат – таълим-тарбия жараёнига онгли, ижодий ёндашув, методик билимларни самарали қўллаш олиш қобилияти, юксак педагогик тафаккур.

Педагогик талаб - турли ҳаракатларни бажариш, муайян фаолият жараёнида иштирок этишда ўқувчи амал қилиши зарур бўлган ижтимоий хулқ-атвор меъёрларини ифодаловчи вазифа; тарбиянинг энг муҳим усули. бўлажак ўқитувчиларнинг касбий маҳоратларини ошириш, такомиллаштириш муаммоларини ўрганади.

- Рағбатлантириш** - тарбияланувчининг хатти-ҳаракати ва фаолиятига ижобий баҳо бериш асосида унга ишонч билдириш, кўнгилини кўтариш ва уни қўллаб-қувватлаш усули.
- Ривожланиш** – шахсинг физиологик ва интеллектуал ўсишида намоён бўладиган микдор ва сифат ўзгаришлар моҳиятини ифода этувчи мураккаб жараён.
- Рейтинг** (баҳолаш, тартибга келтириш, классификациялаш) - муайян ҳодисани олдиндан белгиланган шкала бўйича баҳолаш.
- Синф** - ёши ва билими жиҳатидан бир хил бўлган, маълум ўқувчилар гуруҳи.
- Суҳбат** – савол ва жавоб шаклидаги диалогик таълим методи.
- Тамойил** (юнонча «principium») – бирор-бир назариянинг асоси, негизи, асосий бошланғич қоидаси; бошқарувчи ғоя, фаолиятнинг асосий қоидаси; умумлаштирилган талаб.
- Тарбия** – муайян, аниқ мақсад ҳамда ижтимоий-тарихий тажриба асосида шахсни ҳар томонлама ўстириш, унинг онги, хулқ-атвори ва дунёқарашини таркиб топтириш жараёни.
- Тарбия жараёни** - ўқитувчи ва ўқувчи (тарбиячи ва тарбияланувчи)лар ўртасида ташкил этилувчи ҳамда аниқ мақсадга йўналтирилган самарали ҳамкорлик жараёни.
- Тарбия мазмуни** - шахсинг шаклланишига қўйилувчи ижтимоий талаблар моҳияти.
- Тарбия методи** (юнонча «методос» – йўл) – тарбия мақсадига эришиш йўли; тарбияланувчиларнинг онги, иродаси, туйғулари ва хулқига таъсир этиш усуллари.
- Тарбия назарияси** – педагогиканинг муҳим таркибий қисми; тарбиявий жараён мазмуни, шакл, метод, восита ва усуллари ҳамда уни ташкил этиш муаммоларини ўрганеди.
- Тафаккур** (ижтимоий воқеа-ҳодисаларнинг онгда тўлақонли акс этиши, инсон ақлий фаолиятининг юксак шакли).
- Ташҳис** – дидактик жараён кечадиган барча шароитларни оидинлаштириш, унинг натижаларини белгилаш.
- Таълим** – ўқувчиларга назарий билимларни бериш асосида уларда амалий кўникма ва малакаларни шакллантириш, уларнинг билиш қобилиятларини ўстириш ва дунёқарашларини тарбиялашга йўналтирилган жараён.
- Таълим ва тарбия мазмуни** – шахсинг ақлий ва жисмоний қобилиятини ҳар томонлама ривожлантириш, дунёқарашини, одоби, хулқи, ижтимоий ҳаёт ва меҳнатга тайёрлик даражасини шакллантириш жараёнининг моҳияти.
- Таълим воситалари** – таълим самарадорлигини таъминловчи объектив (дарслик, ўқув қўлланмалари, ўқув қуроллари, харита, диаграмма, плакат, расм, чизма, диопроектор, магнитофон, видеоманитофон, ускуна, телевизор, радио, компьютер ва бошқалар) ва субъектив (ўқитувчининг нутқи, намунаси, муайян шахс ҳаёти ва фаолиятига оид мисоллар ва ҳоказолар) омиллар.
- Таълим жараёни** – ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасида ташкил этилувчи ҳамда илмий билимларни ўзлаштиришга йўналтирилган педагогик жараён.
- Таълимнинг синф-дарс тизими** - дарс шаклида муайян ўқувчилар гуруҳи билан ўқув режасига мувофиқ тузилган аниқ жадвал бўйича олиб бориладиган таълим жараёни.
- Таълим тизими** – давлат сиёсатининг асосий тамойиллари асосида ёш авлодга таълим-тарбия бериш йўлида фаолият юритувчи барча турдаги таълим муассасалари мажмуи.
- Таълим шакли** – таълим жараёнининг ташкилий тузилмаси.
- Тизим** (мустақил тушунча сифатида) - ўзаро боғланган кўплаб элементлар (таркибий қисмлар) ўртасидаги мустаҳкам бирлик ва ўзаро яхлитлик.

- Тест** - аниқ мақсад асосида муайян ҳолат даражасини сифат ва миқдорий кўрсаткичларда белгилашга имкон берувчи синов воситаси.
- Топширик** - ўқувчиларда меҳнат, ижтимоий хулқ ва ҳаётий тажриба кўникмаларини шакллантириш мақсадида қўлланиладиган усул.
- Тушунтириш** - ўқув материали мазмунини исбот, таҳлил, умумлашма, таққослаш асосида баён қилиш.
- Тўгарак** - ўқувчиларнинг қизиқиш ва қобилиятларини ривожлантириш мақсадида синфдан ёки мактабдан ташқари шароитда уюштирилувчи кўшимча таълим шакли.
- Технологик жараён** - ишлаб чиқаришнинг бир қисми
- Технологик операция**- технологик жараённи бир ёки бир неча ишчилар охиригача бажарадиган қисм
- Тиски** - буюмни қисиб ушлаб турувчи мослама
- Усул** - муайян ўқув материални ўзлаштиришда қўлланилаётган асосий таълим методи билан бирга иккинчи бир таълим методининг айрим элементларидан фойдаланиш.
- Фаолият** - шахс томонидан табиий ва ижтимоий мақсадга мувофиқ ташкил этилувчи кундалик, ижтимоий ёки касбий ҳаракатларнинг муайян шакли, кўриниши.
- Шахс** - психологик жиҳатдан тараққий этган, шахсий хусусиятлари ва хатти-ҳаракатлари билан бошқалардан ажралиб турувчи, муайян хулқ-атвор ва дунёқарашга эга бўлган жамият аъзоси.
- Экологик маданият** - ўқувчининг ижтимоий талабларга мувофиқ табиат ва атроф-муҳит муҳофазасини ташкил этиш қобилияти.
- Экологик онг** - табиат ва атроф-муҳитнинг мавжуд ҳолати, уларни муҳофаза этиш борасидаги тушунчаларнинг онгдаги ифодаси.
- Экологик маданият** - ўқувчининг ижтимоий талабларга мувофиқ табиат ва атроф-муҳит муҳофазасини ташкил этиш қобилияти.
- Экологик тарбия** - ўқувчиларга дастлабки экологик билимларни бериш, уларнинг мавжуд экологик билимларини бойитиш, уларда табиат ва атроф-муҳит муҳофазасини ташкил этиш кўникма ва малакаларни шакллантиришга қаратилган педагогик жараён.
- Экологик таълим** - ўқувчига аниқ мақсадга мувофиқ, изчил, тизимли ва узлуксиз равишда назарий экологик билимларни беришга йўналтирилган таълимий жараён.
- Экологик фаолият** - экологик билимларга таянилган ҳолда табиат ва атроф-муҳит муҳофазасини таъминлаш борасида амалга оширилаётган хатти-ҳаракатлар мажмуи.
- Эстетик тарбия** - ўқувчиларни табиат, ижтимоий ва меҳнат муносабатлари, турмуш гўзаллигини идрок этиш, тўғри тушунишга ўргатиш, уларнинг бадиий дидини ўстириш, уларда гўзалликка муҳаббат уйғотиш ва ҳаётига гўзаллик олиб кириш қобилиятини тарбиялаш жараёни; ижтимоий тарбиянинг таркибий қисми.
- Яқуний назорат** – таълим олувчиларнинг чорак ёки ярим йиллик учун белгиланган ўқув материаллари бўйича ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакалари даражасини аниқлаш, баҳолаш шакли.
- Ўз-ўзини баҳолаш** - мавжуд фазилатлари, хатти-ҳаракати, хулқ-атворини таҳлил қилиш асосида ўз шахсига баҳо беришга йўналтирилган фаолият усули.
- Ўз-ўзини тарбиялаш методлари** - ўқувчиларнинг ўзини ўзи идора қилишлари, турли ўқувчилар органлари фаолиятида фаол иштирок этишларини таъминлаш, уларнинг ижтимоий мавқеларини ошириш мақсадида қўлланилувчи усуллар.

- Ўз-ўзини таҳлил (назорат) қилиш** - ўз шахси, мавжуд фазилатлари, хатти-ҳаракати, хулқ-атворини таҳлил қилиш, мавжуд сифатларни бойитиш ёки салбий одатларни бартараф этишга қаратилган фаолият усули.
- Ўз-ўзини қайта тарбиялаш** – шахснинг ўзидаги салбий одатлар, характеридаги зарарли сифатларни йўқотиш, уларни бартараф этишга қаратилган ички фаолияти жараёни.
- Ўзлаштириш** – таълим жараёнида устувор ўрин тутувчи ижтимоий талабларга мувофиқ шахс томонидан муайян хатти-ҳаракат ва хулқ усуллариининг эгалланиши.
- Ўргатиш** - тарбияланувчилар ижтимоий хулқ-атвор кўникмалари, одатларини шакллантириш мақсадида режали ва изчил ташкил қилинадиган турли ҳаракатлар, амалий ишлар.
- Ўқитувчи (педагог)** – педагогик, психологик ва мутахассислик йўналишлари бўйича махсус маълумот, касбий тайёргарлик ва маънавий-ахлоқий сифатларга эга ҳамда таълим муассасаларида фаолият кўрсатувчи шахс.
- Ўқув дастури** – муайян ўқув фани бўйича билим, кўникма ва малакалар мазмуни, умумий вақтнинг мавзуларни ўрганилиши бўйича тақсимланиши, мавзуларнинг кетма-кетлигини белгилаш ҳамда уларнинг ўрганилиш даражасини ёритувчи меъёрий ҳужжат.
- Ўқув режаси** – таълим муассасида ўқитиладиган ўқув фанларининг тартиби, уларнинг ўқув йили бўйича тақсимланиши, ҳар бир ўқув фанига ажратиладиган ҳафталик ва йиллик ўқув соатлари, шунингдек, ўқув йили тузилишини белгиловчи меъёрий ҳужжат.
- Ўқув фани** – таълим муассасаларида ўқувчиларнинг ёш, идрок этиш имкониятларига мувофиқ уларга муайян фан соҳаси бўйича умумий ёки мутахассислик билимларини бериш, кўникма ва малакаларни шакллантиришни таъминловчи манба.
- Ўқувчилар жамоаси** – ижтимоий-фойдали аҳамият касб этувчи умумий мақсад ва биргаликдаги фаолиятга асосан жипслашган ўқувчилар бирлашмаси, гуруҳи.
- Ўқувчиларнинг ўз-ўзини бошқариши** - ўқувчиларнинг жамоа фаолиятини уюштириш ва бошқаришдаги фаол иштироклари.
- Ўқув қўлланмаси** – 1) маълум ўқув фанлари бўйича методик материаллар, тушунтиришлар, тавсияларни ёритувчи ҳамда ўқитувчи ёки ўқувчилар учун мўлжалланган манба; 2) муайян фан бўйича тайёрланган ҳамда методик жиҳатидан ўқув-тарбиявий жараёнда бевосита фойдаланиш имконини берувчи қўшимча ўқув материаллари.
- Ҳикоя** – ўқитувчи томонидан мавзуга оид далил, ҳодиса ва воқеаларнинг яхлит ёки қисмларга бўлиб, тасвирий воситалар ёрдамида образли тасвирлаш йўли билан ихчам, қисқа ва изчил баён қилиниши.
- Ҳисобга олиш** – таълимнинг муайян даврида ўқувчилар ва ўқитувчи фаолиятини умумлаштириш, хулосалаш.

ИЛОВАЛАР

ФАН БЎЙИЧА НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Ёшларни касбга йўналтиришнинг назарий шарт-шароитлари, фаннинг мақсади вазифалари ва асосий тамойиллари, касбга йўналтиришни моҳияти ва мазмуни изоҳлаб беринг.

2. “Таълим тўғрисидаги қонун” ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” да касб танлашга оид ғояларни тушунтиринг.
3. Касбга йўналтириш асослари тўғрисидаги таълимот, фан, техника ва ижтимоий тараққиёт, касбни тўғри танлашнинг аҳамияти, умуммехнат ва махсус малакаларни касбга бўлган қизиқишни шакллантириш мазмунини тушунтиринг.
4. Касбга йўналтириш методлари тўғрисида тушунча беринг.
5. Касбга йўналтириш босқичларида олиб бориладиган ишлар мазмунини тушунтиринг.
6. Профессиограмма нима?
7. Касб танлаш ва касбга мослашишни изоҳланг.
8. Касб танлашда узвийлик.
9. Касбга йўналтиришда ўқитувчи шахси, фан ўқитувчилари ва синф раҳбарининг фаолиятини изоҳланг.
10. Ўқув муассасаларида касб танлашга йўллаш методларини тушунтиринг.
11. Ўқувчиларни касбга йўналтиришда узвийлик қандай олиб борилади?.
12. Касб қандай танланади?.
13. Касблар характеристикаси – профессиограмма нимани билдиради?
14. Касбга йўналтириш ишларига қўйиладиган талаблар ва хатоликларқайсилар?
15. Экскурсиялар уюштириш ва унинг касбга йўналтиришдаги аҳамиятини тушунтиринг.
16. Ўқувчиларни замонавий касб-ҳунарга йўналтириш
17. Касб маданияти қандай шакллантирилади?
18. Касб танлаш қандай олиб борилади?
19. Касбий маслаҳат қандай берилади?
20. Ўқитувчи касб маданиятини белгиловчи омиллар
21. Психологиянинг асосий принциплари ва уларнинг касб танлаш ишларидаги аҳамияти.
22. Педагогика фанининг касб танлашга йўллаш ишларини ташкил этишдаги ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
23. Каримов И.А. “Юксак малакали мутахассислар тараққиёт омили” . –Т.; 1995 й. –23 бет.
24. Каримов И.А. “Ўзбекистон –буюк келак сари”. –Т.;1998 й. 68-бет.
25. Баркамол авлод –Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори: Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”. –Т.; 1997 й. 63-бет.
26. Бўлатов С.С. Ёшларга ҳунар ўргатишни миллий – анъанавий асослари (методик тавсиянома) –Т.; 1999й. 20-бет.
27. Воробев А.И. Меҳнат таълими ва касб танлашга йўллаш методикаси. –.; 1980 й. 208-бет.
28. Давлатов К. Меҳнат ва касб таълими, тарбияси ҳамда касб танлаш назарияси ва методикаси. –Т.; 1992 й.
29. Давлатов К. Меҳнат ва касб таълими, тарбиясидан амалий машғулотлар.–Т.; 1995 й.
30. Жўраев Р.Х., Толипов Ў.Қ., Шарипов Ш.С. Узлуксиз таълим тизимида ўқувчиларни касб-ҳунар йўналтиришнинг илмий-педагогик асослари. Монография. -Т.:ФАН. 2004. 120 б.
31. Муслимов Н.А., Муллахметов Р.Г. Касб танлашга йўллаш. Ўқув қўлланма. –Тошкент: ЎзРОЎМТВ, 2007.

ҚЎШИМЧА АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасида ўқувчи-ёшларни касб-ҳунарга йўналтириш тизимини ривожлантириш концепцияси. –Тошкент: Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик Республика ташхис маркази. 2002. 12 б.

2. Болтабоев С.А. Толипов У. Умумий ўрта таълим мактаблари касбга йўналтириш ўқув-методика кабинети фаолиятини ташкил қилиш бўйича методик тавсиянома. - Тошкент 2000.
3. Толипов Ў.Қ., Шарипов Ш.С., Холматов П.Қ. Дарсдан ташқари Машғулотлар жараёнида ўқувчиларни касб-ҳунарга йўллаш технологияси. –Тошкент: ЎзПФИТИ. 2004. 32 б.
4. Азизхўжаева Н.Н. “Педагогик технология ва педагогик маҳорат” (Ўқув қўлланма). –Т.; 2003 й.
5. Азизхўжаева Н.Н. “Ўқитувчи мутахассислигига тайёрлаш технологияси”. –Т.; 2000й.
6. www.ziyonet.uz
7. www.pedagog.uz

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

“МУСИҚА ВА МЕХНАТ ТАЪЛИМИ” КАФЕДРАСИ

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
ГулДУ ўқув ишлари
проректори Н.Баракаев

«___» _____ 2017 й.

КАСБ -ҲУНАРГА ЙЎНАЛТИРИШ

фани бўйича ишчи ўқув дастури

(5112100-Мехнат таълими, 2017-2018 ўқув йили 7-семестр)

Умумий ўқув соати	– 174
Шу жумладан:	
Маъруза	– 32
Лаборатория иши	– 48
Семинар машғулоти	– 34
Мустақил таълим	– 60

Гулистон – 2017 й

Фаннинг ишчи ўқув дастури намунавий ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилди.

Тузувчи: Қурбонов Б. п. ф. н, “Муסיқа ва меҳнат таълими” кафедрасининг доценти _____ (имзо)

Такризчи: Мухлибоев М. п. ф. н, “Муסיқа ва меҳнат таълими” кафедрасининг доцент в.б. _____ (имзо)

Фаннинг ишчи ўқув дастури “Муסיқа ва меҳнат таълими” кафедрасининг 2017 йил “28” 08 даги 1 - сонли мажлисида кўриб чиқилиб, факультет Илмий-услубий Кенгашида кўриб чиқиш учун тавсия қилинди.

Кафедра мудир:

Н.Рахимов

Фаннинг ишчи ўқув дастури “Педагогика” факультети Илмий-услубий Кенгашининг 2017 йил “___” _____ даги “___” 1 - сонли мажлисида тасдиқланди.

Факультет Илмий-услубий
Кенгаши раиси:

Р.Эргашев

Кириш

Ушбу ишчи ўқув дастур талабаларнинг педагогика, психология, умумкасбий ҳамда махсус фанлардан олган билим ва кўникмаларини амалга тадбиқ этиш, умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларида умуммеҳнат, касб танлашга йўллаш ва умумкасбий билим ва кўникмаларни шакллантиришнинг методлари, дарс беришнинг шарт-шароитлари, ташкилий шакллари ҳамда методлари, шунингдек, ўқувчиларга касбларга оид билим бериш кўникиш, мослашиш, танлаш, касбни шакллантириш ёки бошқа касбни танлаш, ташкилий шакллари ҳамда воситалари, шунингдек, уларга оид режалаштирувчи ҳужжатлар мазмуни билан таништириш масалаларини қамрайди.

Ўқув фанининг мақсади ва вазифалари

Фанни ўқитишдан **мақсад** - талабаларни ҳар томонлама баркамол ривожланган, ҳозирги замон руҳида тарбияланган, бозор иқтисодиёти даврида таълим-тарбия ишини ташкил этиш ва уни амалга оширишга оид долзарб муаммоларни ижобий ҳал эта оладиган, миллий истиқлол ғояси, миллий ва умуминсоний кадриятларимизни чуқур ҳис этиб, уларни таълим-тарбия мазмунига сингдира оладиган шахс-меҳнат таълими, касб танлашга йўллаш ўқитувчиси сифатида шакллантиришдир.

Фаннинг **вазифаси** - педагогик-психологик билимларни ўқувчиларда умуммеҳнат, касб танлашга йўллаш ва умумкасбий кўникма ва малакаларни шакллантириш жараёнида тадбиқ этиш; педагогик-психологик билимлар, бевосита танланган соҳаларга ва янги педагогик, ахборот технологиялари асосида методик муаммоларни ҳал этиш; мактабларда меҳнат таълими, касб танлашга йўллаш дарсларини ўқитишни ташкил этиш ҳамда уни амалга ошириш методикасини ўргатишдан иборат.

Фан бўйича талабаларнинг билимига, кўникма ва малакасига қўйиладиган талаблар

“Касб ҳунарга йўналтириш” ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида бакалавр:

- Меҳнат таълими ўқитиш методикаси бўйича таълим мазмунининг узвийлиги ва ўзаро боғлиқлиги; ўқув моддий базасини ташкил этилиши (ўқув материаллари ва мосламалар билан таъминланиши); Давлат Таълим Стандартларининг ишлаб чиқиши мезонлари ва унга қўйиладиган талабларни, касб типлари, касбга яроқлилик, касб танлашга таъсир этувчи омилларни **билиши керак**;

- ўқувчиларнинг касб ҳунарга тайёргарлиги бўйича ўқув режаси ва дастурлар мазмунини; ўқув жараёнини ташкил этиш ва меҳнат таълими, касб танлашга йўллашга оид режалаштирувчи ҳужжатларни ишлаб чиқиш, меҳнат таълими, касб танлашга йўллаш ва касб танлашга йўллаш дарсларини олиб бориш **кўникмаларига эга бўлиши керак**;

- таълим муассасалари ва ишлаб чиқариш корхоналари ўртасида алоқалар ўрнатишни билиши, малака ҳосил қилиши ва амалда қўллай олиши; машғулотларни ўтказиш; ўқув жараёнини режалаштириш; тарбиявий тадбирларни ўтказиш; бандлик хизмати билан ишлаш; ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларини аниқлаш бўйича турли тестлардан фойдаланиш; ота-оналар ва жамоат ташкилотлари билан ишлаш **малакаларига эга бўлиши керак**.

Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвий кетма-кетлиги

Касб ҳунарга йўналтири. Умумкасбий фан ҳисобланиб, 7 семестрда ўқитилади. Дастурни амалга ошириш ўқув режасида режалаштирилган математик ва табиий (физика, математика, ахборотлар технологияси, чизмачилик, радиоэлектроника ва ҳ.к.), умумкасбий (педагогика, педагогик маҳорат, психология, меҳнат ва муҳандислик психологияси ва ҳ.к.) ва ихтисослик (материаллар технологияси, машинасозлик фанлари, ўқув устахоналарида амалий

ишлар, касб таълими практикуми фанлари, техника хавфсизлиги ва ҳ.к.) фанларидан етарли билим ва кўникмаларга эга бўлишлик талаб этилади.

Фаннинг таълимдаги ўрни

Талабалар фанни ўзлаштириш жараёнида ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган барча соҳалар, уларда қўлланиладиган технологик жараёнлар ҳамда ишлаб чиқариш муносабатлари тўғрисида тўлиқ тасаввурга эга бўладилар. Умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларни меҳнат таълими, касб танлашга йўллаш таркибида касбга йўналтириш уларнинг замонавий ва миллий касб-ҳунарларни ўзаро уйғунлигини таъминлаган ҳолда билим, кўникма, малакаларни эгаллашларини таъминлайди. Мазкур дастур бўлажак меҳнат таълими, касб танлашга йўллаш ўқитувчиларининг меҳнат таълими, касб танлашга йўллашни ўқитиш методикаси, касбга йўналтириш ишларини халқ хўжалиги тармоқлари истикболини ҳамда касб-ҳунар коллежлари соҳалаштирилганлигини ҳисобга олган ҳолда бажаришига хизмат қилади.

Фани ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар

Талабаларнинг меҳнат таълимини ўқитиш методикаси, касб танлашга йўллаш фанини ўзлаштиришлари учун ўқитишнинг илғор ва замонавий усулларидан фойдаланиш, янги информацион-педагогик технологияларни тадбиқ қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Фанни ўзлаштиришда дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар, маъруза матнлари, тарқатма материаллар, электрон материаллар, виртуал стендлар ҳамда ишчи ҳолатдаги машиналарнинг ишлаб чиқаришдаги намуналари ва макетларидан фойдаланилади.

Мазкур фанни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши, жумладан:

- ўқув фанига тегишли маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан, блиц-сўров, инсерт техникаси; фронтал иш, гуруҳларда ишлаш, «Бумеранг», мусобақа, «Аралаш мантикий занжирлар», муаммоли дарс, «бхбхб» каби педагогик технологияларидан фойдаланиш;
- фан бўйича ўтказиладиган амалий машғулотларида оғзаки баён қилиш, фикрлар хужуми», суҳбат-мунозара, чархпалак, БББ, ролли ўйинлар, муаммоли дарс, кичик гуруҳларда ва жамоада ишлаш педагогик технологиялардан фойдаланиш назарда тутилган.

Фандан ўтиладиган мавзулар ва улар бўйича машғулот турларига ажратилган соатларнинг тақсимоти

Т/р	Фаннинг бўлими, маъруза, амалий иш, лаборатория иши ва семинар машғулотлари мавзуси. Т.М.И.соатлари.	Жами	Маъруза	Лаборатория иши	Семинар	Мустақил таълим
7-семестр						
1.	Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш назарияси ва методикаси	8	2		2	4
2.	Касб-ҳунарга йўналтириш ишининг педагогик асослари	14	4	4	2	4
3.	Ўзбекистон халқ хўжалигининг асосий тармоқлари	12	2	4	2	4
4.	Ўрта махсус таълими таснифлаш	12	2	4	2	4
5.	Касб-ҳунарга йўналтириш ишининг мактаб тизими	12	2	4	2	4
6.	Касб-ҳунарга йўналтиришнинг тарбиявий йўналиши	12	2	4	2	4
7.	Касб-ҳунарга йўналтиришнинг ижтимоий ва	14	2	4	4	4

	психофизиологик асослари					
8.	Касб-хунарга йўналтиришнинг тартиби	14	4	4	2	4
9.	Педагогик-психологик фанларни ўқитишда талабаларни касб-хунарга йўналтириш ишини назарий-методик жиҳатдан тайёрлаш	18	2	4	4	8
10	Дарсдан ҳамда ўқув муассасасидан ташқари касб-хунарга йўналтириш ишларини режалаштириш ва такомиллаштириш	18	2	4	4	8
11	Хунармандларнинг бозор муносабатлари асосидаги фаолиятлари, уюшмалари ва унинг исикболлари	14	2	4	4	4
12.	Ўзбекистондаги ишлаб-чиқариш турлари	12	2	4	2	4
13.	Технологик жараён ҳақида асосий тушунча	14	4	4	2	4
	Жами:	174	32	48	34	60

2. Ўқув материаллари мазмуни

2.1. Маъруза машғулоти мазмуни

№	Мавзулар мазмуни	Ажратилган соатлар
1.	Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш назарияси ва методикаси	2
2.	Касб-хунарга йўналтириш ишининг педагогик асослари	4
3.	Ўзбекистон халқ хўжалигининг асосий тармоқлари	2
4.	Ўрта махсус таълими таснифлаш	2
5.	Касб-хунарга йўналтириш ишининг мактаб тизими	2
6.	Касб-хунарга йўналтиришнинг тарбиявий йўналиши	2
7.	Касб-хунарга йўналтиришнинг ижтимоий ва психофизиологик асослари	2
8.	Касб-хунарга йўналтиришнинг тартиби	4
9.	Педагогик-психологик фанларни ўқитишда талабаларни касб-хунарга йўналтириш ишини назарий-методик жиҳатдан тайёрлаш	2
10	Дарсдан ҳамда ўқув муассасасидан ташқари касб-хунарга йўналтириш ишларини режалаштириш ва такомиллаштириш	2
11	Хунармандларнинг бозор муносабатлари асосидаги фаолиятлари, уюшмалари ва унинг исикболлари	2
12	Ўзбекистондаги ишлаб-чиқариш турлари	2
13	Технологик жараён ҳақида асосий тушунча	4
	Жами	32

3. Лаборатория машғулотларини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар.

№	Мавзулар мазмуни	Ажратилган соатлар
1.	Халқ хунармандчилигидаги касблар уларнинг таснифи	4
2.	АЛ ва КХКнинг йўналишлари уларни бир-биридан фарқи, умумий томонларини таҳлил қилиш	4
3.	Касбларнинг типлари	2
4.	Касбларнинг туркумлари, бўлимлари, гуруҳлари	2
5.	Касбларнинг мураккаблик омилларини таҳлил қилиш	2
6.	Касб танлашда онглилик ва мустақиллик	2

7.	Касбнинг инсонга қўядиган талаблари	2
8.	Касб танлашда йўл қўйиладиган кичик хатолар	2
9.	Професионал қизиқиш ва мойилликлар	2
10.	Професионал қизиқиш ва мойилликни шакллантириш	2
11.	Касб танлашда қобилиятнинг аҳамияти	2
12.	Касбга яроқлилиқ	2
13.	Касб танлашда саломатликнинг аҳамияти	2
14.	Касбларни тиббий жиҳатдан номувофиқлиги	2
15.	Ишчи касбини эгаллаш йўллари	4
16.	Олий ва ўрта махсус таълим тизимида мутахассислар тайёрлаш	2
17.	Професионал режа тўғрисида тушунча	4
18.	Професионал режани амалга ошириш босқичлари	2
19.	Касб ҳунарга қизиқишни тестини тузиш	2
20.	Касб ҳунарга қизиқишни вниқлаш анкетасини тузиш	2
	Жами	48

4. Семинар машғулоти мавзулари:

№	Мавзулар мазмуни	Ажратилган соатлар
1.	Ёшларни касб-ҳунарга йўналтиришни назарий шарт-шароитлари: фаннинг мақсад ва вазифаси, мазмуни	
2.	Касб-ҳунарга йўналтириш асослари: фан, техника ва ижтимоий тараққиёт; касбни тўғри танлашнинг аҳамияти; умуммеҳнат ва махсус малакаларни, касбга бўлган қизиқишни шакллантириш	
3.	Меҳнат таълими методистига қўйиладиган талаблар: методистнинг касб-ҳунарга йўналтиришда бошқарувчилик аҳамияти, методистнинг психологик-педагогик умумтехника ва умумтаълим тайёргарлиги. Касбга йўналтириш босқичларининг мазмуни: кузатиш, диогностик суҳбатлар; 1-босқич-1-4-синф; 2-босқич-5-9-синф; 3-босқич-АЛ, КХК;	
4.	Касб-ҳунарга йўналтиришни мактаб тизими. Ўқитувчилар яхши, фан ўқитувчилари, синф раҳбари; ўқув ишлари бўйича илмий мудир. Ўқув муассасаларида касб-ҳунарга йўналтириш услуги. Касб-ҳунарга йўналтириш комиссияларини ташкил қилиш; ўқитувчилар билан методик ишларни ташкил қилиш; ўқувчилар билан ишлаш, оналар билан ишлаш.	
5.	Касб-ҳунарга йўналтиришни тарбиявий йўналиши. Касблар характеристикаси профессиограмма	
6.	Касб-ҳунарга йўналтириш ишларига қўйиладиган талаблар. Мактабда тарбиялаш дарсларида касб-ҳунарга йўналтириш: бошқа соҳа мутахассисликлари билан таништириш; ўқув муассаси атрофидаги корхоналар билан таништириш.	
7.	Мактабдан ташқари ташкилотларга экскурсияларни ташкил қилиш; оммавий ахборотларни аҳамияти	
8.	Касб-ҳунарга йўналтириш ишларини ижтимоий асослари. Касб-ҳунарга йўналтиришишларини психологик асослари. Касб-ҳунарга йўналтириш ишларини физиологик асослари. Касб-ҳунарга йўналтириш ишига раҳбарлик қилиш ва уни режалаштириш	
9.	Бўлажак ўқитувчиларни, ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш	

	ишига тайёрлаш тизими	
10.	Касб-хунарга йўналтиришнинг таркиби. Синф раҳбари. Синф раҳбарининг касб-хунарга йўналтиришда ўрни. Ўқув муассасаси раҳбарининг касб-хунарга йўналтиришни ташкил этиши. Ўқув ишлари бўйича раҳбар ўринбосарининг вазифаси	
11.	Ўқув муассасасидан ташқари тарбиявий ишларнинг такомиллаштиришнинг иш мазмуни. Талабаларни касб-хунарга йўналтириш ишига тайёрлашнинг мазмуни.	
	Жами	34

Талаба мустақил таълимни тайёрлашда муяннан фаннинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиш тавсия этилади:

- дарслик ва ўқув қўлланмалар бойича фан боблари ва мавзуларини ўрганиш.
- тарқатма материаллар бойича маърузалар қисмларини ўзлаштириш.
- автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи тизимлар билан ишлаш.
- махсус адабиётлар бойича фанлар бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш.
- янги техникаларни, аппаратураларни, жараёнлар ва технологияларни ўрганиш.
- талабанинг ўқув-илмий-тадқиқот ишларини бажариш билан боғлиқ бўлган фанлар бўлимлари ва мавзуларини чуқур ўрганиш.
- фаол ва муаммоли ўқитиш услубидан фойдаланиладиган ўқув машғулоти.
- масофавий (дистанцион) таълим.

Талабалар мустақил таълимнинг мазмуни ва ҳажми

Ишчи ўқув дастурининг мустақил таълимга оид мавзулари	Мустақил таълимга оид топшириқ	Бажарилиш муддатлари	Ҳажми (соатда)
Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш назарияси ва методикаси. Ёшларни касб-хунарга йўналтиришнинг назарий шарт-шароитлари; фаннинг мақсади; фаннинг вазифаси; фаннинг мазмуни	Ушбу йўналиш бўйича ўқувчилар оладиган назарий билимлар, кўникма ва малакаларини изоҳлаб беринг	1-ҳафта	3
«Таълим тўғрисида»ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастур. Касбга йўналтириш асослари тўғрисидаги таълимот; фан-техника ва ижтимоий тараққиёт; касбни тўғри танлашнинг аҳамияти; умуммехнат ва махсус малакаларни, касбга бўлган қизиқишни шакллантириш	Ушбу йўналиш бўйича ўқувчилар оладиган назарий билимлар, кўникма ва малакаларини изоҳлаб беринг	1-ҳафта	3
Касб-хунарга йўналтириш ишининг педагогик асослари. Касб таълими методикасига қўйиладиган талаблар: методистнинг касб-хунарга йўналтиришда бошқарувчилик аҳамияти; методистга қўйиладиган талаблар: методистнинг психологик-педагогик, умумтехник ва умумтаълим тайёргарлиги. Касбга йўналтириш босқичларининг мазмуни; кузатиш; диагностик суҳбатлар, 1-босқич-1-4-синф; 2-босқич-5-9-синф; 3-босқич-АЛ, КХК;	Ушбу йўналиш бўйича ўқувчилар оладиган назарий билимлар, кўникма ва малакаларини изоҳлаб беринг	2-ҳафта	3

Касб-хунарга йўналтиришни мактаб тизими.	Ушбу йўналиш бўйича ўқувчилар оладиган назарий билимлар, кўникма ва малакаларини изоҳлаб беринг	3-ҳафта	3
Ўқитувчилар яхши, фан ўқитувчилари, синф раҳбари; ўқув ишлари бўйича илмий мудир.	Ушбу йўналиш бўйича ўқувчилар оладиган назарий билимлар, кўникма ва малакаларини изоҳлаб беринг	4-ҳафта	3
Ўқув муассасаларида касб-хунарга йўналтириш услубиёти. Касб-хунарга йўналтириш комиссияларини ташкил қилиш; ўқитувчилар билан методик ишларни ташкил қилиш; ўқувчилар билан ишлаш, ота-оналар билан ишлаш.	Ушбу йўналиш бўйича ўқувчилар оладиган назарий билимлар, кўникма ва малакаларини изоҳлаб беринг	5-ҳафта	3
Касб-хунарга йўналтиришнинг тарбиявий йўналиши	Ушбу йўналиш бўйича ўқувчилар оладиган назарий билимлар, кўникма ва малакаларини изоҳлаб беринг	6-ҳафта	3
Мактабда тарбиялаш дарсларида касб-хунарга йўналтириш: бошқа соҳа мутахассисликлари билан таништириш; ўқув муассаси атрофидаги корхоналар билан таништириш. Мактабдан ташқари ташкилотларга экскурсияларни ташкил қилиш; оммавий ахборотларни аҳамияти	Ушбу йўналиш бўйича ўқувчилар оладиган назарий билимлар, кўникма ва малакаларини изоҳлаб беринг	7-ҳафта	3
Касбга йўналтиришнинг ижтимоий ва психологик асослари	Ушбу йўналиш бўйича ўқувчилар оладиган назарий билимлар, кўникма ва малакаларини изоҳлаб беринг	8-ҳафта	3
Касб-хунарга йўналтириш ишларининг ижтимоий асослари. Касб-хунарга йўналтириш ишларининг психологик асослари. Касб-хунарга йўналтиришнинг физиологик асослари	Ушбу йўналиш бўйича ўқувчилар оладиган назарий билимлар, кўникма ва малакаларини изоҳлаб беринг	9-ҳафта	3
Бўлажак ўқитувчиларни ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ишига тайёрлаш тизими	Ушбу йўналиш бўйича ўқувчилар оладиган назарий билимлар, кўникма ва малакаларини изоҳлаб беринг	10-ҳафта	3
Касб-хунарга йўналтиришнинг таркиби. Бўлажак ўқитувчиларининг мутахассислигига асосланган ҳолда касб-хунарга йўналтириш. Синф раҳбари. Синф раҳбарининг касб-хунарга йўналтиришдаги ўрни. Ўқув муассасаси раҳбарининг касб танлашни ташкил этиши. Ўқув ишлари бўйича раҳбар ўринбосарларининг вазифаси	Ушбу йўналиш бўйича ўқувчилар оладиган назарий билимлар, кўникма ва малакаларини изоҳлаб беринг	11-ҳафта	3

Ўқув муассасасидан ташқари тарбиявий ишларнинг такомиллаштиришнинг иш мазмуни. Талабаларни касб-хунарга йўналтириш ишига тайёрлашнинг мазмуни.	Ушбу йўналиш бўйича ўқувчилар оладиган назарий билимлар, кўникма вқа малакаларини изоҳлаб беринг	12-хафта	3
Ижтимоий-сиёсий туркумдаги фанларини ўрганишда талабаларни касб-хунарга жиҳатдан йўналтириш ишига ғоявий-назарий жиҳатдан тайёрлаш. Бўлажак фан ўқитувчиларга тайёрлаш жараёнида ўқув режаси билан танишиш	Ушбу йўналиш бўйича ўқувчилар оладиган назарий билимлар, кўникма вқа малакаларини изоҳлаб беринг	13-хафта	3
Ўқув дастурларида касб-хунарга йўналтиришнинг тарбиявий имконятлари	Ушбу йўналиш бўйича ўқувчилар оладиган назарий билимлар, кўникма вқа малакаларини изоҳлаб беринг	14-хафта	3
Ижтимоий-сиёсий туркумдаги фанларни ўрганишда талабаларни касб-хунарга йўналтириш ишига ғоявий-назарий жиҳатдан тайёрлаш	Ушбу йўналиш бўйича ўқувчилар оладиган назарий билимлар, кўникма вқа малакаларини изоҳлаб беринг	15-хафта	3
Психологик-педагогик фанларни ўрганишда талабаларни касб-хунарга йўналтириш ишига назарий-методик жиҳатдан тайёрлаш	Ушбу йўналиш бўйича ўқувчилар оладиган назарий билимлар, кўникма вқа малакаларини изоҳлаб беринг	16-хафта	3
Психология фанининг касб-хунарга йўналтиришдаги аҳамияти	Ушбу йўналиш бўйича ўқувчилар оладиган назарий билимлар, кўникма вқа малакаларини изоҳлаб беринг	17-хафта	3
Педагогика фанининг касб-хунарга йўналтиришдаги аҳамияти	Ушбу йўналиш бўйича ўқувчилар оладиган назарий билимлар, кўникма вқа малакаларини изоҳлаб беринг	18-хафта	3
Мутахассисликка кириш фанининг мазмуни. Талабаларни касбга-йўналтириш тизимидаги махсус, илмий ва умумий техник туркумдаги фанлар. Талабаларни касб-хунарга йўналтириш тизимидаги махсус, умумий техник туркумдаги фанлар	Ушбу йўналиш бўйича ўқувчилар оладиган назарий билимлар, кўникма вқа малакаларини изоҳлаб беринг	19-хафта	3
Жами			60

4. Рейтинг баҳолаш тизими
4.1. Рейтинг назорати жадвали

Назорат тури	Рейтинг баҳолашлар			Жами	Саралаш бали
	1	2	3		
ЖН (40 %) шу жумладан	16	24	30	70	39
ЖН (Амалий машғулоти)	10	14	18	42	23
ЖН (Мустақил таълим)	6	10	12	28	16
ОН (30 %)		26	26	52	28
ЯН (30 %)			53	53	29
Жами:				175	96

Баҳо	5	4	3	2
Рейтинг	86-100	71-85	55-70	< 55
Фанни ўзлаштириш кўрсаткичлари	150-175	124-149	96-122	<96

4. Рейтинг баҳолаш тизими
4.1. Рейтинг назорати жадвали

КУЗГИ СЕМЕСТР

№	Сентябр			Ноябр				Декабр				Январ			Феврал		19-24			
	4-9	11-16	18-23	25-30	1-4	6-11	13-18	20-25	27-2	4-9	11-16	18-23	25-30	9-15	17-22	24-29			1-5	7-12
	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16			17	18
1	ЖН-40%	Амалиёт			2				2				2			2			8	
		Лаборатория машғулоти				2					2			2			2		8	
		Семинар машғулоти					2					2						2		6
		Мустақил таълим				3	3			3		3			3			3		18
2	ОН-30%								9								9		18	
		Мустақил таълим					4				4					4			12	
3	ЯН – 30%																	30	30	
	Жами		16				25				29				30	100				
	Жами Гп бўйича		16				41				70				30	100				

Баҳо	5	4	3	2
Рейтинг	86-100	71-85	55-70	< 55
Фанни ўзлаштириш кўрсаткичлари	150-175	124-149	96-122	<96

**Талабанинг лаборатория машғулотларини ўзлаштириш даражаси
қуйидаги мезон асосида аниқланади**

Баҳолаш кўрсаткичи	Баҳолаш мезонлари	рейтинг бали
Аъло, 86-100%	Лаборатория ишини мавзусининг назарий асослари бўйича мукамал билимга эга. Лаборатория ишларини ижодий ёндошган ҳолда тушинтиради. Лаборатория ишини мустақил бажара олади. Олган натижаларни мустақил таҳлил қилади. Олинган натижалар тўғри ва аниқ таҳлил қилинган.	86-100
Яхши, 71-85%	Лаборатория ишини мавзуси назарий асослари бўйича етарли билимга эга. Лаборатория иши мазмунини яхши тушунади. Олинган натижалар таҳлил қилинган ва тўғри.	71-85
Қониқарли, 55-70%	Лаборатория ишини мавзуси назарий асослари бўйича билими паст.	55-70
Қониқарсиз 0 54%	Талаба лаборатория машғулоти бўйича колеквиум топшира олмаса, тайёрланмаган бўлса лаборатория ишини бажаришга рухсат берилмайди, талабани билим даражаси қониқарсиз баҳоланади.	0-54

ЖНни баҳолаш мезонлари

Касб-хунарга йўналтриш фани бўйича жорий назорат талабанинг амалий ва лаборатория, семинар машғулотларидаги ўзлаштиришини аниқлаш учун қўлланилади. ЖН ҳар бир амалий машғулотларида сўров ўтказиш, савол ва жавоб каби шаклларда амалга оширилади. ЖН ҳар бир лаборатория ва амалий машғулотларда сўров ўтказиш, савол ва жавоб, суҳбат каби шаклларда амалга оширилади. Талабага ЖН да бутун баллар қўйилади.

4.3. ОНни баҳолаш

Оралиқ назорат “Касб-хунарга йўналтриш” фанининг бир неча мавзуларини қамраб олган бўлими бўйича, тегишли назарий ва амалий машғулотлар ўтиб бўлингандан сўнг ёзма ёки тест равишда амалга оширилади. Бундан мақсад талабаларнинг тегишли саволларни билиши ёки муаммоларни ечиш кўникмалари ва малакалари аниқланади. Ўқув йилининг 1-семестрида 2-та ОН ўтказиш режалаштирилган бўлиб 30 балдан иборат. 2-семестрида 2та ОН ўтказиш режалаштирилган бўлиб 30 балдан иборат. ОН назорат ишлари ёзма иш ва тест усалида ўтказилиши назарда тутилган, ёзма иш ва тест соволлари ишчи ўқув дастур асосида тайёрланади. ЖН ва ОН га ажратилган балдан 55% дан паст балл тўплаган талаба ўзлаштирмаган ҳисобланади. ОН ни ўзлаштирмаган талабаларга қайта топшириш имконияти берилди. ОН бўйича олинадиган тестлар кафедра мудири раҳбарлигида ташкил этилади ва кафедрада ўқув йилининг охиригача сақланади.

4.4. ЯНни баҳолаш

Якуний назорат “Касб-хунарга йўналтриш” фанининг барча мавзуларини қамраб олган бўлиб, назарий ва амалий машғулотлар ўтиб бўлингандан сўнг ёзма равишда ёки тест амалга оширилади. Бундан мақсад талабаларнинг фан бўйича ўзлаштириш кўрсаткичлари, яъни билим даражаси ёки муаммоларни ечиш кўникмалари ва малакалари аниқланади. ЯН ишлари

тест усулида ҳам ўтказилиши назарда тутилган, тест саволлари ишчи ўқув дастури асосида тайёрланади. ОН ва ЖНларга ажратилган баллдан 55% дан паст балл тўплаган талаба ўзлаштирмаган ҳисобланади ва ЯНга киритилмайди. ЯНни ўзлаштирмаган талабаларга қайта топшириш имконияти берилади. ЯН бўйича олинadиган ёзма иш вариантлари кафедра мудирини раҳбарлигида тузилади ва деканатларга топширилади.

Тест усулида ЯН ни баҳолаш мезонлари:

ЯН тест ва ёзма иш шаклида ўтказилади ва талабанинг жавоблари 30 баллик тизимда баҳоланади. Бунда тестга ажратилган 10 балл 10 саволлар сонига бўлиниб, бир саволга қўйилadиган балл топилади (1 балл) уни тўғри жавоблар сонига қўпайтириб, ва ёзма ишдаги 2 та назарий саволларга 10 баллдан, жами назарий саволга 20 баллдан баҳоланиб талабанинг ЯН да тўплаган баллари аниқланади.

ИНФОРМАЦИОН-УСЛУБИЙ ТАЪМИНОТ АСОСИЙ АДАБИЁТЛАР

№	Муаллиф, адабиёт номи, тури, нашриёт, йили, ҳажми	Кутубхонада мавжуд нусхаси
1.	Н.А.Муслимов, Р.Г.Муллаҳмедов. ; Касб танлашга йўллаш. Ўқув қўлланма –Тошкент; Ўз РОЎМТВ, 2007.	1 дона

ҚЎШИМЧА АДАБИЁТЛАР

№	Муаллиф, адабиёт номи, тури, нашриёт, йили, ҳажми	Кутубхонада мавжуд нусхаси
1.	Н.А.Муслимов ва б. Меҳнат таълими ўқитиш методикаси, касб танлашга йўллаш. Дарслик. Т., 2014. 452 бет.	25 дона
2.	Жўраев Р.Х., толипов Ў.Қ., Шарипов.Ш.С.Узлуксиз таълим тизимида ўқувчиларни касб-хунарга йўналтиришнинг илмий-педагогик асослари Монография -Т.;ФАН. 2004. 129 бет	1 дона
3.	Ўзбекистон Республикасида ўқувчи-ёшларни касб-хунарга йўналтириш тизимини ривожлантириш концепцияси. – Этошкент; Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва психологик-педагогик Республика тасхис маркази. 2002.12 бет	1 дона
4.	О.А.Қўйсинов ва б. Меҳнат таълими, касб танлашга йўллаш фанидан лаборатория машғулотлари.Т., Методик қўлланма. 2013. 160 бет.	1 дона
5.	Б.Қурбонов “Меҳнат таълимини ўқитиш методикаси, касб танлашга йўллаш” ЎҚ Гулистон 2007 й. 96 бет	5 дона
6.	Б.Қурбонов “Меҳнат таълимини ўқитиш методикаси, касб танлашга йўллаш” ЎУМ 1 қисм Гулистон 2012 й. 119 бет	5 дона
7.	Б.Қурбонов “Меҳнат таълимини ўқитиш методикаси, касб танлашга йўллаш” ЎУМ 2 қисм Гулистон 2012 й. 92 бет	5 дона
8.	Б.Қурбонов “Касб танлашга йўллаш” ЎУМ Гулистон 2012 й. 87 бет	5 дона

Ишчи ўқув дастурга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

_____ ўқув йили учун ишчи ўқув дастурига қўйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда:

Ўзгартириш ва қўшимчаларни киритувчилар:

_____ (профессор-ўқитувчининг Ф.И.Ш.)

_____ (имзоси)

Ишчи ўқув дастурга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар “Педагогика” факультети Илмий-услубий Кенгашида муҳокама этилди ва маъқулланди (_____ йил “ ____ ” _____ даги “ ____ ” - сонли баённома).

Факультет Илмий-услубий

Кенгаши раиси:

Р.Эргашев